

R 496
1986/5





ГУЛИСТОН

5
1986

Экз. №4







Гулдек тобланганлар

ГБ УзССР
Ж

ҲАММА нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бўрон. Само чанг-тўзон исканжасида қолди. Унинг хуружидан дарахтлар қаддини ростлаб ололмайди, мўрт шох-шаббалар қарсиллаб синади, айрим навниҳоллар пана жой излагандай титраб қақшайди. Азим теракларнинг баъзилари ярим-ёрти жон асрагандан кўра қурбон бўлишни афзал кўргандай бир ҳовуч тупроқни чангаллаганча таг-томири билан қўпорилиб тушади.

Бўрон эса тинмайди. Гўё ҳамма нарсани — набототу мавжудотни синовдан ўтказишга азму қарор қилгандай тобора кучаяди: симларга урилиб чийиллайди, омонат нарсаларни бир ҳамла билан олиб кўкка ўрлайди, айрим томларни кўтариб ерга уради. Қутуриб увлайди, увлаб қутуради. Жамғармаси — хас-хазонларни очофатлик билан комига тортиб қуюнга айланади-да, сайхонликдан ўтиб, деворлардан, томлардан ошиб, аллақаёқларда ғойиб бўлади.

Қуш ҳам, ҳайвон ҳам бундай фавқулодда кезларда қорасини кўрсатмайди. Фақат одам — инсон боласигина ўзини панага олишни лозим топмайди. Мана, улар уч-тўрттадан, беш-ўнтадан, ўн беш-йигирматадан бўлиб, бир-бирига чирмашиб ва бир-бирларини пана қилиб, қаддилари букилганча олдинга талпинадилар. Чанг-тўзон кўз очиргани қўймайди. Ортга қайтиш йўқ, фақат олға интилиш керак. Зеро, бундан ўзгача йўл табиат хуружларига бўйин эгиш демак. Руҳи яратиш ва бунёдкорликдан иборат кишилар бундай қисмат бандаси бўлишдан ор қиладилар.

— Ўша, бир-бирига чирмашиб Бекобод шамолига қарши олдинга интилганлар сафида мен ҳам бор эдим, — дейди ҳозирги пайтда машҳур пўлат эритувчи сифатида ном қозонган Исроил Манданов. Унинг истараси иссиқ юзини энлаган мулойим табассум ҳам пўлат эритмасида тобланган-дай қалб туйғуларини жизиллатиб ўтади. — Тез-тез хуруж қилиб турадиган Бекобод шамолига қарши бундан йигирма йиллар аввал ана шунақа усул билан заводга қатнаган пайтларимиз кўп бўлган. Кейин билсам, буниси ҳам ҳолва экан. Металлургия заводини бунёд этган дастлабки қурувчилар бундан беш баттар қийинчиликларни бошдан кечириб, Далварзин чўлларида изғиган дайди шамоллар хуружидан ертўлаларда жон асраган пайтлари ҳам кўп бўлган.

Халқимиз бошига тушган балою офат — урушнинг энг қизғин палласида — 1943 йилдаёқ ҳозирланган мартен ўчоқлари ҳаракатдаги армиямиз эҳтиёжлари учун пўлат эрита бошлайди. Республикамизнинг тўнғич металлургия корхонаси — В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводида дастлабки ўзбек пўлат эритувчилари — Саид Нуриддинов, Ҳафиз Ғаниев, Асад Эргашевлар фаолият бошлайдилар. Улар рус ва қардош металлургларнинг устозлигида пўлат эритишнинг сир-асрорини ўрганадилар ва ўзлари ҳам бутун бир металлурглар авлоди етишиб чиқишига ҳисса қўшадилар. Мен ҳам улар етиштирган шогирдларнинг бири бўлганим билан фахрланаман...

Биз Исроил Манданов билан шаҳар кўчаларини кезиб юрибмиз. Кўкка бўй чўзган ва шаҳар ҳуснига яраша чинору тераклар Бекобод шамоли хуружларини даф этиб туради. Хонадонларнинг кўча томондаги ҳовли саҳнларида турли хил мевали дарахтлар яшнаб, дилларга ҳузур бағишлайди.

— Инсон ўз меҳнати билан табиатни ҳам измига бўйсундирар экан, — дейди Исроил ака гўё бу атроф-теваракларни биринчи бор кўздан кечираётгандай жилмайиб. — Ахир, мана шу дарахтлар қанчалар машаққатлар эвазига бунёд этилди. Эндиликда эса уларнинг ўзи дайди шамоллардан одамларга паноҳ бўлиб хизмат қилмоқда.

Исроил Манданов дуч келган кишиларнинг кўпи билан салом-хушлашиб ўтади. Сменага ошиқаётган одамларни олиб, завод томон пайдар-пай ўтиб турган автобусларга қандайдир ички қониқиш туйғуси билан қараб қолади. Чеҳрасига бир лаҳзагина маъюслик соя ташлаб ўтгандай бўлади. Буни сезиб қолганимизни ҳис этади-да, ўзи изоҳ бера бошлайди:

— Бизнинг заводимиз ниҳоятда кенгайиб кетди. Металлургия корхонамизни мартен ўчоқларидан иборат, деб ўйлаган кишилар ўта даражада янглишадилар. Узоғи билан ҳар тўрт соатда юз тоннадан юқори ва олий нав пўлат эритмаси берадиган учта ўчоқдан иборат электрда пўлат эритувчи қудратли цехнинг ишга туширилиши ўтган беш йилликнинг самараси бўлди. Электрда эритилган пўлат авваллари Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидаги металлургия корхоналарига прокат қилиш учун жўнатилар эди. Эндиликда бу иш шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқарадиган цех тобора кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу ерда икки мингдан зиёд ишчи — асосан хотин-қизлар меҳнат қиладилар. Ана шу — сирланган идишлар ишлаб чиқарувчи цехнинг қуввати йилига беш минг тонна металлни ташкил этади. Бу истеъмол буюмлари кўплаб чет мамлакатларда ҳам ниҳоятда харидоргир.

Чеҳрасида бир лаҳза пайдо бўлиб сўнган маъюслик ифодасига бундай ютуқларнинг қандай дахли бор экан, деган ўй билан сергак тортамиз. У фикримизни уққандай, сўзида давом этиб дейди:

— Ҳамма гап шундаки, шаҳарнинг аввалги мутасаддилари ҳам, унинг бош планини тузишга бевосита алоқадор бўлган архитекторлар ҳам металлургия заводининг бу қадар кенгайиб кетиши мумкинлигини етарлича инобатга олмаган эканлар. Натижада шаҳар кўчалари, айниқса заводга элтадиган йўллар қинғир-қийшиқ, ноқулай, ишчилар истиқомат қиладиган жойлар корхоналардан олис. Лекин, хайрият, бу камчиликларнинг олди олиниб, ҳозирги пайтда шаҳарнинг бош планига эга бўлдик. Яқин йилларда бизнинг металлурглар шаҳри қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб кетса, ажаб эмас...

Ўз заводининг қувончию ташвиши вужудвужудига қадар сингишиб кетган бу инсон — Исроил Мандановни кўча-кўйда кўриб, унинг машҳур пўлат эритувчи эканлигини тасаввурингизга сиғдиролмайсиз. Жуссаси ихчамгина, хатти-ҳаракатлари осойишта, боқишлари мулойим, сўзлаганда етти ўлчаб бир кесиши фикри-зикри ва ўй-хаёли, бутун яшаш тарзи металл эритишдан иборат бу кишига монанд эмасдай туюлади. Лекин мартен ўчоғи қаршисида уни бутунлай танимай қоласиз.

Мана, улкан мартен ўчоғининг яллиғланган тафти металлург сиймосида камалак рангларида акслнади. Оператор ва ёрдамчилар пўлат эритувчининг имо-ишорасини зудлик билан фаҳмлаб, шунга яраша ҳара-

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Экз. №4

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали

№ 5 (435)
Май
1986

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

кат қиладилар. Пўлат излардан юриб келган машинанинг тонна-тонна чиқинди металломга тўла ковши ўчоқ қаршисига рўпара келади. Оператор тугмачани босади. Ўчоқ эшиги очилади. Бир ярим минг даражадан зиёд ҳарорат бағрида биқирлаб қайнаётган эритманинг олов тиллари бор куч билан ташга отилади. Шу зумдаёқ машина ковши ичкари киради-да, бир айланиб бор бисотини олов комига ташлайди ва гўё, куйиб адо бўлмаслик учун бир силтаниб, ўзини ташқарига олади. Гуруллаган олов дамини қайтариб эшик ёпилади. Энди қозон ичидаги жараёнларни фақат махсус тирқиш орқалигина кузатиш мумкин. Шунда ҳам каскага ўрнатилган махсус ойна орқали. Вақти-соати билан қозонга бирикмалар ташлаб турилади. Улар эритма бағридаги ортиқча ва зарарли моддаларни ё куйдириб чиқариб юборади ёхуд оқова сифатида ташқарига ҳайдайди. Бу жараён бир смена — саккиз соат ё ундан қисқароқ вақт давом этади. Ана шу вақт мобайнида пўлат эритувчи ва унинг атрофидаги ёрдамчилар ҳар доим катта синов ва имтиҳонни бошдан кечирадилар. Бу орада Исроил Манданов қўлидаги узун темир қошиқ неча бор қозон тубига тушиб, металл эритмасини олиб чиқади. Атрофга йирик-йирик учқунлар сачрайди. Ўчоқ яқинидаги ҳарорат уч юз-тўрт юз даража. Қошиқдаги эритмага сепилган сув бирпасда буғга айланади. Тусини йўқотган эритма бир силтов билан қошиқдан ажралади. Манданов атрофини қуршаган шогирдлари ва ёрдамчиларининг қуюнчаклик билан кузатувида эритма парчасини кўздан кечиради, эгиб-букиб, кейин эса тиши орасига олиб эзғилаб кўради. Сўнг, бирор муддат ўтиб, енгил тин олади. Атрофдагиларнинг чеҳрасида ҳам қониқиш ҳосил бўлиб, тарқаладилар.

Пўлат эритувчи биз томон ўгирилади. Энди, айни пайтда у, боя шаҳар кўчаларида бирга кезиб юрганимиз оддий кишига ўхшамайди. Кўзларида акс этган олов унинг изми билан мартен қозонида қайнаётган пўлат эритмаси таъсириданми ёхуд ғайрат-шижоат балқиб турган вужудининг бир парчасими — фарқ қилолмайсиз. Балки ҳар иккисининг қоришмасидир. Яғринлари ҳам кенгайгандай, юзию кўксию бутун борлиғи пўлат мустаҳкамлигини ўзида жо этгандай. Овози ҳам ҳамма шовқину гулдуросларни босиб кетадиган даражада темирдай жаранглайди.

— Металлнинг ҳам ўзига хос ранги, туси бўлгандай, таъми ҳам бор, — дейди у. — Туз овқатнинг мазасини созлагандай, уни бузиши ҳам мумкин. Бу ерда ҳам худди шундай. Қўшиладиган нарсаларни — зирваларни меъёрида солиш керак, акс ҳолда пўлатнинг сифати бузилади. Ҳароратни баландлатсангиз — айнийди, керагидан паст бўлса — етилмайди.

Пўлат эритмаси таъмини оддий усул билан жағ орасига олиб эзғилаб кўришида қандай каромат борлигини билишга қизиқамиз.

— Йиллар давомида орттирилган тажриба, — дейди Исроил ака. — Дастлаб иш бошлаган пайтларимда Абдумўмин Раҳимов, Николай Краси, Сергей Тимонин, Виктор Дубов каби устозларимнинг эритманинг қайнаш даражаси, унинг усти ва қозон четларидаги қуйқаларга қараб жараён қандай кечаётгани, айни пайтда нима қилиш лозимлигини бехато айтиб беришларидан ҳайрон қолардим. Мен ҳам қачон шу даражага етаман, деб уларга ҳавас қилардим. Мана, бу борадаги орзуим ҳам ушалди.

Қозондаги юз тоннадан зиёд пўлат худди олови баландлатиб қўйилган шўрвадай биқирлаб қайнашда давом этади. Маълум ҳисоб-китобдан сўнг ҳарорат яна кўтариб қўйилади. Эритма юзасидаги қуйқалар астасекин йўқола боради. Унинг қизғиш-нопармон туси тиниқ тортиб, оқаришиб боради. Сменадошлар учун энг нозик ва ҳаяжонли дамлар бошланади. Энди ҳамма зарарли ва ортиқча нарсаларни чиқариб ташлаб, ҳаво пуфакчалари кириб қолишига ҳам заррача имкон бермасдан, соф металлнинг ўзинигина қолдириш керак.

Пўлат эритувчи ва ёрдамчиларининг бир-бирига мутаносиб ҳаракатлари тезлашади ва мўътадиллашади. Чет киши кўзига пинҳон ҳар бир кичик жараён ҳам уларнинг диққат-эътиборида.

— Озгина сусткашлик ва заррача қалбакиликни ҳам ёқтирмайди пўлат, — дейди ички ҳаяжонини сездирмасликка интилиб Исроил Манданов.

Ҳа, металлург ҳам жарроҳ каби ўз ишининг устаси, ҳалол ва покиза бўлиши лозимгина эмас, балки шунга бурчли эканлигини англадик.

Боя суҳбатимизда Исроил ака пўлат эритиш жараёни ва унинг моҳиятини бизга жўнроқ тушунтириш учун шўрвани мисолга келтирган эди. Ҳар қиёсда бир нуқсон бор, деганларидек, бу ўхшатишда ҳам ўзининг «лекин»и бор экан. Ахир, шўрвани-ку таъмини ўрнига келтириш мумкин, бироқ «таъми бузилган» юз тонна металл бутун бошлиқ бригаданинг обрў-эътиборига, нуфузига, шаънига ўнғарилмас зарба бўлиб тушиши бешак. Шунинг учун ҳам ўртоқлик, биродарлик, бир-бирига ўзаро ҳурмат ва ишонч, ростгўйлик ва ҳалоллик чинакамига қадрланади ва эъзозланади. Бундай фазилат ва хислатлар мураббийлар томонидан ёш ишчиларга, устозлар томонидан шогирдларга астойдил сингдириб борилади. Исроил Мандановнинг шогирдлари — ҳозирги пайтда ўзлари мустақил пўлат эритувчи сифатида меҳнат қилаётган Аҳмаджон Саидқулов, Рашид Мадумаров, Виктор Жўраев, Павел Примак, Владимир Суховнинг ғайрат-шижоатини кўриб, юқоридаги фикрнинг ҳаққонийлигига яна бир бор амин бўлдик. Айрим шогирдлари эса, бу ерда қарор топтирган энг яхши анъаналарни Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларидаги металлургия корхоналарида: пўлат эритувчи мастер Виктор Лавров Қарағанда металлургия комбинатида, смена бошлиғи бўлиб ишлаётган Петр Анисимов Забайкалье металлургия заводида давом эттирмоқдалар. Яхшиликнинг қаноти бўлганидай, муносиб анъаналар ҳам тобора мустаҳкам қарор топиб, ёйилиб бормоқда.

Шу аснода ҳикоя мавзуидан бироз чекинишга тўғри келади.

Гап шундаки, пўлат эритиш жараёни билан танишганимиздан бир муддат аввал биз заводнинг фахрли кишиларидан бири, меҳнат ветерани, бутун бошлиқ металлурглар сулоласига асос солган Абдумўмин Раҳимовнинг дилкаш суҳбатидан баҳраманд бўлдик. Бу киши ота ўрнида ота бўлиб Исроил Мандановнинг бошини силаган, дастлабки машаққатларни енгиб ўтишида унга раҳнамолик қилган, оғир дамларида унга йўл-йўриқ кўрсатган устоз пўлат эритувчидир. (И. Манданов отадан эрта етим қолган бўлиб, ана шу амакиси тарбиясида вояга етди, ҳам муносиб фарзанд, ҳам муносиб шогирд бўлиб етишди).

— Фарзандларимгаю шогирдларимга ҳамиша бир нарсани уқтириб келаман, — деган эди ўша суҳбатда Абдумўмин ака. Очиқ чеҳрасида зуҳур топган нуронийлик чуқур самимият ифодасининг ўзгинаси эди. — Нон — муқаддас. Тўғрими? Унга бундан ортиқ таърифу тавсиф бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз ўзи эъзозлаган ҳалол-пок нарсаларни ноннинг азизлигига қиёс қилади. Менга қолса, мана шу Исроиллар, унинг ҳамкасабалари эритаётган металлни ҳам нонга қиёс қиламан. Усиз ҳаётимизнинг бирор соҳасини кўз олдингизга келтириб бўпсиз. У ҳам худди нондай азиз ва муқаддас. Шунинг учун у инсондан ўзига ҳалол, пок муносабатни талаб қилади. Пўлат эритувчи касби шунинг учун шарафли ҳисобланади.

Ҳикоямиз аввалига қайтамиз. Абдумўмин аканинг эҳтиросли сўзлари мазмунини айни пайтда пўлат эритмасининг сўнгги жараёнларини ҳаяжон билан кўздан кечираётган Исроил Мандановнинг «Пўлат — қалбакиликни ёқтирмайди» деб ҳозиргина айтган сўзлари моҳияти билан мантиқан боғлаймиз. Ахир бу авлоддан авлодга ўтаётган, пўлатдай тобланиб ва тобора мустаҳкамланиб, яратувчи ва бунёдкор замондошларимизнинг маънавий қиёфасини белгилаётган эътиқод ифодаси-ку. Партиямиз ғояларига, халқимиз орзу-интилишларига илдиздош бундай эътиқод бор ва барқарор экан, учинчи минг йилликка мўлжалланган режаларнинг рўёбга чиқишига шубҳа йўқ!

Маҳобатли бино зийларига ўрнатилган пўлат излардан гулдурос билан улкан кран ўрмалаб келади. Осма занжирлари — панжаларида бутун эритмани ўзига сиғдирадиган қозон мартен ўчоғи қаршисига келтирилиб, тахт қилиб қўйилади. Махсус идишга эритмадан олиб қуйилади ва шу ернинг ўзидаги лабораторияга жўнатилади. Энди ҳамма нарса лаборатория таҳлилининг натижасига боғлиқ. Пўлат эритмасининг таркиби, ҳарорат даражаси, сифати замонавий асбоб-ускуналар воситасида зудлик билан одилона таҳлил қилиб берилади. Ҳамманинг юзида жиддият.

— Рухсат!

(Давоми 4-бетда)



КПСС XXVII съезди делегати Исроил Манданов Бекобод шаҳридаги махсус профессионал техника билим юрти талабалари даврасида.

В. Мосин фотоси



«Союз Т-15» кемасининг командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси, полковник Леонид Денисович КИЗИМ ва «Союз Т-15» кемасининг бортинженери, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси Владимир Алексеевич СОЛОВЬЕВ.

КОСМОНАВТИКАМИЗНИНГ ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

Ленинча тинчликсеварлик сиёсатига изчил амал қилиб келаётган мамлакатимиз космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ этиш ишларини кенг миқёсда амалга оширмоқда.

Маълумки, космик фазони тадқиқ қилиш программасига мувофиқ 1986 йил 13 март куни Москва вақти билан соат 15 дан 33 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз Т-15» космик кемаси учирилди. Уни кема командири, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси, полковник Леонид Денисович Кизим ва бортинженер, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Владимир Алексеевич Соловьевдан иборат экипаж бошқарди.

Учиш программасида «Союз Т-15» кемасини 1986 йил 20 февралда Ер атрофи орбитасига чиқарилган «Мир» илмий станцияси билан туташтириш ҳамда кема ичида мўлжалланган илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш кўзда тутилган эди. Космик аппаратларни туташтириш 15 мартга мўлжалланган эди. Худди ўша куни Москва вақти билан соат 16 дан 38 минут ўтганда «Союз Т-15» космик кемаси «Мир» орбитал илмий станцияси билан туташтирилди. Туташтириш узелининг берклиги (герметиклиги) текширилгандан кейин космонавтлар Леонид Кизим ва Владимир Соловьев станция ичига ўтдилар.

Экипажнинг учиш программасида «Мир» станциясини ишга тушириш, унинг конструкциясидаги элементларни, борт системаларини синаб кўриш, агрегат ва аппаратларни созлаш ва ишга шайлаш кўзда тутилди. Бу ишлар станцияни келгусида илмий ва халқ хўжалик вазифаларини бажаришга ихтисослаштирилган модулларга эга бўлган, одам бошқарадиган доимий ишлаб турувчи комплексни вужудга келтириш учун базавий блок тарзида тайёрлаш мақсадида ўтказилди.

Космонавтлар станциянинг ускуналар ва аппаратларини қайтадан ишга солиш юзасидан режалаштирилган жараёнларни давом эттирмоқдалар. Улар атмосфера намидан олинган сувни қайта ҳосил қилиш системасини ишга туширдилар. Радио ва телевизион алоқа аппаратларини синаб кўрдилар, ҳаёт фаолиятини таъминлаш ва иссиқликни тартибга солиш системасини ишлата бошладилар.

«Мир» — «Союз Т-15» одам бошқараётган комплекснинг борт системалари нормал ишлаб турибди.

«Мир» — «Союз Т-15» орбитал комплексида амалга оширилаётган тадқиқотлар КПСС XXVII съезди тарихий қарорларида кўзда тутилган космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштиришдек эзгу программани муваффақиятли бажариш йўлида янги, муҳим босқичдир.

1986 йил 21 март куни Москва вақти билан соат 14 дан 16 минут ўтганида учирилган «Прогресс-25» кемаси орбитада космонавтлар бошқараётган «Мир» — «Союз Т-15» комплекси билан туташтирилди.

«Прогресс-25» кемаси орбитага бирлашган мотор қурилмаси учун ёқилғи, озиқ-овқат, сув, шунингдек, «Мир» станциясининг мураккаб илмий-тадқиқот комплекси база блоки сифатида узоқ муддат ишлаб туришини таъминлаш учун зарур аппарат ва ускуналарни етказиб берди.

(Боши 1—2-бетларда)

Чеҳраларга табассум ёйилиб, қандайдир енгиллик ва қувонч билан ҳаракатга тушиб кетадилар.

Оператор тугмачани босади. Улкан мартен ўчоғи одатий ҳолатини ўзгартиради. Қуйига ўрнатилган жўмракдан тахт қилиб қўйилган улкан қозонга оқ-нопармон суюқлик оқиб туша бошлайди.

Фавқулодда манзара. Инсон изми билан соатлар давомида биқирлаб қайнаган, зарарли ва ортиқча моддалардан халос бўлган, обдон тобланган пўлат эритмаси ўзининг ички куч-қудратини намойиш этаётгандай, атрофга юлдузлар сочади, яллиғ тафтидан ҳарорат таратади, энг сўнгги дуд ва тутунлари бинонинг баланд шифтлари томон ўрлайди.

— Ҳорманг!

— Саломат бўлинг! Бор бўлинг!

Ҳар доимги ҳаяжонли иш сменасидан сўнг биз Исроил Мандановни завод партия комитетининг хонасида, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, ўзи ҳам металлурглар сулоласига мансуб Илҳом Қурбонов ҳузурида яна учратамиз.

Ҳикоя тарзидан яна бироз чекиниб, шу нарсани ҳам айтиб ўтиш жоизки, партия ва комсомол ташкилотларига, маъмуриятга ростгўйлик, ҳалол ва принципли, ишчилар қалбини англайдиган ғамхўр ва меҳрибон кадрлар дадиллик билан жалб қилинмоқда. Биз электрда пўлат эритиш цехи комсомол ташкилотининг секретари Маҳмуджон Сайдуллаев, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехининг социалистик мусобақа уюштириш бўйича инженери Васила Иброҳимова, комсомол ташкилоти секретари Валижон Холиқов ва яна жуда кўп кадрларнинг иши билан танишиб, улар билан суҳбатлашганимизда юқоридаги фикрга чинакамига амин бўлдик...

Гап Исроил Мандановнинг эртага завод коллективи, индинга корхона ҳузуридаги махсус профессионал техника билим юрти талабалари билан учрашуви ҳақида боради. Одатда, бундай учрашувларда муҳим ва долзарб муаммолар ўртага ташланади, камчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқлари белгиланади. Билсак, Исроил Манданов учрашувга пухта тайёргарлик кўриш учун айрим муаммоларга доир тафсилотларни суриштиргани кетган экан.

Ташқарида суҳбатимиз яна давом этади.

— Мактабда ҳам, оилада ҳам фақат ҳалол меҳнатгина одамга рўшнолик келтиришидан сабоқ беришарди. Заводда устозларимдан ҳам худди ана шундай таълим олдим. Шогирдларимга ҳам шуни сингдираман.

Ҳа, Исроил Манданов металлурглик касбига сидқидилдан ихлос туфайли обрў-эътибор топди, камолга етди. У Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси. Партиямизнинг олий анжуманлари — Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, КПСС XXVII съездига делегат бўлиб қатнашди.

— Партиямиз олдинга сурган режалар улкан, — дейди Исроил Манданов. — Лекин камчилик ва нуқсонларга ҳам тик боқиб, уларни бартараф этиш йўлидан боришга ўргатди бизни партиямиз. Заводда ишчиларни уй-жой билан таъминлаш, оғир қўл меҳнати мавжуд жойларни жадаллик билан автоматлаштириш, роботлаштириш, маданий-маиший эҳтиёжларни тўкисроқ қондириш биринчи галдаги вазифаларимиз. Ўн бир мингдан зиёд коллективнинг вакили сифатида айтаманки, ҳали кўп яхши ишларни рўёбга чиқарамиз.

...Бекобод шамоли яна забтига ола бошлади. Азим дарахтларнинг шохлари чайқалади. Чанг-тўзон юзга уради.

— Буниси ҳали шамол эмас, — дейди Исроил ака. — Шабада-ку.

Юзларида илиқ табассум зуҳур топади. Кўнглимиз яйраб-яшнаб, самимий қўл қисишиб, у билан хайр-хушлашамиз.

Бекобод

Баҳодир АМИНОВ

КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ...

КОММУНИСТИК партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин партиянинг аграр масала соҳасидаги вазифаларини белгилар экан, чўлларни ўзлаштириш, суғориш ишларини амалга ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришга катта аҳамият берди. У суғоришни деҳқончилик ва чорвачиликни юксалтиришнинг муҳим омили деб қараш билан бирга, бу ишнинг ўтмишга хотима берадиган, янги жамиятга ўтишни мустаҳкамлайдиган энг муҳим восита эканлигини ҳам алоҳида таъкидлади. Владимир Ильич 1921 йилнинг 14 апрелида Озарбойжон, Грузия, Арманистон, Доғистон тоғ республикаларидаги коммунист ўртоқларга йўллаган хатида шундай деб ёзди: «Ҳаммадан ҳам суғориш иши зарурдир ва бу ўлкани ҳаммадан кўра кўпроқ ўзгартириб юборади, уни яшнатади, ўтмишга хотима беради, социализмга ўтишни мустаҳкамлайди».

В. И. Ленин Россиянинг чекка ўлкаларидан бири ҳисобланган Туркистон халқларининг келажаги ҳақида ўйлар экан, аввало мазкур ўлканинг чексиз бепоён чўлларини ўзлаштириш, бунинг учун суғориш иншоотларини бунёд этиш, сув билан таъминлаш асосида пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият берди. «Туркистонда ҳам, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — Россиянинг бошқа кўп жойларида ҳам ана шу кўп миллионли десятинадан иборат ерлар фақат суғоришни ва ҳар хил мелиорация ишларинигина кутиб ётгани йўқ, бу ерлар рус деҳқон аҳолисининг крепостной ҳуқуқ сарқитларидан, дворянларнинг латифундиялари зулмидан, давлатдаги қора гуруҳчилар диктатурасидан озод бўлишини ҳам кутиб ётибди».

Шу нуқтаи назардан Владимир Ильич Ўрта Осиё чўлларини ўзлаштириш, унга сув чиқариш масаласи билан қизиқиб, етук ирригатор мутахассислар — Г. К. Ризенкампф (Губенко) ва В. И. Васильев билан бир неча бор бу ҳақда маслаҳатлашди.

Ўша вақтдаги ғоят қийинчиликларга қарамасдан В. И. Ленин Ўрта Осиёдаги чўлларни ўзлаштиришнинг ниҳоятда муҳимлигини эътиборга олиб, 1918 йилнинг 17 май куни РСФСР Халқ Комиссарлар Советининг «Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Декретига имзо чекди. Мазкур Декретга биноан Мирзачўлда 500 минг десятина, Далварзин чўлида 40 минг десятина, Учқўрғон массивида 10 минг десятина ерга сув чиқариш ва бу ерда яна 20 минг десятина ернинг сувидан фойдаланишни тартибга солиш, Зарафшонда сув омбори қуриш ва 100 минг десятина ерни пахта етиштириш учун ўзлаштириш, Чу водийсида ирригация системаси қурилишини тугаллаш ва 94 минг десятина ерга сув чиқариш кўзда тутилган эди.

Ҳа, шахсан доҳиймизнинг ташаббуси билан Ўрта Осиёдаги чексиз чўлларни ўзлаштириш ва шу асосда совет пахтачилигини ривожлантиришнинг улкан режалари белгилаб берилди. 1919 йилнинг октябрь ойида қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва текшириш ишларини олиб бориш учун машиналар, асбоблар ва бошқа керакли нарсалар ортилган эшелон Тошкентга жўнатилди. Шунингдек, унда 300 чоғли ирригатор-мелиораторлар, тупроқшунослар, қурувчилар келдилар. Булар орасида Г. К. Ризенкампф, Н. А. Димо, К. И. Сундатов, Т. А. Колпакова сингари таниқли мутахассислар бор эдилар. Туркистонда Ирригация ишлари бошқармаси (ИРТУР) тузилиб, унга Георгий Константинович Ризенкампф бошлиқ қилиб тайинланди.

В. И. Ленин 1920 йилнинг 19 апрелида тўқимачилик саноати ишчиларининг Бутунроссия съездида сўзлаган нутқида пахта-



чиликни ривожлантириш, пахта етиштиришни янада кучайтиришга партиянинг диққатини яна бир марта қаратди. «Ҳатто четдан келтириладиган пахта ҳам ҳозир йўқ, — деган эди В. И. Ленин ўзининг ўша нутқида. — Чунки Ғарбий Европада ҳам хом ашёнинг камлиги сезилмоқда. Ягона манба — Туркистон бўлиб, у яқиндагина оқгвардиячиларнинг чангалидан озод қилинган, лекин транспорт йўлга қўйилган эмас».

РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йилнинг май ойида Владимир Ильич Ленин имзолаган «Туркистондаги суғориш ишларига 50 миллион сўм ажратиш ва бу ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги Декрети диёримизда бутунлай янги ижтимоий-иқтисодий ва техник асосдаги сув хўжалиги ишларининг кенг миқёсда бошланишига пойдевор қўйди.

Коммунистик партия ва совет ҳукумати ленинча кўрсатмалар асосида Туркистон чўлларида ирригация иншоотларини қуриш, мелиорация ишларини ривожлантириш асосида пахтачиликни юксалтиришга алоҳида эътибор берди. Шу изчил сиёсат самараси ўлароқ, Туркистонда, жумладан, Ўзбекистонда қақраб ётган чўлларни ўзлаштириш даври бошланди. Бу даврни тарихий нуқтаи назардан икки босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич Совет ҳокимияти ўрнатилганидан то 50-йилларнинг ўрталаригача бўлган муддатни ўз ичига олса, ундан кейинги йиллар иккинчи босқичга киради.

Ўрта Осиёдаги чўлларни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичи ленинча кооператив плани ва партиянинг тарихий XV съезди қарорлари асосида коллектив хўжаликларнинг тузилиши билан узвий боғлиқдир. Чунончи, худди ўша йиллари Мирзачўлда ўзлаштириш бошланиб, янги ерлар ҳисобига биринчи тўғноч хўжалик «Пахтаорол» совхози барпо этилди. Мазкур совхозга 1924 йилда дастлаб 6 та трактор келтирилди. Шундан сўнг бу хўжалик учун четдан 12 та трактор сотиб олинди. Шундай қилиб, Мирзачўлда ташкил этилган биринчи хўжалик — «Пахтаорол» совхози кейин тузилган бошқа хўжаликлар учун намуна бўлиб қолди.

Мирзачўлни ўзлаштиришда ва ташкил этилган хўжаликларга ҳар хил ёрдам уюштиришда ўша вақтда Сирдарё, Ликошин, Спасак сингари мелиоратив ширкатларнинг тузилиши ҳам муҳим роль ўйнади. Мирзачўлда ўзлаштирилган ерлар тобора кенгайиб, коллектив хўжаликларнинг сони ошиб борди. Масалан, 1920 йили бу ерда ўзлаштирилган ва сув билан таъминланган экин майдони қарийб 17,5 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1934 йилга келиб бу майдон 75,7 минг гектарга етди. 1918—1955 йиллар давомида Ўзбекистон территориясида жами 350 минг гектардан кўпроқ ер ўзлаштирилди. Бу янги ерларда ташкил этилган колхоз ва совхозларда 1956 йили 247 минг тонна пахта ва кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1954 йил февраль-март ойларида бўлиб ўтган Пленуми мамлакатда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш программасини белгилаб берди. Ана шундан сўнг мамлакатдаги қўриқ ва бўз ерларни оммавий ўзлаштириш соҳасида ҳақиқий ташаббускорлик ҳаракати бошланди. Мамлакатимизда пахтачиликни янада ривожлантиришда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1956 йилнинг 6 августида қабул қилган «Пахта ишлаб чиқариш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги бўз ерларни ўзлаштириш ва суғориш тўғрисида»ги қарори муҳим роль ўйнади.

Республикамизда чўлларни ўзлаштириш даврининг иккинчи босқичи партия ва ҳукуматимизнинг ана шу тарихий қарори билан бошланди. Ўтган давр мобайнида Мирзачўлда 384 минг гектардан ортиқ чўл ўзлаштирилиб, йирик пахтачилик райони бунёд этилди. Жумладан, Мирзачўлдан Ўзбекистон территориясида 326 минг, Тожикистон ССРда 38 минг ва Қозоғистон ССР территориясида 20 минг гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик тасарруфига киритилди.

Мирзачўлда ўзлаштирилган ерларда иккита йирик — Сирдарё ва Жиззах областларининг ташкил этилиши бу зонада пахтачиликни кенг ривожлантириш имкониятини берди.

Мирзачўлни ҳар томонлама ўзлаштиришга давлат томонидан сарфланган ҳамма харажат 1972 йилдаёқ тўла қопланди ва ўша йили Мирзачўл совхозлари 55 миллион сўмдан ортиқ соф фойда олдилар.

Мирзачўллик чўлқуварлар партиянинг ҳозирги даврдаги аграр масала соҳасидаги сиёсатини, КПСС съездларининг қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, пахтачиликни ривожлантириш борасида яхши ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Мирзачўлда ташкил қилинган совхозларда пахтачилик билан бирга қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланмоқда. Ана шу туфайли чўл зонаси совхозларида ҳар йили ўрта ҳисобда 700 минг тонна пахта етиштириш билан бирга ҳар йили 200 минг тонна полиз, 25 минг тонна сут, 30 минг тонна узум ва мева етиштирилмоқда. Бу эса Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳиссадир.

Мирзачўлни ўзлаштириш билан бирга қадимий чўл ўрнида Сирдарё, Ширин, Гулистон, Янгиер, Пахтакор, Дўстлик, Гагарин, Ульянов сингари кўркам шаҳарлар, қулай уй-жойлар, шаҳар типидаги обод посёлкалар, ўнлаб саноат корхоналари, кўплаб маданий-маиший муассасалар бунёд этилди. Бу шарт-шароитлар эса чўлни ўзлаштирувчилар ҳаётини маънавий жиҳатдан такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Мирзачўлни ўзлаштиришдек улуғвор ишда бутун мамлакат иштирок этди. Ленинграддан автоматик ускуналар, Уралдан насослар, Минск, Ростов ва Олтойдан қишлоқ хўжалиги машиналари, Магнитогорск, Қарағанда, Кузнецк, Днепропетровск, Челябинск сингари мамлакатимизнинг ўнлаб шаҳарларидан бу ерларга керакли турли асбоб-ускуналар келтирилди ва келмоқда. Доҳийнинг назари тушган бу асрий ва поёнсиз чўлни ўзлаштиришда 62 миллат вакиллари фаол иштирок этдилар.

Мирзачўлни ўзлаштиришда ленинчи ёшларимиз беқиёс куч-ғайрат кўрсатдилар. Улар орасидан Мамажон Дадажонов, Жавод Кўчиев, Инобат Охунова, Тўлан Дадажонов сингари юзлаб ҳақиқий ватанпарварлар етишиб чиқдилар.

Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш соҳасида орттирилган бой тажрибалар ва илғор иш усуллари бугунги кунда Қарши, Сурхон-Шеробод чўлларини, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасидаги ерларни, Қрим, Волгабўйи чўлларини, ҳатто ривожланаётган мамлакатларда янги ерларни ўзлаштиришда ҳам кенг қўлланилмоқда. Шу тариқа республикамизда ўрта ҳисобда ҳар йили 100 минг гектар ер ўзлаштирилмоқда.

Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида жуда ҳаққоний кўрсатилганидек, республикамизда чўлларни ўзлаштириш, янги ерларнинг ҳосилдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, чўлқуварларга шарт-шароитлар яратиш борасида жуда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилди. Республика партия Марказий Комитетининг XVI-XIX Пленумлари ва ЎзКомпартиянинг XXI съезди қарорлари асосида бу соҳадаги мавжуд камчиликларни тезда бартараф этиш, янги ерларни ўзлаштириш ва уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда тубдан бурилиш ясаш лозим.

Партия ва ҳукуматимиз доҳий В. И. Ленининг Ўрта Осиёдаги чўлларни ўзлаштириш ва шу асосда Совет Иттифоқи пахтачилигини ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмаларга амал қилиб, халқ хўжалигининг бу соҳасига ҳамиша эътиборни қаратиб келмоқдалар. КПССнинг XXVII съездида қабул қилинган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да Қарши ва Жиззах даштларини комплекс ўзлаштиришни ниҳоясига етказиш, илгаридан ишлаб турган суғориш системаларини реконструкция қилиш, улардан фойдаланишни яхшилаш вазифалари қўйилган. Бу улуғ режаларни изчил амалга оширишда партия ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислари амалда ленинча принципиаллик ва ишчанлик фазилатларини кўрсатишлари керак. Партия ва ҳукуматимизнинг бугунги талаби шундай.

Нарзулла АҲМЕДОВ,
тарих фанлари кандидати
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ
Самарқанд



Бухоро қишлоқ хўжалиги техникуми агрономлар, ветеринария врачлари, зоотехник, ҳисобчилар гидротехниклар каби ўрта бўғин мутахассисларини тарбияламоқда. Суратларда: техникум талабалари

А. Мирзажонов фотоси [ЎзТАГ

УЧ ҚИТЪА ОВОЗИ

Тошкент кинофестивалининг довруғини бутун дунё билади, десак янглишмаймиз. Иттифоқимиз шаҳарларида, республикамиз қишлоқларида, зарбдор қурилишларда, ўқув юртларида бўлганимизда кўпинча санъат мухлислари ана шу чексиз шуҳрат ва обрў қозонган анжуман ҳақида ҳикоя қилиб беришимизни сўрайдилар. Хорижий мамлакатларда ҳам Тошкент фестивалининг фаолиятига қизиқувчилар беҳисоб. Миллионлаб томошабинлар тўпланган майдонларда Тошкентнинг машҳур экрани, кино байрами ҳақида кўп бор тўлқинланиб гапириб беришимизга тўғри келган. Бундай учрашувларда Ўзбекистон пойтахтида муваффақият билан ўтган, гуманистик ғояларни кенг тарғиб этишга, халқлар ўртасида дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланишига, илғор кинематографик оқимларнинг мустаҳкамланиб, ривож топиб боришига ўз ҳиссасини қўшаётган кинофестивалларимиз ҳақида сўз айтмасликнинг иложи йўқ. Бундай ҳикоя учун бой ва ранг-баранг материал мавжуд. Зотан, фестиваль программаси демократик принциплар асосида тузилган бўлиб, тинчлик, биродарлик тарғиботчилари бўлган кино арбобларининг ўз асарларини кенг намойиш қилишларини ҳамкасбларининг фильмларини кўриб, ижодий суҳбатларда, матбуот конференцияларида кенг иштирок этишларини кўзда тутади.

Тошкент экранида Ҳиндистон, Япония, Мексиканинг ривож топган кинематографиялари билан бир қаторда Осиё, Африка, Лотин Америкасининг бир қатор мамлакатларида эндигина қанот ёзиб келаётган кино санъати асарлари ҳам кенг намойиш этилаётгани боғлаб, «Амок» асарини суратга олмоқчи бўлганида етарли маблағ топа олмай қийналганини, ниҳоят, уч давлат — Марокко, Гвинея ва Сенегалдан моддий ёрдам олганини сўзлаган эди. Бу сиёсий мавзудаги фильм устида зўр қизиқиш билан, масъулиятни сезган ҳолда ишлаган режиссёр айни пайтда Москва ва Тошкент киноанжуманлари кунларида совет кинематографияси ҳақида, фестиваль экранида намойиш этилган С. Эйзенштейннинг «Александр Невский» фильми ҳақида ҳам самимий фикрлар билдиргани ёдимизда.

Реакцион кучларнинг жирканч ишларини фош этишга қаратилган «Амок» сингари асарлар (масалан, «Бомбай тун оғушида» (Ҳиндистон), «Марусиа шахтасидаги воқеа» (Мексика), «Алангали йиллар хроникаси» (Жазоир), «Уйқудаги итлар» (Янги Зеландия), «Виждон амри» (Туркия), «Ишқ ўти» (Япония) фестиваль экрани қанчалик ранг-баранг, сермазмун эканлигини кўрсатади.

Африка киноси юлдузи Тереза Дион, турк актёри ва режиссёри Туркон Шорай, Япония экрани ҳамда саҳнасида шуҳрат қозонган Комаки Курихара, илғор ҳинд адиби ва режиссёри Хўжа Аҳмад Аббос ва кўпгина бошқа санъаткорлар, жамоат арбоблари билан суҳбат қурганимизда Тошкент фестивалининг халқаро миқёсдаги аҳамияти ҳақида билдирган фикрларини яна бир бор эслаш ниҳоятда мароқлидир. Масалан, Тереза Дион: «Совет кинематографияси мактабида таълим олишни кўп қатори мен ҳам орзу қиламан. Шундай ижодий мактабни яратган мамлакатда бўлиш, унда катта муваффақият билан ўтаётган анжуманда қатнашиш шарафига муяссар бўлганимдан бахтиёрман», деса, Комаки Курихара: «Япон театрида рус



Ҳинд актрисаси Рекха Ганишан.

эса мана бундай дейди: «Мен ва менинг ҳамкасбларим совет киносини яхши биламиз. Лекин фестивалга келиб, бу кинематография билан янада чуқурроқ танишдик.

Тошкент фестивали санъат халқларни бирлаштириши керак, деган фикрни эслатиб, таъкидлаб турибди. Бинобарин, бундай учрашувдан кинематографчиларгина эмас, турли мамлакатларнинг оддий кишилари ҳам манфаатдордирлар».

Ганадан шаҳримизга келган меҳмоннинг бу сўзларида катта ҳақиқат бор. Сиёсий мавзуларни ҳаққоний равишда ёритувчи фильмлар ҳам, севги, садоқат, оила, ахлоқ масалаларига бағишланган ҳаётий ленталар ҳам, ўтмиш саҳифаларини экранда акс эттирувчи реалистик асарлар ҳам халқларнинг кечаги ва бугунги куни, истиқболи билан яқиндан танишишга ёрдам беради. Шу боисдан турк санъаткорларининг «Бизнинг оила» психологик драмаси, Шри Ланкада суратга олинган «Лассанда» қиссаси, Фаластинни озод қилиш ташкилоти томонидан яратилган «Нега қуролимиз шай бўлиши керак?» деб аталган публицистик асар, «Ушалмаган орзу» номи билан экранларга чиқарилган, фожиа унсурларидан холи бўлмаган ҳинд кинолентаси ва кўпдан-кўп бошқа фильмлар ижодий союзлар, редакциялар, турли ташкилотларнинг дипломлари билан тақдирланди.

Ўтган VIII Тошкент кинофестивалида томошабинларга ажойиб совға тайёрланди: уч илғор режиссёр — Нелсон Перейра Дос Сантос (Бразилия), Канетосиндо (Япония) Мринал Сен (Ҳиндистон) турли йилларда яратган фильмлар кўрсатилди. Анжуман иштирокчилари, меҳмонлар, кино ихлосмандлари жаҳон кинематографиясининг бу улкан арбоблари раҳбарлигида суратга олинган асарларни кўриб, уларнинг ижод жараёни билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Бундай кўрикларнинг аҳамияти катта. Зотан, коммерция ҳукм сурган кинематографияларда илғор ғояларни тарғиб этувчи, бадиий тили мураккаб фильмларни намойиш этиш ҳам осон иш эмас. Масалан, ҳинд кинорежиссёри Сай Паранжини билан суҳбатлашганимизда у М. Сен ва С. Рей совринва дипломлар билан тақдирланганини айтди. Бундай режиссёрларнинг киноленталарини Ҳиндистонда кўриш баъзан қийинлигини ҳам афсус билан уқтирди: «Мен ўтган йили Москва Халқаро кинофестивалида муваффақият билан намойиш этилган «Парашурам» айниқса дилингда ифтихор уйғотади. Ўзбекистонда ҳар икки йилда бир марта, ўн кун давом этадиган бу анжуман кўплаб фильмларга катта экран сари йўлланма бераётгани, уч қитъа кинематографияси ривожига улкан ҳисса қўшаётгани, қудратли кучга айланаётган илғор бадиий оқимларни қўллаб-қувватлаётганини фильмлар таҳлили, ижодий баҳсларнинг шарҳи, ҳамкасбларимизнинг дил сўзлари яққол аён қилади.

Дарҳақиқат, сенегаллик ёзувчи ва режиссёр Сембен Усмоннинг «Мандат», «Седдо», «Эмитай» каби асарлари Тошкент экранида намойиш этилгач, миллионларнинг диққатини тортгани, бинобарин, Африка қитъасида кино ривож топишига катта шубҳа билан қараган реакцион унсурларнинг «маданиятли ва маданиятсиз халқлар» ҳақидаги «фалсафасига» зарба бергани илғор кучларнинг яна бир тантанаси бўлди.

Худди шу Тошкент фестивали экранида намойиш этилиб, жаҳон кинематографиясининг улкан асари сифатида баҳоланган «Амок» сиёсий фильми узоқ Мароккода суратга олингани ва унинг режиссёри ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган Сухейль Бен-Барка эканлиги Тошкентнинг юксак минбаридан маълум этилгани билан ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди. Кейинчалик бу асар Москва Халқаро кинофестивалида олий совриннолиши шаҳримиз юксак ғоявий-бадиий кучга эга бўлган киноленталарни кашф этаётганини, уларни юксак қадрлаётганини яна бир бор исботлади. Эндиликда «Амок» фильми етмиш мамлакат киноэкранларида намойиш қилинмоқда.

Сухейль Бен-Барка — Жанубий Африкадаги апартеидга қарши эҳтиросли сўз айтишга, адолатсизликни экрандан қоралашга бел ёзувчиси А. П. Чехов яратган образларни гавдалантиришдек масъулиятли иш менга топширилган. Совет Иттифоқида, жумладан, Тошкентда бўлишим шундай мураккаб вазифани адо этишимга ёрдам берди. Чунки бу ерда соғлом ижодий муҳит мавжуд. Фильм кўриш, улар ҳақида фикр юритиш, ўзбекистонликлар ҳаёти билан танишиш халқларнинг маданий меросини қадрлашга, уни сидқидилдан ўрганишга даъват этмоқда», деган эди. Ганадаги «Фильм — Африка» кинокомпаниясининг директори Сэм Шинта



Ижодий суҳбат.

фильмини ҳалигача кўрганим йўқ. Ваҳоланки, худди шундай асарлар ҳозирги кунда ҳинд кинематографлари ижодида юз бераётган ўзгаришлар, мураккаб ижод жараёни ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Уйлайманки, бундай асарларни майдонга келтираётган бадиий оқим намояндаларининг ижоди тобора сермаҳсул бўлиб боради... Мен Тошкент фестивалига тақдим этган «Жозиба кучи» асаримда Мринал Сен, Сатяжит Рей каби илғор санъаткорлар кўтарган мавзуларни очишга ва кадр-эпизодларни, сюжет йўлларини киритишга ҳаракат қилдим. Бу мавзудаги асарларни фестивалда кўрсатиш, улар ҳақида фикр юритиш фойдали, деб биламан».

Шундай қилиб, Тошкент Халқаро кинофестивалининг режалари катта, мақсади олижаноб. Навбатдаги — тўққизинчи анжуман шу йил 20—30 май кунлари ўтишига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Унинг кўтаринки руҳини КПСС XXVII съезди материаллари белгилаб берди. «Бутун планета миқёсида давлатлар ва халқларнинг биргаликдаги амалий, бунёдкорона ҳаракатини йўлга қўйишни тарихнинг бориши, ижтимоий тараққиёт жараёни тобора қатъий талаб қилмоқда, талаб қилибгина қолмай, шу билан бирга бунинг учун зарур сиёсий, социал, моддий шарт-шароитларни яратиб ҳам бермоқда, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг съездда қилган Сиёсий докладида.—Ядровий фалокатнинг олдини олиш учун, цивилизация омон қолиши учун мана шундай биргаликдаги ҳаракат зарур».

Ишончимиз комилки, илғор кинематографиялар кўриги — Тошкент кинофестивалининг гуманистик руҳи, дўстона, соғлом муҳити, олижаноб ғояларни тарғиб этувчи ленталари умумбашарий муаммоларни ҳал этишга ёрдам берувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Планетамизда тинчлик барқарор бўлиши, халқлар ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бориши, юксак мақсадларга хизмат қиладиган фильмлар кўплаб яратилиши учун замин яратадиган бу анжуман ҳам муваффақият билан ўтиши учун қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Анжуман кунлари меҳмонлар иштирокида кўрик ва баҳслар, учрашув ҳамда экскурсиялар уюштирилади. Уч қитъа киносанъаткорлари республикамиз ҳаёти, КПССнинг тарихий XXVII съезди белгилаб берган вазифаларни амалга ошираётган мамлакатимиз меҳнаткашларининг ажойиб меҳнат фаолиятлари билан танишадилар. Совет турмуш тарзи билан уч қитъа вакилларигина эмас, планетамизнинг бошқа районларидан келган санъаткорлар, журналистлар, жамоат арбоблари ҳам яқиндан танишадилар.

Яна Тошкентнинг улкан экрани, юксак минбари, сарой ва меҳмонхоналари, Бухоро ва Самарқанд каби қадимий шаҳарларимизнинг кўҳна майдонлари гавжумлашади, «Халқлар тинчлиги, социал тараққиёти ва озодлиги учун» шиори остида ўтадиган IX Тошкент кинофестивалининг ҳаётбахш руҳи — тинчлик, дўстлик руҳи бутун мамлакатимиз, республикамиз, қитъалар бўйлаб эркин парвоз қилади.

Ҳамидулла АКБАРОВ



ЎзССР халқ артисти Ўлмас Алихўжаев чет эллик меҳмонлар даврасида.

Л. Глауберзон фотоси

ХАР ТУҒРИДА БИР ШИНГИЛ

ОВОЗ ҚАРМОҚ

Балиқларни чувалчанг, капалак, чигиртка ёки бирор бошқа хил хўракни қармоққа қўйиб ушлаш ҳаммага маълум. Шунингдек, баъзи балиқлар тунда ёқилган фонуслар орқали ҳам тутилади. Яқинда норвегиялик олим Йенс Бальхен лосось (қизил гўштли балиқ) ва бошқа балиқларни сув остидан овозли сигналлар юбориб ушлаш мумкин, деган қарорга келди. Бальхен сув остига маълум сигналлар жўнатгач, балиқлар тўдатўда бўлиб «ўлжа» томон бора бошлашди.

Ихтирочининг фикрича, овозли қурилмалар ёрдамида кенг кўламда балиқ овлаш мумкин.

ОЗУ СОЗ СЎЗЛАНГ

ГФРда жойлашган Падерборн шаҳридаги кибернетика институтининг маълумотларига қараганда, кишиларнинг фақат ярмигина ўн уч сўздан иборат иборани тушуна олиши мумкин экан. Аниқланишича, одам ўн тўртинчи ёки ўн бешинчи сўзни эшитаётиб, сўз бошини тамомила унутади. Етти ёшли болалар эса саккиз сўздан ошиб кетган гапларни аранг тушунар экан.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, суҳбатдош тушуниши учун бор-йўғи беш секунд узлуксиз гапириш мумкин.

СУВ ОСТИ МАРАФОНИ

Дунёда одамлар вақтни унумли ўтказишнинг турли-туман усулларини ўйлаб топишган. Омади юришганлар эса, «Гиннеснинг рекорд китоби»дан жой оладилар. Аризоналик (АҚШ) студентлар вақтни унумли ўтказишнинг ғаройиб усулини ўйлаб топдилар. Улар водолаз кийимини кийиб, ўзлари ясаган уч ғилдиракли велосипедда, кафел тахталари қопланган бассейн тубида сайр этдилар. Сув остида велопойга роппа-роса бир соат давом этиб, ниҳоят, «Рекордлар китоби»га тушишди.

Лекин аризоналик студентларнинг «буюк ғалабаси» ҳақида хабар ва мақолаларнинг бўёқлари қуримасданоқ яна янги маълумотлар пайдо бўлди. Бошқа бир кимса сув остида велосипедда 155 соат сайр этиб, мутлақ рекорд ўрнатди.

Ҳозир турли мамлакатларнинг сув ости велосипедчилари бу рекордни янгилаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

«ОСМА БОҒ»

Индонезиядаги Сулавеси (илгариги Целебес) ороли шу кунгача ўсимликлар ватани деб юритиларди. Олимлар бу орол турли-туман ҳашоратларнинг ҳам маскани эканлигини аниқлашди. Ҳатто ҳашоратларнинг эндимикага оид ноёб турлари ҳам мавжуд экан бу оролда.

Ўтган йили мазкур оролда ўтказилган энтомологик экспедицияда ўн тўрт мамлакатнинг юздан ортиқ олимлари қатнашди. Уларнинг асосий мақсади Сулавесидаги ҳашоратлар оламини ўрганишдан иборат эди.

«Бундай экспедиция нима учун зарур бўлиб қолди?» деган савол туғилиши мумкин? Унинг соф илмий ва амалий аҳамиятга молик сабаблари кўп. Асосий сабаблар қуйидагилардан иборат:

Куррамизда тропик ўрмонлар камайиб бораётган бир пайтда одамзоднинг унга интилиши тобора ортиб бораётир. Ҳаммага маълумки, ўрмон муаммоси — у ердаги жониворлар, ўсимликлар муаммоси ҳамдир.

Олимларнинг аниқлашича, сайёрамизда жониворларнинг миллионга яқин тури мавжуд. Шундан 80 фоизи ҳашоратлардир. Барча ҳашоратларнинг ярми эса, тропик ўрмонларда яшайди. Улар ўрмон экосистемаси фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Экспедиция аъзолари тропик ўрмонниг барча қатламларида тадқиқот олиб бордилар. Бунинг учун улар дарахтлар оралиғига кўприкчалар осдилар, шохларга эса кузатувчи аппаратлар ўрнатдилар.

КЛУБ ВА ДАВР ТАЛАБИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1985 йил Октябрь пленумида гапириб: «Партиямиз инсон ҳаётининг унинг меҳнат ва турмуш шароитларидан, соғлиғи ва бўш вақтини ташкил этишдан тортиб то социал, синфий ва миллий муносабатларгача бўлган бутун борлиғини ўз ичига оладиган кучли социал сиёсатга эга бўлиши керак», — деб таъкидлади. Ҳақиқатан, кишиларимизнинг ҳар томонлама камол топиши муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир киши бўш вақтида ўзининг маънавий дунёсини бойитиши, саломатлигини яхшилаш билан машғул бўлиши лозим. Бу эса, меҳнатда ва ижодда унга қувонч бағишлайди.

Халқимиз: «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам», дейди. Иттифоқимизда замондошларимизнинг самарали меҳнатдан сўнг дам олиш соатларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш борасида бир қанча тадбирлар белгиланаяпти. Булар орасида клуб муассасаларининг фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. «Клуб муассасалари ва спорт ташкилотлари совет кишиларининг бўш вақтларини фойдали ўтказишларини ташкил этарканлар, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги 1985 йил 12 июнда қабул қилган қарорида, — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга ёрдам беришга даъват этилганлар».

Зиммаларига бундай юксак масъулият юкланган республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги клуб муассасаларининг фаолиятини Жиззах области мисолида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу ерда бугунги куннинг долзарб масаласи — қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун меҳнаткашларнинг катта армияси жўшқин меҳнат қучоғига отланган. Уларга намунали маданий-маиший хизмат кўрсатиш мақсадида қўриқ областда 160 клуб муассасаси, бадиий ҳаваскорлик коллективлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Бу муассасалар ихтиёрида ҳақиқий дам олиш масканлари мавжуд. Чунончи, Жиззах шаҳридаги 1-қурилиш материаллари комбинати, Арнасой районидаги Ю. Фучик номли, Ғаллаорол районидаги «Ғаллаорол», Зарбдор районидаги «Ударник», Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхози маданият саройларини қайд этиб ўтиш мумкин. Мазкур муассасалар идеология ишининг чинакам марказига айлантирилган. Уларда доимий равишда кўплаб қизиқарли тадбирлар, адабий кечалар, атеистик мавзуда ва ичкиликка қарши лекция ва суҳбатлар ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, ветеранлар, ишлаб чиқариш илғорлари ва социалистик мусобақа ғолиблари билан учрашувлар ташкил этиб турилади. Пахтакор районидаги «Курувчи» маданият саройи меҳнаткашларнинг севимли масканига айлантирилган. Ғаллаорол райони «Соҳибкор» совхозининг клубида ташкил қилинган «Наргиза» бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари соҳибкорлар, чорвадорлар ҳузурида тез-тез бўлиб, ўзларининг ашула ва рақслари билан уларга завқ бағишлайдилар. Клуб муассасалари фаолиятини, жумладан ҳаваскорлик ижодини ривожлантиришда Ю. Ражабий номидаги область Ўзбек давлат музикали драма театри ижодий коллективининг оталиқ ёрдами таҳсинга сазовор. Бу коллектив ҳар бир янги спектакль премьерасига тўгарак аъзоларини таклиф қилади, ҳаваскорларни кийим-кечак билан таъминлайди. Шунингдек, театр артистлари томонидан ҳаваскорлик коллективларини якка тартибда оталиққа олиш бу ерда анъанага айланган. Масалан, артист Олия Эштўхтарова Жиззах районидаги Жданов номли совхоз ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ҳузурида санъат илмидан машғулот олиб боради. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт» драмаси унинг раҳбарлигида ҳаваскорлик саҳнасида қўйилди.

Аммо областдаги барча клублар шу куннинг талабига жавоб берадиган тарбиявий ишларни олиб бораётибди, деб бўлмайди. Чунки айрим клублар маданий-маърифий ишлар маркази сифатида ўз аҳамиятини йўқотиб қўйган. Масалан, Мирзачўл районидаги «Тошкент», «Советская Россия», Сегизбоев номли совхоз клубларининг фаолияти аҳоли талабидан анча орқада қолмоқда. Пахтакор районидаги маданий-оқартув муассасаларида эса, ойлаб-йиллаб оммавий тадбирлар ўтказилмайди. «Самарқанд» ва Акмал Икромов номли совхозларнинг Маданият саройлари, Ульянов номли, Абдужабборов номли, Кичанов номли совхозларнинг қишлоқ маданият уйлари ҳувуллаб ётибди. Бахмал районидаги «Навқа» қишлоқ клуби иши билан эса, қишлоқ Совети раҳбарларининг мутлақо иши йўқ.

Бундай ўзибўларчилик, масъулиятсизлик кўринишлари Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қатъий қораланди: «Одамларнинг эҳтиёжларига етарлича эътибор берилмаётганлиги, социал-маданий қурилишга ажратилган маблағлар ўзлаштирилиши устидан назоратни ташкил эта билмаслик, социал масалалар ҳал этилиши учун кадрларга нисбатан талабчанликнинг йўқлиги, — деб таъкидлади Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон Компартияси XXI съездига қилган ҳисобот докладида, — кўпинча мана шу барча камчиликларга сабаб бўлмоқда». Шунингдек, областда ҳаваскорлик коллективларига ёшлар ва айниқса хотин-қизлар кам жалб этилган. Айрим клуб муассасалари асосан ўз машғулотларига мактаб ўқувчиларини, студентларни жалб қилганлар, улар ҳам фақатгина тантанали йиғилишлар, фестивалларга ўтказилаётган пайтлардагина саҳнада кўриниб қоладилар. Шу сабабдан бўлса керак, кўпчилик хўжалик раҳбарлари клуб фаолияти моҳиятини яхши тушунмаслиги оқибатида меҳнаткашларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни фақат концертлар уюштиришдан иборат, деб ўйлайдилар. Ваҳоланки, клублар фаолияти маданий-оммавий ишларга — тематик кечаларга, оғзаки журналларга, халқ университетларига қаратилган бўлиб, бу тадбирлар орқали меҳнаткашларга фан-техника тараққиёти муаммоларини тушунтириш, улар орасида илмий-техника янгиликларини ёйиш, илғор тажрибаларни турли воситалар орқали тарғиб қилиш, ички ликбозлик ва безориликка муросасизлик муносабатини шакллантириш, диний сарқитларга қарши кураш, янги социалистик анъаналарни ҳаётга татбиқ этиш керак.

Маълумки, ҳар йили пахта йиғим-теримига катта ҳозирлик кўрилади, терим олдидан тадбирлар белгиланади. Нега энди ана шу тадбирлар қаторида маданий хизмат соҳаси ҳам ўзининг аниқ ифодасини топмайди? Районлардаги халқ ансамбллари, касаба союз ташкилотлари ва муассасалардаги шундай группаларни қўшсак-чи? Қаранг-а, қанча имкониятя эгамиз! Бунга яна агитатор ва лекторлар, маиший ва савдо хизмати ходимлари, медик-шифокорлар хизмати қўшилса, оммавий-сиёсий тадбирлар мазмуни қанчалик бой, ранг-баранг бўлади. Афсуски, бирорта хўжалик тадбирларида шу жиҳатлар ҳисобга олинмайди. Ахир, пахтакорнинг ҳам маданий-маиший ҳордиқ чиқаришга бўлган маънавий ҳаққи ҳамиша ҳурматланиши керак. Кўпчилик хўжаликларда пахтакорнинг ҳордиқ чиқаришидан кўра бир этак бўлса-да, пахта тергани афзал кўрилади. Бу фикр — нотўғри. Бундай фикр ўзибўларчилик ҳукмронлик қилаётган хўжаликларда илдиз отади.

Клуб муассасалари фаолиятининг самарадорлиги уларнинг моддий-техник базасига боғлиқ. Областдаги 105 та клуб муассасаларидан ярмидан кўпи капитал ремонтга муҳтож бинолларга жойлашгандир. Фориш районидаги «Арнасой» совхози қишлоқ клуби ва Октябрь районидаги маданият уйи касаба союз клублари ҳам етарли шарт-шароитга эга эмас. Ана шундай

Муҳокама, Мулоҳаза, Мунозара



Тошкентдаги авиасозлар маданият саройи қошидаги «Парвоз» халқ ансамбли раққосалари.

Т. Степанова фотоси

клубларнинг айримлари эса, иситиш асбоблари билан ҳам жиҳозланмаган. Бу эса, клублар қишда ишламайди, деган гап. Ваҳоланки, клубларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун бир неча минг сўмлаб маблағ ажратилади. Ажратилган маблағлар область хўжалик раҳбарларининг эътиборсизлиги туфайли мақсадга мувофиқ ишлатилмаяпти. Жумладан, 1985 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз область комитети мана шу мақсадларга ажратилган бир миллион сўм маблағнинг ярмини ишлатди, холос.

Маданий-оммавий ва спорт объектлари қурилишида аҳвол янада ачинарли. Пахтакор районидаги маданият уйини ремонт қилиш учун бултур 12 минг сўм ажратилган эди. Унинг бирор сўмидан ҳам фойдаланилмади. Ваҳоланки, райондаги барча клублар, спорт иншоотларининг 70 фоизи капитал ремонтга муҳтож. Бу муассаса раҳбарлари КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорда белгиланган вазифаларни унутмасликлари керак. «Министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Совети, халқ депутатлари ўлка ва область Советларининг ижроия комитетлари маданият ва спорт иншоотлари қуриш планларининг бажарилиши устидан қатъий контроль ўрнатишлари, уларни ремонт қилиш, территорияларни ободонлаштириш, қишки шароитда ишлашга тайёрлашни ташкил этишлари зарур», — дейилади қарорда.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш керакки, область маданият бошқармаси ва унинг жойлардаги идоралари кадрлар масаласига жиддий эътибор бермаяптилар. Улар меҳнаткашлар ўртасида клуб ходими лаёқатига ва қобилиятига эга бўлган кадрларни топиб, уларни махсус олий ва ўрта билим юртларига юборишга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Ҳатто Тошкент Маданият институтини, Тошкент маданий-оқартув техникумини муваффақиятли тугаллаб қайтган мутахассисларга эътибор берилмай қўйилаётир. Бир мисол: 1978 йилда Пўлат Холйигитов Тошкент Маданият институтининг клуб ишлари методист-ташкилотчиси дипломи билан Жиззах областига ишга юборилган эди. Ҳозир у Ғаллаорол районидаги бензоколонкада автомобилларга ёнилғи улашиш билан машғул...


Клуб ходими касбининг табиати шундайки, бу соҳа кишилари таълим-тарбиянинг шакл ва методларини доимий суратда ўзлари ҳам мустақил такомиллаштириб борадилар. Бироқ область маданият бошқармаси, унинг жойлардаги бўлимлари клуб ходимларини қайта тайёрлаш ишига бефарқ қарамоқдалар. Жумладан, Пахтакор район маданият бўлимига қарашли клуб муассасалари ходимларидан 1981—1985 йилларда малака ошириш курсларига бирор киши ҳам юборилмаган.

Область клуб муассасаларининг тажрибасини ўрганиш бу ерда кадрлар қўнимсизлиги кучли эканлигини ҳам кўрсатди. 1985 йили 24 киши ишга олиниб, 31 киши бўшатилган. Пахтакор районида 1983 йилда 18 киши ишга олиниб, 17 киши бўшатилган. Мирзачўл районида ҳам аҳвол бундан фарқ қилмайди. Бундай ҳолатда клублар фаолиятини сифатли олиб бориш тўғрисида қандай гап бўлиши мумкин?

Очиқ эътироф этиш керак: областнинг мутасадди раҳбарлари клуб муассасаларини кадрлар билан таъминлашни иккинчи даражали иш деб биладилар. Маълумки, ёш мутахассис иш жараёнида синовдан ўтади, тобланади. Бундай пайтларда ёш мутахассиснинг ғайратини рағбатлантириш, камчиликлардан халос бўлишда унга амалий ёрдам кўрсатиш муҳимдир. Шунингдек, областда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масаласида район, шаҳар маданият бўлими мудирлари томонидан якка тартибда ишга олиш ва ишдан бўшатиш ҳоллари учратилмоқда. Бу — коллегиаллик талабларига зиддир.

Хуллас, клуб муассасалари ўз иш фаолияти билан даврга ҳамнафас бўлиши, замондошларимизнинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат этиши керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев республика партия активи йиғилишида айтганидек: «КПСС Марказий Комитетининг қарори асосида маданий-маърифий ва оммавий физкультура ишларини тубдан қайта қуриш — бизнинг биринчи даражали, энг муҳим вазифамиздир. Маданият ва спортнинг ҳар бир муассасаси амалда ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш, социалистик турмуш тарзини қарор топтиришда партия ташкилотларининг таянч маркази бўлишига интилишимиз лозим».

Аҳмаджон РЎЗМЕТОВ,
Тошкент Давлат Маданият институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати



КПСС XXVII съезди делегати Марям Ёқубова Урганч шаҳридаги 94-мактабнинг 4-синфида машғулот ўтказмоқда.

К. Отаев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)



Суратда: Ойбек асарлари 20 жилдлигини нашрга тайёрлаган учун Беруний номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати бўлган бир гуруҳ олимлар: (чапдан) Шарафиддин Эшонхўжаев, Наим Каримов, Ғаффор Мўминов, Разно Иброҳимова, профессор, адибнинг рафиқаси Зарифа Сандносирова ҳамда Мурод Иброҳимов.

В. Мосин фотоси

СИНАЛГАН ДЎСТЛИК

Умар ХЎЖАЕВ

Мана, уруш садолари тинганига 40 йилдан ошди. Лекин жароҳатлари қалбларни ҳамон зирқиратади.

Биз, собиқ фронтчилар, Ватан учун, келажак учун ўз жонларини қурбон қилган жанговар дўстларимиз хотираси олдида ҳамиша бош эгамиз.

Уша оловли йилларда ёзган кундаликларимни варақлар эканман, ўнлаб қуролдош дўстларимни эслайман. Биз турли миллат фарзандларини бир мақсад: душманга қақшатғич зарба бериш, кўп миллатли Ватанимизнинг мустақиллиги ва озодлигини сақлаб қолиш туйғуси бирлаштириб турарди. Улар билан бир сафда бўлган юртдошларимиз ҳам қутлуғ жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб, халқлар дўстлигининг буюк оиласида тарбия топган фидойи ватанпарвар эканликларини намойиш этдилар: гвардиячи ефрейтор, автоматчи Асам Фахриддинов 17 фашистни ер тишлатиб, жангларда бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди; гвардиячи кичик лейтенант, танкчи Жўра Султонов Малин шаҳрини ҳужум билан озод қилишда икки фашист танкини мажақлаб, сўнгги нафасигача фашистлар билан олишди; жангларда ҳалок бўлган гвардиячи катта сержант Жўра Турматов, кичик лейтенант, танкка қарши отадиган тўп батареясининг командири Султон Шамсиддинов, катта лейтенант, урушгача «Қизил Ўзбекистон» газетасининг Фарғона области бўйича махсус мухбири, рота командири Ҳасан Иззатий...

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Бизнинг шонли гвардиячи кантемировчи батальонимиз сафидаги бошқа миллат фарзандлари ҳам ана шундай жасорат намуналарини кўрсатдилар. Масалан, батальон командири, гвардиячи майор Шакар Қўшқинбоев — қозоқ фарзанди, командирнинг сиёсий қисм бўйича ўринбосари Николай Голубев — рус, батальон штабининг бошлиғи Николай Балачий — украин...

Жанговар ҳаётимда юз берган икки воқеани сира унутмайман. Қисмимиз душман устига ҳужум қилиш ҳақида буйруқ олди. Ғанимлар ҳамма қурол турларидан тўхтовсиз ўқ ёғдириб турганлиги учун ҳужумга кўтарилиш қийин бўлди. Шундай пайтларда биз, сиёсий ходимлар, шахсий намуна кўрсатиб, жангчиларни олға бошлардик. Мен ўрнимдан туриб, олға ташланмоқчи бўлганимда кимдир оёғимдан тортиб қолди. Чуқурга тушганимни биламан, окопдан кўтарилган жойдан нарирокда душман снаряди портлади.

— Жонингдан тўйдингми, устингга снаряд тушишига сал қолди-ку. — Бу батальон штабининг бошлиғи, гвардиячи капитан Николай Балачий эди.

Мени ҳалокатдан сақлаб қолган дўстимдан миннатдор эдим. Ўз миннатдорчилигимни Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги кунларида полкдош дўстим Николай Евдокимович Балачийга яна бир бор айтдим.

Иккинчи воқеа Бреслау шаҳри учун олиб борилган жангларнинг бирида содир бўлди. Биз аҳоли пунктларидан бирини қўлга киритдик. Уч қаватли бинони яшириниб қолган фашистлардан тозалашимиз керак эди. Кимдир: «Товарищ парторг», деб қолди. Шу он автоматдан ўқ узилди, иккинчи қават зинапоясидан гитлерчи офицер қулаб тушди. У мени пистолетдан нишонга олиб турган экан. Мени огоҳлантирган оддий аскар Малюта эди. Украин халқининг фарзанди Малюта туғилиб ўсган шаҳри Одесса ҳақида ҳар доим тўлқинланиб гапирарди.

Жангларда тобланган дўстлик биз фронтчиларни ана шундай қадрдон қилиб қўйган эди.

Бу муқаддас дўстлик ҳақида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Самиғ Абдуллаев шундай ҳикоя қилади:

...Севастополь шаҳрини фашистлардан озод қилиш учун жанглар давом этарди. Мен командирлик қилаётган сапёрлар взводининг вазифаси Сапун-горага ҳужум пайтида далани миналардан тозалаб, танкларимизга йўл очиб беришдан иборат эди. Душман снаряди парчасидан оғир яраландим, кўп қон йўқотиб, ҳушимдан кетган эканман. Бу ҳолни кўрган жангчи Павел Гончаров мени хатарли жойдан олиб чиқиб, госпиталга жўнатди.

Дўстимнинг бундай меҳрибонлиги менга дадиллик бағишлади. Жанговар дўстим Павел Гончаров менинг қалбимга ана шундай ўрнашиб қолди.

1945 йил май ойида фашистлар қароргоҳини ишғол қилиш учун бўлган жангларда сирдарёлик Солижон Алимов ҳам иштирок этган эди.

— Бир минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг 17 январида, — деб эслайди С. Алимов, — Варшава шаҳрига яқин жойда мина парчаси тегиб, бошимдан яраландим. Қонга беланиб беҳуш ётганимда ҳамширамиз Вера зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиб, санитар батальонига юборибди. Ярам битиб, яна ўз қисмимга қайтгач, Верага ўз миннатдорчилигимни изҳор этдим. Қарангки, ўз навбатида менинг ҳам Верага ёрдамим тегиб қолди. 21 апрелда Берлин атрофидаги Альтлинсберг деган жойда Вера иккала оёғидан яраланди. Дарҳол уни санитар батальонига юбордим. Фронтда ҳамма вақт ана шундай жанговар ҳамкорлик, ҳар қандай вазиятда ҳам ёрдам қўлини чўзиш одат тусига кириб қолган эди...



— 1944 йилнинг март кунлари Жанубий Буг дарёси бўйида қаттиқ жанглар борарди, — дейди Берлин учун жангларнинг қатнашчиси сирдарёлик уруш ветерани Алдабек Мейербеков. — 21 март куни эрталаб фашистлар бизнинг позициямизга қарши 20 дан ортиқ танк ва кўп сонли пиёда аскарлари билан ҳужум бошлади. Бизнинг жангчиларимиз олдига душманнинг пиёда аскарларини танклардан ажратиб ташлаш вазифаси қўйилди. Буйруқни бажариш учун мардонавор жанг қилдик. Тўпчиларимиз душман танкларини яксон қилиб турдилар. Атрофимизда ёнган танклар, гилерчиларнинг мурдалари... Кечгача фашистларнинг уч марта қарши ҳужумини қайтардик. Охирги олишув қўл жанги билан тугади. Жангда оғир яраланиб, ҳушимдан кетган эканман. Ўзимга келиб атрофга қулоқ солдим, жимжитлик. Кўзимни очолмадим. Бир пайт кимдир мени опичлаб кетаяпти, аёл кишининг: «Озроқ сабр қил, яқинлашиб қолдик», деган сўзини эшитдим. У латта билан юзларимни артди. Ниҳоят кўзимни очдим. Ғира-шира чирокда, уйда — каравот устида ётганлигимни сездим. Халоскорим гирди-капалак бўлиб, қонларимни артиб, ярамни бойлади. Кўзига ёш олиб: «Ўғилгинам, ҳаммаси ўтиб кетади, яхши бўлиб кетасан», дер эди. Бу аёл Коваленко қишлоғида яшовчи Александра Николаевна эди. У билан она-бола тутиндик. Украиналик онам билан доим хат ёзишиб турамиз. Улуғ Ғалабанинг 30 йиллиги нишонланаётганда Коваленко қишлоғида бўлдим. Жанг қилган ерларимни кўрдим. Украиналик онамнинг уйида меҳмон бўлдим. Меҳрибон Александра Николаевна ҳозиргача сақлаб келаётган, ярадорлигимда ётган каравотга жой солиб бердилар.

Бундай олижаноб инсонларни унутиб бўладими! Мен ҳурматли Александра Николаевнани ўзимнинг иккинчи онам деб биламан ва ҳамиша унга таъзимда бўламан.

Республика миқёсидаги шахсий пенсионер, узоқ йиллар партия ва совет органларида ишлаган, жанговар орден ва медаллар соҳиби Назарбек Ҳайдаров фронтда 45 миллиметрли тўп батареяси расчетининг командири бўлган.

— Фронтчилар орасидаги жанговар дўстлик, — дейди Н. Ҳайдаров, — ҳамиша бизни муваффақиятга олиб келди. Шу муқаддас дўстлик туфайли қанчадан-қанча жангчиларимиз ўлимлардан сақлаб қолинди. Масалан, Курск бўсағасидаги жангларнинг бирида гитлерчилар бизни қуршаб олмоқчи бўлдилар. Аҳвол оғир эди. Душман аскарлари жуда яқинлашиб қолганда биз граната ларга ирғита бошладик. Орқага чекиниш ёки тўпларимизни ташлаб кетиш мумкин эмас. Шундай ҳалокатли дамда ёнгинамизда «Урра!» садолари янгради. Ўқчи жангчилар бизга ёрдамга етиб келишган эди.

Мана, 40 йилдан ошикроқ муддатдан буён қуролдош дўстларим билан ёзишиб тураман. Оғир йилларда синовдан ўтган дўстлик биз учун муқаддасдир.

Улуғ Ватан урушининг яна бир қатнашчиси сирдарёлик Раззоқ Давлатов билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, икки кишининг — Наташа Кожина билан медицина хизмати полковниги Александр Вишневскийларнинг номини чуқур ҳурмат билан эсга олади. «Ҳар иккаласи ҳам менинг халоскорларим, — дейди Р. Давлатов. — Бири — полк ҳамшираси Наташа Кожина душман ўқи остида ярамни боғлаб, беҳуш ётганимда жанг майдонидан хавфсиз жойга олиб чиққан бўлса, иккинчиси — А. Вишневский ҳарбий госпиталда тўрт соат давомида операция қилиб, жигаримни тешиб, ўт халтаси ичига кириб қолган ўқни олиб ташлаган. Воқеанинг содир бўлганига 43 йилдан ошди. Менга иккинчи умрни ҳадя этган бу инсонларни ҳеч қачон унутмайман.

* * *

Ватанимиз мустақиллиги ва озодлиги учун бўлган жанглар хотираси ҳеч қачон ва ҳеч кимнинг ёдидан ўчмайди.

Бирга жанг қилган кўпгина қуролдош дўстларимдан тез-тез мактублар олиб тураман. Бу мактубларни Москва, Ленинград, Нора-Фоминск, Курск, Тула, Куйбишев, Тольятти, Черкасск, Кисловодск, Ессентуки, Киев, Харьков, Одесса, Львов, Тернополь шаҳарларида истиқомат қилаётган дўстларим ёзишади. Мактубларнинг ҳар бирида ўша муқаддас дўстлигимиз ҳарорати сезилиб туради. Қуролдошлар ўз турмушлари, ишлари, фарзандлари, набиралари ҳақида тўлқинланиб ёзишади. Бу мактублар одатда: «Ер юзи аҳолиси энди машъум урушнинг азобларига дучор бўлмасинлар. Дўстлигимиз абадий бўлсин», деб якунланади.

Тинчлик доим барқарор бўлсин. Зеро, ҳаммамизнинг ҳам тилагимиз шу.

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ТУҒИЛГАН КУНГА 90 ЙИЛ ТЎЛДИ

Файзулла Хўжаев 1896 йилда Бухорода, савдогар Убайдуллахўжа Қосимхўжаев оиласида дунёга келди. У ёшлигиданоқ илм-маърифатга қизиқди: аввал эски мактабда, кейин Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил олди. Файзулланинг отаси ўша даврда Москвада ўзининг хусусий савдо маҳкамасига эга бўлиб, қоракўл тери билан кенг тижорат ишларини олиб борарди. Убайдуллахўжа ўғлининг йирик давлатманд, савдогар бўлиб етишишини орзу қилар эди. Шу боисдан ҳам унга савдо-сотиқ ишлари билан бирга рус тилини мукаммал ўрганиши учун шароит яратиб берди. У махсус ёлланган рус ўқитувчиларидан таълим олди.

Ҳаёт мактабида тобланиб бораётган зийрак Файзулла Россиядаги 1905—1907 йиллар рус буржуа революцияси воқеаларининг гувоҳи бўлди. У Москва, Петербург каби йирик шаҳарларда инқилоб шабадаси эсаётганлигини, ишчиларнинг иш ташлашлари-ю, Краснопресненск баррикадаларидан отилган ўқ овозларини сезгирлик билан кузатиб борди.

Москвадан қайтган ёш Файзулла Бухородаги илғор зиёлилар ҳаракатига қўшилди. Мустабид тузум остида зулм чекаётган ҳуқуқсиз, эзилган ва хўрланган меҳнаткаш халқ ҳаёти билан танишар экан, уларнинг тақдирига бефарқ қарай олмасди. Амирликнинг феодал асоратига қарши мардонавор курашларга чоғланди. Бухоро халқи 1918 йилнинг баҳорида амирлик салтанатига қарши ҳужумга отланди. Лекин бу уриниш муваффақият қозонмади. Шундан сўнг, Файзулла Хўжаев ўз тарафдорлари «Ёш бухороликлар» билан амирнинг таъқиби ва қувғинига учради. Амир ўз салтанатининг хавфли душмани бўлган Файзулла Хўжаевни сиртдан ўлимга ҳукм этди.

Дин ва зулм ботқоғига ботган халқнинг орзу-умидлари рус пролетариатининг мададисиз юзага чиқиши мушкул эди. Буни тўғри англаган Файзулла Хўжаев 1918 йилнинг ёзида Москвага, доҳий В. И. Ленинниинг ҳузурига отланади. Оренбургда дутовчилар қўлига тушиб, бир неча ой қамоқда ётади, оқгвардиячилар унинг мақсадини англаб, ўлимга ҳукм қилишганида бир бахтли тасодиф билан қамоқдан қочади. 1918 йилнинг кузида Самара, Қозон шаҳарлари орқали Москвага етиб боради. Қарийб бир йилча муддат Москвада бўлиши Файзулла Хўжаевнинг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. У 1920 йилнинг бошида Тошкентга инқилобчи сиймо сифатида қайтиб келди. Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятининг барпо этилиши партия ва халқнинг содиқ фарзандлари, оташин инқилобчилар М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишевларнинг номлари билан боғликдир. 1920 йилнинг 2 сентябрида Бухорода амирлик салтанати ағдариб ташланди. Бу ҳал қилувчи курашда Файзулла Хўжаев фаол иштирок этди ва у халқ инқилобидан кейин Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлари Советининг раиси лавозимига сайланди. Истеъдодли давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Файзулла Хўжаевнинг фаолияти Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда Совет тузумини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи душманларга қарши кураш, республика экономикаси ва маданиятини юксалтириш билан чамбарчас боғлиқдир. У бу улуғ ишларни амалга оширишда В. В. Куйбишев, М. В. Фрунзе, Низомиддин Хўжаев, Назир Тўрақулов, П. А. Кобозев, Я. Э. Рудзутак, Н. В. Шумилов, Абдулла Раҳимбоев, Акмал Икромов, Йўлдош Охунбобоев сингари жанговар революционерлар сафида бўлди, бутун ҳаёти, жўшқин, ижтимоий ва инқилобий фаолиятини Улуғ Ленин партияси ишига ва меҳнаткаш халқ манфаати йўлига бағишлади. У 1927 йилда: «Мен ўттиз йиллик ҳаётимнинг ўн тўрт йили давомида революционерлар сафида туриб реакцияга қарши курашдим, Коммунистик партия учун ишладим. Ўйлайманки, ҳаётимнинг қолган қисми ҳам ишчилар синфи ва Коммунистик партия ишига бутунлай бағишланади», — деб ёзган эди.

Файзулла Хўжаевни билганл
ишлаганлар унинг чинакам фид
нист, зукко давлат арбоби, ота
билимдон ва зўр ташкилотчи инсон бўлган-
лигини таъкидлайдилар.

Маълумки, босмачиларга қарши курашда ёш Бухоро Совет Республикаси учун 1921—1922 йиллар оғир синов йиллари бўлди. Шарқий Бухорода Алибек — Анварпошшо бошлиқ босмачилар ҳаракати авжига чиққан эди. Туркистон қўмондонлиги Файзулла Хўжаевнинг талабига биноан Шарқий Бухорони амир тўдаларидан озод қилишда Бухоро халқ армиясига ёрдам кўрсатиш учун Қизил Армия қисмларини юборди.

Ҳарбий қўмондон сифатида Файзулла Хўжаев Қизил Армиянинг босмачиларга қарши операцияларига раҳбарлик қилади. Унинг халқ душманлари — босмачиларга қарши курашга даъват этувчи оташин нутқ ва чақириқлари бутун Шарқий Бухоро халқини сафарбарликка отлантирди. Қизил Армия командирларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари ва душманга қарши жанговар ҳужумлари натижасида 1921 йилнинг ўн бир ойи ичида Ғузор, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Денов, Шўрчи, Сариосиё, Регар, Ҳисор, Душанбе, Болжувон, Қоратегин, Дарвоз каби ўнлаб районлар, қишлоқлар босмачи тўдаларидан озод қилинди. Туркистон фронти қизил аскарлари ва Бухоро халқ армияси қисмларининг мардонавор кураши туфайли бутун Шарқий Бухоро амир тарафдорлари — босмачи тўдаларидан озод қилинди.

Файзулла Хўжаев раҳбарлигида 1921 йили Бухорода дастлабки илмий жамият ташкил қилинди. Ўлка илм аҳлига моддий ва маънавий ёрдам берилди.

Файзулла Хўжаев Шарқ ва Ғарб халқлари тарихи, маданияти, бой адабиётини яхши билар, ўтмишдаги бой маданий меросимизга марксистик позицияда туриб ёндошар эди.

«Мен Бухоро ва Самарқанддаги осориатиқалар: мадрасалар, равоқлар, хонақоҳларнинг тарихини, Шердор, Регистон, Шоҳи-
яхшигина билимдон тарихчи
бўлган эдим», деб хотирлайди ёзувчи Галина Серебрякова. Бухоронинг моҳир муаррихи сифатида танилган Файзулла Хўжаев Ўрта Осиё тарихи, маданиятига доир ва айниқса Бухоронинг ижтимоий-сиёсий тарихига оид кўпгина китоблари, мақолаларини уч тилда — ўзбек, тожик ва рус тилларида ёзди. Унинг «Улуғ Ленин», «Бухоро инқилоби тарихига доир», «Бухородаги революция ва Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши тарихига доир», «Бухорони озод қилиш ва ҳуррият йўллари», «Муқаддас Иттифоқ», «Қизил Россия ва халқаро инқилоб», «Ҳал этилмаган олти масала», «Босмачилик билан кураш тўғрисида», «Миллий чегараланиш хусусида», «Совет қурилишининг уч вазифаси» каби ўнлаб китоблари, мақолалари ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Она Ватанга, ленинчи Коммунистик партияга содиқ бўлган Файзулла Хўжаев ҳар доим, ҳар дақиқада Совет тузуми душманларига қарши муросасиз кураш олиб борар эди. Шунинг учун ҳам халқ душманлари — босмачилар Файзулла Хўжаев ҳаётига бир неча бор суиқасд қилдилар, унга нисбатан туҳмат-бўҳтонлар уюштирдилар. Ҳатто уни ўтга ёқиб кулга айлантирмоқчи ҳам бўлдилар.

У ағдариб ташланган эски тузумни қайта тиклашга, золим амирни яна қонли тахтига ўтқазишга ҳаракат қилаётган душман гуруҳлар, босмачи тўдаларининг кирдикорларини аёвсиз фош этади. Файзулла Хўжаев имзоси билан эълон қилинган «Бухоро қўшинлар группаси Революцион Ҳарбий Советининг аҳолига ва Қизил Армия қўшинларига мурожаати»да қуйидагиларни ўқиймиз: «Қизил Армияни аҳоли билан бирлаштириш, уларни бир бутун қилиб жипслаштириш, шу тариқа душманлар ерли

(Охири 14-бетда)

Ким ғалаба қиларкин, инсон тафаккурими
аба қиларми ё ўша совуқ қуроллар?
з кузатганингиз чироқларнинг нурини
риб кетмасмикин ногиҳоний довуллар?

тинг-чи, ер юзида мозор кўпми ё гулзор?
и кўпми очилмай ётган саҳро-қўриқлар.
нзорлар кўпми ё кўпми қурол бозори,
ов зоналаримиз, яйлов, чўпон-чўлиқлар?

онанинг ўзи бир лаҳзага ўхшамасми,
он армонин олиб чекилмасми узлатга.
ё яхши-ёмондан бир йўла бўшамасми,
ётгани йўқми уруш барчамиз хатга?

Меҳрларга ташна ер, не-не музофот ҳаққи,
увватга интизор жами йўқсуллар учун,
тафаккур даркор, у ғолиб, ҳамиша ҳақ.
шу ҳақликдадир асли инсоннинг кучи!

тошлар эзиб ётар она замин елкасин,
г юзи кулсин учун гуллар керак беҳисоб.
қ кутиб ётар не-не қўриқларнинг ўлкаси
олмоқ керак, ёвлар этмай туриб сарҳисоб.

намиз лаҳза эмас, у боқий бир тириклик.
н ғолиб яшар, отиб армонларин узлатга.
зида кезиб юрар тинчлик деган буюклик,
совуқ қуролларни олар бир-бир рўйхатга.

таман, ҳар тун замин чироқлари ортади,
онг янги ишонч олиб келиб қўшиб ўтар кун.
таман, талвасада океанлар ортида
рдига чора излар урушқоқлар бағри хун.



ШОИР



Хаёлларнинг силсиласи ичра яшаб ўтар ул,
Туғёнларнинг эпкинида гоҳи ҳалок, гоҳ омон.
Бир кун қақраган саҳродир, бир кун дарё, тошар
Тунлар ўзи билан ўзи қолса айниқса ёмон.

Қалам қоғоз жангларида ҳориб, тонглар ёришар,
Қудуқ тубларида банди турар фикр муҳиби.
Нега шоир аҳли баъзан мажнунлардек бўлишар,
Нега ўйчан деб сўрашар доим қалам соҳибин.

Туни бўйи юрагини тўкар у дафтарига,
Саҳарларнинг бағри аро қотиб қолар нигоҳи.
Уйларининг девори ҳам тўлиб кетар байтларга,
Ўзини ҳам топаолмай излаб юради гоҳи.

Эшигининг тирқишидан кириб келади тонглар,
У-чи, ҳамон уйғоқ, ҳижо санар тунни қучоқлаб.
Шоир аҳли мажнуннамо бўлмаса эди агар,
Ўз юрагин ёқармиди олов қилиб ўчоқда.

Шоир аҳли мажнуннамо бўлмаса эди агар,
У қофия қилармиди юлдузларни кундузга.
Шоир аҳли мажнуннамо бўлмаса эди агар,
Ишқин изҳор қилармиди лайлидек сулув қизга.

У минг бора ханжар ботиради балки ўзига,
Шеър қон каби юрагига оқиб кирганда қисиб.
Кўз нуридан нарвон ясар сўзларнинг юлдузига,
Азиз ҳислар томирлардан томганда сизиб-сизиб.

Юрагида дардлар йиғлаганда, шодлик сукутда,
Қоғоз узра ёйилади туннинг қора сиёҳи.
Шоир дили ёнар экан гулхан бўлиб бир ўтда,
Албат битта ғазал бўлгай тун бўйи чеккан оҳи.

Ҳар кун ёнар, ҳар тун ёнар... ёнар бечора юрак,
Қалам муштоқ, қоғоз муштоқ унинг ёнишларига.
Шоир ҳеч нега ярамас асли ёнишдан бўлак,
У ўт ташлаб ухлар ҳатто тўшак, болишларига.

«ЮНОНИСТОН ДАФТАРИ»дан

ТОҒЛАР МАМЛАКАТИ

Бир бор экан,
Бир йўқ экан... Афсоналар мўл бунда
Қишлари ҳам қуёш туғар
Ҳар ён мовий кўл бунда.
Яшил либосга бурканиб,
Тоғлар тўқир афсона.
Ҳар қояси — юз минг аср
Тарихидан нишона.
Кўҳна тупроқ қатларининг
Ҳар кафти бир ҳикоят.
Доро, Али, Зулқарнайннинг
Жангларидан ривоят.
Денгизларга ёпинчиқдир
Юлдуз тўла осмони.
Қайга борманг сўзлашарлар
Баҳодирлик достонин.
Билолмадик қачон чиқар,
Қачон ботар қуёши.
Қуёш мангу, мангу яшар
Юрт бу, — дер кекса ёши.
Зайтунзорларнинг бағрида
Туғилармиш қўшиқлар,
Қўшиқсиз бир хона йўқмиш,
Ривоятсиз бўшлиқлар.
Бунда Гераклнинг ўзи
Ун икки минг эртакда.
Бунда тинглаб афсоналар
Гул очади куртаклар.
Прометей оташ-ўтни
Келтирганда кафтида
Еғду сочилиб кетгандай,
Бу ўлкага афтидан,
Кундуз қуёш болалайди,
Окшом туғар юлдузлар.
Жуфт кўз — юлдуз пориллайди,
Чеҳраси оташ қизлар,
Ионанинг уйқусини
Уғирламиш тўлқинлар,
Қояларнинг чўққисида
Соқчи эмиш чақинлар
Тирикчилик ташвишида
Деҳқонлар дон шопирар.
Диндор меҳроб тирқишидан
Оллоҳига топинар.
Бир томонда дабдабали,
Дақмазали иморат.
Бир томонда ўртаҳоллик,
Борга қилар қаноат.
Жануб томон учган қушлар
Эгей узра қишлайди.
Не иши бор. Бунда кимлар
Ким-ла кўнглин хушлайди.
Чарх уради чағалайлар...
Ошиёни тоғларда,
Не иши бор, ким маҳзундир,
Ким кайф сурар боғларда.
Урушдан қолган бевадай
Ҳувиллайди қасрлар.
Қасрларнинг оғушида
Мизғиб ётар асрлар.
Асрий палахмон тошларга
Не-не ўтмиш битганлар,
Бу ўлканинг бор-бисотин
Олис ташиб кетганлар.
Қадим Юнонистон дерлар
Кўҳналикнинг сарвари.
Фотиҳ жангларидан эрлар
Ўтган сочи оқариб.
Эртакларнинг этагида
Улғайган полапондай,
Аста йўлга кириб келар
Букунги Юнонистон.

Дельфи шаҳри

ЮЛДУЗЛАР ЭРТАГИ

(Персей ва Андрамида афсонаси)

Карилия кўрфази, Иона денгизи соҳилларида «Ахайя Бич» («Денгиз қиргоғи») меҳмонхонаси бор. У шундоққина денгиз бўйида. «Ахайя Бич»нинг юқори қаватидаги фойелларда сайёҳлар ҳамиша томошага тўпланади. Денгиз устида, осмоннинг тоқида Персей ва Андрамида юлдузлари шодаси ярақлаб кўзга ташланади. Улар Юнонистонда яшаган, Персей ва Андрамида исмли йигит ва қизнинг муҳаббати тимсоли, юлдузларга айланган сиймосидир. Денгизга қарасангиз, ўша икки юлдуз тўлқинлар узра сузиб келаётганга ўхшайди худди...

Эртаклар туғилармиш тоғларнинг орасида,
Эртаклар яшар эмиш қояларнинг бошида.
Эртак икки ошиқнинг кўзларин қорасидан
Айланиб оқар эмиш аччиқ-аччиқ ёшига.

Эмиш, эртак бешиги тўлқинларнинг бағрида,
У шабнамлар қатида айланармиш наҳорга.
Гўдак ёруғ оламга келаётган чоғида,
Эртак айланар эмиш гуллаб ётган баҳорга.

Эртак орзу бўлиб туғиларкан азали,
Нафратга айланаркан дуч келганда ёмонга.
Доя бўлиб онанинг ўланлари — ғазали,
Эртаклар етар эмиш фарзандлардай камолга.

Муҳаббатнинг сеҳрли этагидан тўкилиб,
Дурлар каби сочилиб кетган эмиш оламга.
Эртак балки минг-минг хил шеваларда тўкилиб,
Миллион хил лаҳжаларда олинармиш қаламга.

Эртакларнинг ёғдудай укпар қаноти бормиш,
Самоларда кезармиш ой тўлишган чоғларда.
У гоҳи учар гилам, гоҳида-чи ёрилтош,
Эртак мўлмиш юлдузлар дув тўкилган боғларда.

Бирини сўзлай букун... бу — ҳаётнинг ўзидир,
Фақат яшаб келар у эртаклардай йироқда.
Бу — Персей, Андрамида — муҳаббат юлдузидир,
Орзулари ушалмай, қолиб кетган фироқда:

Кишанланган эди қиз баланд қоя бошига,
У ўлимнинг ҳукмида турар эди бағри қон.
Умидлари айланган эди тоғлар тошига,
Қизлар қисматин шундай ёзганди қадим юнон.

Тоғ бошига бир тулпор учиб келар юлқиниб,
Персей тулпоридир ул ўт чақнатган тошлардан.
Юрагида ғазабу кўзларида учқуни,
Занжирбанд гўзал учун жанг — интиқом бошланар.

Жангга кирган йигит у, асли шунқор боласи,
Кишанларни ип каби узади бирин-сирин.
Олиб қочар қоядан ўшал ишқнинг воласин,
Қояларнинг бошини бузади шўриш, сурон.

Икки ёниб турган ўт ўрлаб чиқар осмонга...
Икки очилган гулни тўзғитади чақинлар.
Икки жаҳон оловни жой айлаб бир достонга,
Юлдузлар шодасига айлантирар коҳинлар.

Мовий осмон тоқида бир-бирига чўзиб қўл,
Икки юлдуз тизмаси турур эмиш ёнма-ён.
Бу — асрлар қаъридан бизга етиб келган йўл,
Бу — севгини яшириб афсона бўлган осмон.

Бу балки мунажжимнинг нур билан ёзган сўзи,
Икки юлдуз шарҳини кўчирмиш у осмонга.
Бу асли афсонамас, юнон ҳаётин ўзи,
Бу — муҳаббат ҳайкали, сиғмай қолган достонга.

Карилия кўрфази соҳиллари




* * *

Сабо ўйнаганди... япроқдан ёғду
Ширин хаёллардай кетди сирғалиб.
Тўлин ой ҳам баркашидан нур олиб
Боғ устидан ўтди... юлдузлар ёғди.
Уйқусин излабми, боғ кезар аёл,
Ярим тунда йўлга қарар безовта.
«Эй болам-ей, сира кўрмагил завол»,
Ўғлин кутар чодирда сергак ота.

Ўғли эса қўшни боғни оралар
Бир париваш дардида беҳаловат...
Бизнинг боғда бедор кутар қарилар,
Ўзгасида бедор ўтар муҳаббат.

Икки бедорликни олиб қаламга,
Менга насиб боғ ичида бедорлик.
Ҳўв, уфқда кўринар нур-аланга,
Қуёш чиқар... муҳаббатдай оҳорлик.





СОҒИНИШ

Мармар хазиналар,
Обидалар, Прометей, Зевс ҳайкаллари...
Ҳовузларда зайтунларнинг жилоси.
Худди олтинзорлар дейсиз — ақиқ апельсинзор, боғларни...
Лекин кўзларимдан ўтаверар пахта пайкалларим,
Тупроқ кўчаларим, олтин кузак, беҳиларнинг тиллоси,
Ой баркашида нур элаган узумзорларим...
...Бунда, олам ғами эзган тор-тор сўқмоқлар аро,
Ўтар намойишлар, иш ташлашлар, маҳзун хаёллар.
Мен ҳам ўтдим... юрагимга оқиб кирди бир дарё,
Саволларга кўмганида мени аёллар,
Қўлим тутдинг давраларда, суҳбатлараро
Сени сўзладим,
Кенг оламнинг ташвишларин еган мардонам
Сени изладим,
Уктамим онам.



Бухоро Тўқимачилик комбинатининг яна бир филиали Боғот районида ишга тушди. Суратда: тандаловчи Муяссар Селхонова.

К. Отаев фотоси (ЎзТАГ)

(Боши 11-бетда)

аҳоли орасида Қизил Армияга қарши, бинобарин эса, Совет ҳокимиятининг бутун сиёсатига ҳам қарши ташвиқот олиб боришига ёрдам бераётган қуролни уларнинг қўлидан уриб тушириш зарур. Босмачилик билан кураш — кескин курашдир, лекин Қизил Армиянинг бардоши ва қаҳрамонлиги ҳамма нарсани енгади».

Халқ билан Қизил Армия ўртасидаги бирлик ва ҳамкорлик масалалари Файзулла Хўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятининг доимий диққат марказида бўлиб келди.

Халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳисса қўшган Файзулла Хўжаев Коммунистик партия олдидаги юксак интернационал бурчини бажариш йўлида куч-қувватини аямади. Унинг фаолияти ёш Советлар республикасининг саноати, халқ хўжалиги, маданий қурилишни юксалтириш ишлари билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, унинг бевосита раҳбарлигида Бухорода тўнғич тўқимачилик корхоналари, қоғоз фабрикалари, кўн ва совун заводлари ҳамда «Қизил Шарқ» йигирув-тўқув фабрикаси ва бошқа корхоналар барпо этилди. Шунингдек, Бухородаги қадимги пахта тозалаш заводи ҳамда ёғ заводлари қайта тикланди ва ишга туширилди.

Файзулла Хўжаев раҳбарлигида Ўрта Осиёда биринчи марта 1924 йил 12 апрелда «Бухкино» ташкил этилиб, Ленинград «Севзапкино» ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Қисқа вақтдан сўнг ленинградлик киночилар ёрдами билан «Бухкино» ўлка меҳнаткашларига «Ўрта Осиё бўйлаб», «Бутун Бухоро қурултойи», «Ўртоқ М. И. Калинин Ўрта Осиёда» каби хроникал-ҳужжатли фильмларни туҳфа этди. 1925 йилда эса Тошкентда «Шарқ юлдузи» Ўзбек давлат киноси ташкил этилиб, бу ерда ишланган «Ўлим минораси», «Мусулмон қизи», «Пахта орол» каби қатор тўла метражли фильмлар томошабинлар орасида муваффақият қозонди.


Босмачилар билан кураш йилларида халқ орасида афсонавий қаҳрамон, тадбиркор ҳарбий саркарда сифатида танилган Файзулла Хўжаевнинг хизматлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан юксак баҳоланди. Анварпошшо тўдаларини тор-мор келтиришдаги хизматлари учун у 1922 йил 10 июлда Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

Еш Совет Ўзбекистонининг саноатини, халқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун эса 1935 йилда Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди.

Файзулла Хўжаев Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитетининг раисларидан бири, Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси сифатида бутун ташкилотчилик қобилиятини ёш социалистик республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан равнақ топишига бағишлади. У 1936 йилда «Известия» газетасида чоп этилган «Бахтиёр халқ республикаси» деган мақоласида шундай ёзади: «Ўзбекистонда маданият чинакамига равнақ топди... Ютуқларимиздан энг асосийси янги замон кишиларининг камол топаётганлигидир. Ўзбек халқи орасидан эндиликда тракторчилар, комбайнчилар, агрономлар, техниклар, врачлар, инженерлар, профессорлар, ёзувчилар ва бошқа касб эгалари етишиб чиқмоқда. Бунинг учун халқимиз улуғ Ленин партиясидан миннатдордир...»

У давлат, партия ва жамоат арбоби ҳамда ҳарбий саркарда сифатида ўзининг бутун онгли ҳаётини ва жўшқин ижодий фаолиятини жонажон халқига, она Ватанга, Коммунистик партияга, улуғ Ленин ишига, коммунизм идеалларига хизмат қилишга бағишлади. Шунинг учун ҳам содиқ ленинчи Файзулла Хўжаевнинг ёди ҳамиша халқимиз эъзозида.

Мажид ҲАСАНОВ,
филология фанлари кандидати



Шукур ҚУРБОНОВ

УМИД ҚИЛ...

Умид қил, ниятни каттароқ қил, ҳай,
Сен етмасанг, ўғлинг етади;
Невараниг етади, ўғлинг етмаса;
Невараниг етмаса, чевараниг,
Чевараниг етмаса, эвараниг,
Эвараниг етмаса, девараниг,
Бегонанг етади-ку, ҳеч бўлмаганда!..
Ният қачон ерда қолган, қачон?!.

* * *

Мен учун ҳаётда самимийлик бахт,
Ғаним ҳам билади йўғу боримни.
Болта кўтарган кўп, лекин бир дарахт
Епмай яшар қанча илдизларини.

* * *


Дўстим, ўйлайверма ҳадеб жонингни,
Шу ҳаёт ишқи деб жўшдир қонингни.
Ўзлигинг кўрсатгин, дарахтмассан-ку!
Пўстлоққа ўрама ўзак-танингни!

* * *

Дунё шижоатин билиб бўлган у,
Муҳаббат ва дарднинг қули бўлган у.
Сен «бир кўйлак ортиқ тўздирдим» дема,
Кўксин тилка-пора қилиб бўлган у.

* * *

Ақлим етганича тебратдим қалам,
Ўзинг қўш, эй ҳаёт, недир бўлса кам.
Буюкман, деб сенга керилганим йўқ,
Башорат қилмаган буни отам ҳам.



Ҳайдар МУҲАММАД

БУЛБУЛЛАР УДУМИ

Булбуллар куз чоғи учиб кетарлар,
Учиб кетадилар биздан йироққа.
Олис ўлкаларда улар нетарлар?
Қандай чидайдилар ҳажру фироққа?

Баъзилар демишки: «Булбул бевафо,
Уз гулин қолдириб учиб кетармиш...
Қайси бир чаманда қилиб кайф-сафо,
Айшталаб кўнглини хурсанд этармиш...»

Йўқ асло!
Ўқидим булбуллар тилин,
Булбул ҳам шу юртнинг фарзанди экан.
Тарбия қилмоқ-чун жажжи булбулин,
Олис-олис юртга олиб кетаркан.

Жажжи булбулчага олам кўрсатиб,
Уз юртин кўркини англатар экан.
Гул севмак,
юрт севмак илмин ўргатиб,
Яна гулшанига қайтиб келаркан.

Булбул авлодига шу экан удум,
Улар «чак-чак»идан мен шуни укдим.

ЧОЛ ЎЙЛАРИ

«Етмишда енгилмадим,
Қариликни билмадим.
Аммо саксон, оҳ саксон,
Бўлмади менга осон.
Белларимни қайирди,
Тишларимдан айирди.
Кўзларимда ёш қатор,
Бир эмас-у, шашқатор.
Билмам, ўлим яқинми?
Билмам, йўлим яқинми?
Уйқу кетди кўзимдан,
Маза кетди сўзимдан.
Кел, ўлсам ўлақолай,
Равона бўлақолай.
Ортда оғир қолмади,
Етим-сағир қолмади.
Йиғласа йиғлагудай,
Бағрини тиғлагудай,
Ўғлим бор қатор-қатор,
Қатор-қатор қизим бор.
Дилда армон қолмади,
Битмас фармон қолмади.
Етганда йиқилмадим,
Ғам билан сиқилмадим.
Тўғридан тойилмадим,
Эгрига ёйилмадим.
Ҳузур-ҳаловат кўрдим,
Файзу тароват кўрдим.
Умрим кун-кун қарийдир,
Ўлсам энди арзийдир».
Шу фикрга чўмди чол,
Қарши чиқди бир хаёл:
«Э, нафасинг қурсин, чол,
Тоғу тошга урсин, чол.
Тўй қилиб уйланмаган,
Қўшиғи куйланмаган
Эваралар бор ҳали,
Вақт йўқ сенга ўлгали.
Шулар тўйин ўтказгин,
Қўлга ёрин тутқазгин...»
Шу ўйдан сўнг ўн беш йил
Елдай ўтиб кетибди,
Селдай ўтиб кетибди,
Эвараси қурмағур,
Қаранг бўйга етибди
Эварасин кўриб чол,
Яна босди ўй-хаёл:
«Кел, шунинг ҳам тўйини,
Қўшиғию куйини
Кўрсам бир кўраколай,
Сўнг, майли, ўлақолай...»

МАСЪУЛИЯТ

замондошларимиз

ЕВГЕНИЙ Андреевич йўлни кесиб ўтиб, завод дарвозасига яқинлашди. Юрагида кеча бошланган ҳаяжон қайта қўзғолди. Теварак-атроф ҳам, ҳар куни кўриб юрган бино ҳам кўзига бошқачароқ, чиройлироқ, салобатлироқ бўлиб кўринди. Катта дарвоза пештоқидаги «В. И. Ленин номли «Красний двигатель» заводи» деган зарҳал ёзувларга бугун алоҳида ғурур билан тикилди.

Қадрдон цехига кираётганда ҳаяжони янада ортди. Биринчи сменада иш ҳали қизғин давом этарди. Кўлидаги соатига назар ташлади. Ҳали вақт бор. Ўз участкасига боришдан олдин цех идорасига кирмоқчи бўлди. Ўнгга бурилиб, иккинчи қаватга кўтарилаётганди, рўпарасидан цех бошлиғи Лев Никадимович Чеховский чиқиб қолди.

— О-о-о, Евгений Андреевич! — деди у бирдан чеҳраси ёришиб. — Табриклайман, табриклайман! Жуда хурсанд бўлдик. Бу — катта, жуда катта ишонч!

— Катта масъулият ҳам, — қўшимча қилди Бужинский.

— Тўғри айтасиз, Евгений Андреевич, катта масъулият ҳам.

— Конференция тугагач, ўзим ишлаётган бригадада иш суръати ва сифатини ошириш ҳақида анча бош қотирдим. Хомчўт қилиб кўрдим ва съезд очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажариш мумкин, деган хулосага келдим. Шундай мажбурият қабул қилмоқчиман. Сиз нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим? Бошқалар қатори «Офарин» дейман.

— Офарин дейишга-ку ҳали эрта. Эътироз билдирадиганлар, мени айбловчилар топилиб қолмаса, дейман.

— Нима деб айблашлари мумкин?



— Гап топишади. Ҳовлиқаяпти, дейишади.

— Бу гапларни каллангиздан чиқариб ташланг. Сиз бир қарорга келдингизми, бунга ишонса бўлади. Шахсан мен, ҳамкасбларингиз ҳам, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳам, маъмурият ҳам сизни қўллаб-қувватлашларига ишонаман.

— Раҳмат, Лев Никадимович, раҳмат!

— Цехга бораётгандим. Менга бошқа гапингиз йўқми?

— Йўқ. Бирга борамиз...

Бригада аъзоларининг, бутун смена ишчиларининг самимий табриклари, тилаклари Евгений Андреевичнинг кучига куч қўшгандек бўлди. У алюминийни эритишдан тортиб қолипларга қуйиб, трактор поршенига айлантиришгача бўлган жараёнлар комплексини мужассамлаштирган линияни аъло кайфият билан ишга туширди. Саккиз кишининг ҳар бири ўз вазифасини ҳамишагидек истак билан бажара бошлади. 650 даража иссиқликда эриган металл узлуксиз равишда қолипларга қуйилар, ҳар минутда иккита «СМД-14» трактори поршени тайёр бўлар эди. Бу, бир поршенни ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт бир-икки секундга қисқартирилаётганлигини кўрсатади. Бир-икки секунд... Секундлар кокиллар ҳаракатини тартибга келтириш, ишдан чиққан стерженларни алмаштириш билан боғлиқ бўлган юмушларни бирмунча тезлаштириш ҳисобига тежалади. Секундлардан минутлар, минутлардан соатлар ҳосил бўлади. Натижада ҳар сменада пландаги 900 та ўрнига 1000 тагача поршень тайёрланади.

Ишнинг бундай жадал кетишида Евгений Андреевичнинг хизмати ниҳоятда катта. Ахир, линияни ишлатишга тайёрлаш, технологик жараёнларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш, ишдан чиққан стерженни алмаштириш, машина-механизмдаги ҳар қандай нуқсонни зудлик билан бартараф этиш унинг зиммасига юкланган.

Бугун у сменани ҳамкасби Фамал Темеловдан қабул қилиб олди. Смена тугай деб қолганда стерженлардан бири синибди. Темелов буни Евгений Андреевичга билдириб, кетавериши мумкин эди. Аммо у бундай қилолмади. Бригадасининг ҳамма аъзоси кетгандан кейин ҳам ишни давом эттирди. Унинг жиққа терга пишиб ишлаётганини кўрган Бужинский четдан қараб турармиди.

— Фамал, сен кетавер, — деди унинг ёнига бориб. — Ўзим алмаштираман.

— Яхшиси, ёрдамлашиб юбор. Иш тезлашади, — жавоб қайтарди Темелов.

Бужинский ҳам ишга киришиб кетди. «Сменадошларимнинг ҳар иккаласи — Темелов ҳам, Норқулов ҳам ажойиб кишилар, — деган фикр кўнглидан кечди унинг ҳозир. — Фақат ўз бригадалари, сменалари ҳақида эмас, бошқа ҳамкасблари ҳақида ҳам қайғуришади. Шундай бўлмаслиги ҳам мумкин эмас. Ахир, цехимизга коммунистик меҳнат коллективи деган ном берилган. Бу ном ишга доим онгли муносабатда бўлишни талаб қилади. Лекин, афсуски, баъзи коллективларда шу номга яраша иш қилинмаяпти. Шахсий манфаат коллектив манфаатидан устунлик қилаяпти... Мен заводга ишга келган пайтларимда қандай эдию, ҳозир қандай? Фарқи жуда ҳам катта. Сабаб нимада? Бундай коллективлар кўпайганидами? Йўқ. Бригада, смена, цех ишчиларининг меҳнатга, ўз вазифаларига муносабатларига, юриш-туришларига, хулқ-атворларига, билимларини оширишларига лоқайдроқ қаралаётганида бўлса керак. Нега ишончни оқламаётганлардан шу номни қайтариб олиш мумкин эмас? Шарафли номга доғ туширишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ-ку!.»

Темелов стерженни алмаштириб бўлгач, Бужинскийга қараб жилмайди. Унинг жилмайишида катта маъно бор эди. Бужинский ҳам жилмайиш билан жавоб қайтарди. У сменадошини кузатиб қўйгач, линиядаги машина ва ҳар бир механизмнинг ишини бирма-бир синчковлик билан кўздан кечирди. Нуқсон тополмади. Бригада аъзоларига назар ташлади. Ҳаммаси ғайрат билан меҳнат қилишмоқда, олов ёнида олов бўлиб ёнишмоқда.

У иш бир маромда юксак суръат билан давом этаётганидан хурсанд эди. Ҳозиргина қолипдан чиққан, ҳали унча совимаган бир поршенни қўлига олиб, у ёқ-бу ёғини кўрди. Сифати яхши эканлигига ишонч ҳосил қилгач, жойига қўйди. Бригадага маҳсулотни техник назорат бўлимини четлаб ўтган ҳолда тўғридан-тўғри механика цехига топшириш ҳуқуқи берилгандан буён Евгений Андреевич ҳам, бошқа ишчилар ҳам сифат устидан назоратни кучайтирдилар. Ахир, ишончни оқлаш керак-да. Оқлашаяпти ҳам. Кўзга кўринмас, ички брак ҳисобга олинмаса, механика цехига бирорта ҳам нуқсонли поршень ўтказилмаётир. Умумий брак миқдори нормадагидан 0,2—0,3 процент кам бўлмоқда.

Маҳсулот сифати ҳақида ўйлар экан, Евгений Андреевич беихтиёр линия дастлаб ишга туширилган пайтдаги воқеаларни хотирлади. Ушанда 4-механика цехидан бу янги участкага илғор ишчи сифатида ўтказилган кишилар қаторида у ҳам бор эди. Уларга биринчи линияни синовдан ўтказиш ва алюминийдан сифатли поршенлар тайёрлашни йўлга қўйиш вазифаси топширилди. Биров ишонч билан, биров унчалик ишонмасдан, яна биров гумонсираб ишга киришди. Бужинскийга эритилган металлни қолипларга қуйиш вазифаси топширилди.

Бошда иш сира юришмади. Баланд ҳарорат ҳаммани эзар, бунинг устига гоҳ машина, гоҳ механизмлар «инжиқлик» қилар, бунинг сабабини аниқлаш қийин эди. Биттагина стерженни алмаштириш учун кўп вақт ва меҳнат сарфланар, энг ёмони брак поршень 70 процентгача етар эди. Ойлик маош ҳам иш натижаларига яраша бўларди. Ишчиларнинг кайфиятлари ҳам шунга яраша эди. Деярли ҳар куни тортишувлар бўлиб турарди. Кўп ўтмай: «Мен бу ерга аҳмоқ бўлиб ўтибман. Бас! Кетаман! Бошқа участкага ўтказишса ўтказишади. Бўлмаса «Красний двигатель»ни елкамнинг чуқури кўрсин!» дея бу жойни тарк этувчилар ҳам бўлди.

Евгений Андреевич эса, ишнинг изга тушиб кетишига ишонар, олдинга интилар, «кетаман»га тушганларни қийинчиликларни енгишга даъват этар, турли йўллар билан уларни ушлаб туришга ҳаракат қилар эди. Аммо унинг уринишлари ҳам, бошқа айрим ишчилар, цех раҳбарларининг гаплари ҳам кутилган натижани бермасди. Қисқа вақтда ишчиларнинг кўпчилиги кетиб қолишди. Бужинскийнинг ҳам иккиланган пайтлари бўлди. Аммо ундаги қатъият устун келди. Ишда секин-аста ижобий ўзгаришлар бўла бошлагач, ҳар куни шовқин кўтарувчи айрим ишчилар жим бўлиб қолишди.

Брак ҳамон кўп эди. Бужинский уни камайтириш ҳақида кўп бош қотирди. Унда баъзи фикрлар пайдо бўлди. Аммо тажрибаси камлиги, техник билими йўқлиги ўз ниятларини амалга оширишга йўл бермасди. У фаол рационализаторларга мурожаат қилди. Улар Бужинский иштирокида металл эритиш машинасининг қуюв системасига ўзгартириш киритдилар. Натижада брак уч баравар камайди. Аммо бу кўрсаткични нормадагига етказиш учун ҳали кўп ишлаш, изланиш керак эди. Бу эса қийинчиликлар давом этади, деган гап эди. Биринчи линияда иш тўла изга қўйилмасдан кетма-кет яна тўртта линия ишга туширилди. Вазият мураккаблашди. Янги участкага ишга келувчилар ҳам, кетувчилар ҳам кўпайди...


КОМЕТА СИРЛАРИНИ ЎРГАНИШ ЙЎЛИДА

Қудратли телескоплар ёрдамида Галлей кометаси — Думли юлдузнинг навбатдаги «сафари» 1982 йил 8 октябрда қайд қилинган эди. Мана шундан бери ердаги фан мухлислари ундан кўз узганлари йўқ, деса бўлади. Тахминан ҳар 76 йилда у ерга яқин жойда бир марта пайдо бўлади. Астрономлар тарихий манбалар асосида эрамиздан аввалги 240 йилгача бўлган даврни фикран қамраган ҳолда, барча кометаларнинг пайдо бўлиш сирларини ўргандилар. Лекин ҳеч вақт кометалар бугунгидек фанни қизиқтирган эмас. Жаҳондаги ҳамма обсерваториялар мазкур Галлей кометасини кузатмоқдалар, бешта космик аппарат унга қаратилган.

Шу йил 9 март тонгги кометага нисбатан ажойиб қизиқиш уйғотди. Ўша куни иккинчи совет автоматик станцияси «Вега-2» Галлей кометасига фавқулодда аниқ даражада яқинлашди: улар орасидаги масофа атиги 8,2 минг километрни ташкил этди. Бу вақтда унинг телевизион акси суратга туширилди, комета ўзагини физикавий-химиявий жиҳатдан изоҳлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди, кометанинг ички газ-чангсимон қатлами текширилди. Шу текширишлар орқали мазкур самовий жисмнинг динамик хоссалари, тузилиши ва таркиби ҳақида катта ҳажмда ахборотлар олинди.

«Вега-2» станциясининг телевизион системаси кометани 7 мартда 14 миллион километр узоқликдан туриб биринчи марта тадқиқ қилган эди. Ҳали айтганимиздек, 9 мартда эса уни ўрганиш юзасидан асосий илмий боғланишлар ўтказилди.

«Вега-2» станцияси ёрдамида кометанинг 700 га яқин тасвири олинди. Унинг ўзагининг физикавий-химиявий хоссалари ҳамда атрофидаги газ-чангсимон қатламларда кечаётган жараёнлар ҳақида ерга қимматли маълумотлар узатилди.



Галлей кометаси. «Вега-2» космик аппарати самовий жисмга энг яқинлашган пайтда олинган сурат.

Иккита «Вега» совет сайёралараро автоматик станциясининг Галлей кометаси томон парвози космонавтикамиз тараққиётида Қуёш системасининг ҳосил бўлиш ва ривожланишини билишда янги босқични бошлаб берди.

Кометаларни ўрганиш илмий аҳамиятгагина эга бўлиб қолмай, амалий мақсад учун ҳам муҳимдир. Баъзи олимлар кометаларнинг салафларини бир замонлар Ерга «ҳаёт уруғи»ни олиб тушган жисмлардир, деб ҳисобламоқдалар. Эҳтимол, сизу биз кометаларнинг жуда қадимий аждодларидирмиз. Шунинг учун ҳам уларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳа, «Вега-1», «Вега-2» станциялари ёрдамида олинган ноёб маълумотлар комета моддасининг изоҳини ва хоссаларини тўғри, яъни бевосита ўлчаш жараёнушмул аҳамиятга эга бўлиб, бу нарса олимларнинг сайёралар системасининг бошланғич босқичларда шаклланиши ҳақидаги тасаввурларини бойитади, коинот ҳақидаги фанга улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Ватанимиз космонавтикасининг янги ажойиб ютуғи КПСС XXVII съездининг космик фазони халқ фаровонлиги йўлида янада ўрганиш ҳақидаги тарихий азму қарорини амалга ошириш йўлида дастлабки одимдир.

Венера сайёрасини ва Галлей кометасини — Думли юлдузни тадқиқ қилиш бўйича белгиланган йирик халқаро лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши эса космик фазони турли давлатлар кучини бирлаштирган ҳолда тинчлик мақсадларида ўзлаштиришда катта ва кенг имкониятлар борлигидан яқол далолат бериб турибди.

Шу йил 18 март куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «Венера — Галлей кометаси» лойиҳасига доир ишларда қатнашган олимлар ва мутахассислар билан учрашди. Учрашувда СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, Космик тадқиқотлар институтининг директори, лойиҳанинг илмий раҳбари, академик Р. З. Сагдеев, бош конструктор, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, лойиҳанинг техникавий раҳбари В. М. Ковтуненко, баллистик ҳисобларга доир ишларнинг раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Ю. А. Мозжорин ва СССР Ғазвкосмосининг бошлиғи Д. И. Дунаев иштирок этдилар.

М. С. Горбачев совет олимлари, мутахассислари ҳамда ишчилари ўтказган мисли-сиз космик эксперимент якунларидан бағоят мамнун бўлганлигини айтди. Мазкур учишни Ватан фани ва техникасининг ёркин ютуғи, космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштиришда самарали халқаро ҳамкорликнинг яққол тимсоли, деб таъкидлади у. Шу муҳим экспериментнинг тугаши КПСС XXVII съездининг иш вақтига тўғри келди ва совет кишиларини, Ватанимизнинг ҳамма дўстларини, тинчликнинг қадрига етадиган ҳамма кишиларни ҳақли равишда қувонтирди. «Венера — Галлей кометаси» лойиҳасининг амалга оширилиши, янги туркум, «Мир» космик станциясининг учирилиши ленинчи партиямиз ва совет халқи тинчликсевар йўлининг яна бир далили бўлди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Л. Н. Зайков ва КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин қатнашдилар.

Шу зайлда йиллар кетидан йиллар ўтди.

Мана, Евгений Андреевичнинг механика цехидан 5-қуюв цехига ишга ўтганига роппароса 21 йил бўлибди. Бундай ҳисоблаб қараса, бу ерга дастлабки йилларда келганлардан саккиз киши қолибди, холос...

Тунги смена тугади. Иш натижаси кўнгилдагидек бўлди. Евгений Андреевич кеча кундузи шаҳар партия комитетининг махсус топшириғи билан банд бўлиб, тузукроқ ҳордиқ чиқара олмаганлиги сабабли иш пайтида анча қийналган, ҳозир ҳорғинлик сезаётган бўлса-да, кайфияти яхши эди. У душда ювиниб, кийимларини алмаштиргач, ўзини янада бардам ҳис этди. Шаҳдам одимлар билан ташқарига чиқиб, осмонга қаради. Билинар-билинмас туман орқасидан қуёш жилмайиб кўтарилмоқда эди. Унинг кайфияти янада хуш бўлди.

Автобусга чиққанидан кейин иссиқдан бадани бўшашди, уйқуси келди. Аммо ухламади. Теварак-атрофга назар ташлаб кетди. Заводга эндигина ишга келган пайтлардаги қийинчиликларни, тунги сменадан кейин автобусда ухлаб қолганини, бошқа воқеаларни хотирлади.

Украинанинг Харьков шаҳридан 1945 йилда Самарқандга кўчиб келишганида Евгений беш ёшда эди. Бунга отаси Андрей Федотович урушда ҳалок бўлгач, онаси Елизавета Кузьминичнанинг бошқа кишига турмушга чиқиши сабаб бўлди. Кўп ўтмай, онасининг турмуши бузилди. Евгений эси кириб қолгач, оилалари моддий жиҳатдан қийналаётганини сезди. Шунинг учун ҳам ўнинчи синфга ўтгач, ўқишини кечки ишчи-ёшлар мактабида давом эттиришга ва шаҳардаги каровот фабрикасига ишга киришга қарор қилди. Онаси ўғлининг бу қароридан норози эди: қанча гапирмасин, Евгений ўз билганидан қолмади.

Хуллас, у меҳнат фаолиятини анча эрта бошлади, ҳаёт сабоғини бошқаларга қараганда барвақт ола бошлади. Евгений фабрикада кўп ишламади. Шу корхона тугатилгач эса «Красний двигатель» заводига келди. 4-механика цехида унга дастлаб тажрибали ишчи М. Сари устозлик қилди. Зийраклиги, ишга истак, ҳавас билан киришганлиги туфайли поршенларга механик ишлов бериш жараёнларини қисқа фурсатда ўзлаштирди. Кўп ўтмай, илғорлар қаторидан ўрин олди.

Қуюв цехида иш юришиб кетгач, унинг номи тез-тез тилга олинадиган бўлди. У бригадирлик лавозимига кўтарилди. Шу ерда КПСС сафига қабул қилинди. Бугунги кунда Евгений Андреевич Бужинский цехда, заводдагина эмас, ҳатто бутун Самарқандда танилганлардан. Область коммунистлари уни КПСС XXVII съездига делегат қилиб сайлашди.

У партиямизнинг тарихий анжуманидан қайтиб келиши биланоқ бригадаси аъзолари уни қуршаб олишди. Савол кетидан савол ёғдиришди. У съезд таассуротларини қаяжон билан гапириб берди.

— Партиямиз бошқа соҳаларнинг ходимлари билан бирга саноатчилар, жумладан, машинасозлар олдига улкан вазифалар қўйганлиги сизларга маълум, — деди у ҳамкасбларига. — Ҳар бир соҳани, ҳар бир тармоқни жадал ривожлантириш, ишда кескин бурилиш ясаш зарурлиги съездда такрор-такрор уқтирилди. Москвадан қайтар экан-ман, йўлда келаётиб ҳам буюк режаларнинг амалга ошишига кўпроқ улуш қўшиш омиллари ҳақида бош қотирдим. Маълумки, ўн биринчи беш йиллик планини бригадамиз коллективи тўрт йилда бажарди. Бу катта ютуқ эди. Съезд шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаб, уч ойлик топшириқни эллик беш кунда адо этдик. Бу билан биз изланган одам янги резерв топиши мумкинлигини амалда исботладик. Ўйлайманки, суръатни оширсак оширамиз, лекин пасайтирмаймиз. Шуни ҳисобга олиб, ўн иккинчи беш йиллик вазифасини муддатидан олдин бажаришимиз мумкин, деган хулосага келдим. Шунинг билан бирга сифатни ҳам яхшилашга, металлни тежашга ҳам астойдил эътибор берсак, нима дейсизлар?

— Биз ҳам шу ниятдамиз! — дейишди бир оғиздан бригада аъзолари.

Бужинский хурсанд бўлди. Ҳамкасбларини бирма-бир қучгиси келди...

1985 йилнинг бошидан буён иқтисодий эксперимент шароитида ишлаётган Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи коллективи янги талаблар асосида ишни янада жадаллаштириш ҳаракатида фидойилик кўрсатмоқда. Масалан, 5-қуюв цехида поршень тайёрлашнинг такомиллаштирилган усули ўзлаштирилмоқда. Янгилик туфайли брак камаймоқда, маҳсулотнинг чидамлилиги ошмоқда. КПСС XXVII съезди делегати Евгений Бужинский бу ишларда жонкуярлик қилмоқда.

У Самарқанд шаҳар Совети депутати, шаҳар партия комитети ревизия комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам муҳим жамоатчилик ишларини бажараётир.

Исо АБДУРАҲМОНОВ

Самарқанд



Пиллачилар.

А. Губенко фотоси



Байрам дастурхонига...

А. Кудряшев фотоси



Туямўйин қурилишида (бригадир Раҳим Назаров ва илғор ишчи Жаҳонгир Боқиев).

Н. Муҳаммаджонов фотоси

РАССОМ ОБИДЖОН БАКИРОВ ИЖОДИДАН НАМУНАЛАР




ШОИРА САМАР БОНУ
(1837—1891).




ҚИРҚ БЕШИНЧИ ЙИЛ.

ВЕЛОСИПЕДЧИЛАР.



АВТОПОРТРЕТ.



Тенгқурлар ёди (Бувайда районидаги «Октябрь» колхози правлениесининг раиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Саминжон Умрзоқов).

А Жумаев фотоси

Чорвачилик — зарбдор фронт.

Н. Муҳаммаджонов фотоси





Баҳор...

ТАНИ СОҒНИНГ ВАҚТИ ЧОҒ

«Съезд партия ташкилотларининг маданий қурилиш соҳасидаги фаолиятини одамларнинг маънавий эҳтиёжларини ва майлларини янада тўлароқ қондириш вазифаларини ҳал қилишга, уларнинг қобилиятларини юзага чиқариш учун, бўш вақтдан мазмунли фойдаланиш учун шарт-шароит яратиб беришга қаратади».

(КПСС XXVII съезди резолюциясидан)

Қишнинг илиқ кунларидан бирида, дала шийпони олдидаги кичик майдонда бир неча йигит зўр иштиёқ билан футбол ўйнар эди. Уларнинг ўйини қизғин давом этар экан, бригадир келиб қолди ва у ўзининг гавдасига ярашмаган бир чаққонлик билан югуриб бориб тўпни қўлига олди-да, ёнидан қаламтарошини чиқариб, уни ёриб ташлади. Чунки йигитлар футболга қизиқиб, шийпоннинг бир чеккасига уюб қўйилган минерал ўғитларни ҳам сочиб юборишган эди.

— Футболни стадионга бориб ўйнанг, — деди бригадир жаҳл билан.

Йигитлар стадионга боришмади, балки норози қиёфада уйуйларига тарқалишди. Чунки спорт комплекси район марказида бўлиб, унга бориш учун бир соатдан кўпроқ вақт кетарди...

Очиғини айтиш керак, ҳалигача кўпгина районларда қишлоқ ёшларининг маданий дам олишлари учун етарли шарт-шароит мавжуд эмас. Йил давомида, айниқса қишлоқ хўжалигида дала ишлари бирмунча камайиб, колхозчиларнинг уйда турғун бўлиб қолишлари, яъни дам олиш вақтлари анча кўпайган қиш фаслида бу нарса яққол сезилиб қолмоқда.

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кишиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилиш билан бирга, ҳар бир меҳнат коллективида тартиб-интизомни мустаҳкамлайди, уюшқоқликни кучайтиради, меҳнатга онгли муносабатни қарор топтиради, иш унумини оширади. Кишиларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун партия ва ҳукуматимиз бу соҳага катта эътибор бераяпти, доимий ғамхўрлик кўрсатиб келаяпти. КПСС Марказий Комитети 1985 йил 12 июнда «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорда жисмоний тарбия ва спорт ходимларининг зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юкланди. Клуб муассасалари ва спорт ташкилотлари совет кишиларининг бўш вақтларини фойдали ташкил этар-канлар, мамлакатни социалиқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишда уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини оширишга ёрдам беришга даъват этилганликлари ҳам уқтирилди.

Партиямиз ўртага қўйган бу талабдан кейин республикамизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кўпгина ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Ҳозирги пайтда республикамизда 185 та стадион, 5 мингдан ортиқ спорт зали ва отиш тири, 200 га яқин сузиш ҳавзаси — бассейн, 30 мингта спорт майдони меҳнаткашлар ихтиёрида. Меҳнаткашлар бу спорт иншоотларида соғлиқларини мустаҳкамлайдилар, бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар. Республикамизнинг кўпгина шаҳар, район, колхоз ва совхозлари меҳнаткашлар қизиққан спорт тури билан шуғулланиш имконига эга бўлган спорт базаларига эга. Масалан, Боғот районидаги Наримонов номли колхоз маданий спорт комплекси, Чирчиқдаги «Чинақиш» («Сплав») спорт клуби, Андижон областидаги «Ямбол» спорт комплекси, Янгийўл районидаги У. Юсупов номли аграр-саноат бирлашмасининг спорт иншоотлари физкультура ҳаракатининг оммавийлигини таъминлашга хизмат қила оладиган спорт базаларидир. Жисмоний тарбия машғулотларига аҳолининг кенг қатламини жалб этишда ҳам кейинги пайтда сезиларли ютуқларга эришилди. Чунончи, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 600 минг киши жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этилган.

Жисмоний тарбия ва спорт

Бироқ бу масалага Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди ва КПССнинг XXVII съезди талаблари асосида ёндашадиган бўлсак, ҳали бу соҳада кўпгина камчиликлар ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар мавжудки, буларни ҳал қилмасдан туриб, спортнинг оммавийлигини янада ошириш, жисмоний тарбия ва спортни кишиларнинг кунлик эҳтиёжига айлантириш анча қийин. Ҳали кўпгина хўжалик раҳбарлари жисмоний тарбия ва спортга иккинчи даражали иш деб қараётганлиги кечириб бўлмас ҳолдир. Оқибатда мавжуд кўпгина спорт иншоотларидан ҳам самарали фойдаланилмаяпти, улар хўжакўрсинга савлат тўкиб турибди. Баъзи районларда халқ пулига қурилган спорт иншоотлари эса, қаровсизлик натижасида яроқсиз ҳолга келганлигини кўриш мумкин. Қаерда ташкилотчилик етишмаса, спортга беэътибор қаралса, ўша ерда бўш вақтнинг беҳуда ўтишига, бекорчиликдан жамиятимизга ёт бўлган турли-туман иллатларнинг келиб чиқишига йўл қўйилади.

Жисмоний тарбия ва спорт ишини янада ривожлантириш, ижобий натижаларга эришиш учун ташкилотчи, жонкуяр бўлиш, ишга принципиал ёндашиш лозим. Аввало, физкультура ва спортни намунали ташкил этиш учун кадрлар масаласини йўлга қўйиш керак. Бу масалада республика Спорт комитети шаънига ҳақли равишда эътироз билдирамиз. Чунки ҳали қишлоқ жойларда спорт мутахассислари етишмайди. Ўз ишига фидойи мураббийлар ва методист-инструкторлар билан бир қаторда ўз вазифаси нимадан иборат эканлигини ҳам билмайдиган спорт ходимлари учраб туради. Айниқса, қишлоқ районларидаги кўпгина хўжаликларда спорт бўйича методист-инструкторликка мутахассислиги бўйича умуман бу соҳадан йироқ кишиларнинг тайинланаётганлиги фикримиз тасдиғидир. Оқибатда бундай кадрлар амалий ишдан кўра қоғозбозликни афзал кўрадилар.

Жойлардаги кўпгина спорт ходимлари аниқ методик қўлланмага эга эмаслар, ишни қандай ташкил қилишни билмайдилар. Шу сабабли республика Спорт комитети ва Ўзбекистон физкультура институти ҳамкорликда қишлоқ спортини кадрлар билан ҳамда аниқ методик қўлланмалар билан таъминлаш чораларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Албатта, яратилажак методик қўлланмаларда қишлоқ жойлардаги шарт-шароитлар ҳисобга олиниши, кўпроқ мавсумий ишлар билан банд қишлоқ меҳнаткашларининг бўш вақтлари назарда тутилиши зарур.

Кейинги пайтда қурилаётган маданий спорт комплекслари жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга комплексларнинг ташкил этилиши оммавий-маданий ва спорт соғломлаштириш соҳасида тадбирлар ўтказиш, турли ташкилотларнинг кучини бирлаштириш ва уларни ўзаро мувофиқлаштириш имконини берди. Аммо баъзи спорт комплекслари қурилиб ишга туширилгач, эгасиз бўлиб қолаяпти. Яъни бирорта ташкилот спорт-комплексига оталиқ қилишни ўз зиммасига олмаяпти. Чунончи, Чиноз районидаги 5 минг кишилик стадионга эга бўлган спорт комплексида ҳудди шундай аҳвол юз берди. Бунинг сабаби, спорт комплекси район марказида, бу ерга келиб шуғулланиши керак бўлган кишилар эса, турли ташкилотларда ишлайдилар. Хўжаликлар эса 20—25 километр узоқликда жойлашган. Ахир, кишилар шунча масофани босиб, спорт комплексига борадими? Зеро, давр талаби ҳар бир қишлоқнинг ўз спорт майдончаси бўлишини тақозо этади. Шунда меҳнаткашларнинг вақти беҳуда сарф бўлмайди, ўз-ўзидан кишиларнинг спортга бўлган қизиқиши кучаяди.


Бу кичик қишлоқ спорт майдончаларига раҳбарликни жамоатчи тренерларнинг зиммасига юкланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Маълумки, қишлоқларнинг ободончилиги қишлоқ Советларининг доимий диққат-эътиборида. Балки спорт майдончаларини бевосита қишлоқ Советлари оталиғига бериш мумкиндир. Агар шу тадбир қўлланса, қишлоқ Совети ўз территориясидаги барча спорт майдонларида ўтказиладиган тадбирларнинг умумий иш программасини тузиш, жамоатчи тренерларнинг ойлик ва йиллик планларини ишлаб чиқишига кўмаклашиш, хўжаликлардаги спорт инструкторларининг иш фаолиятини назорат қилиш имкониятига эга бўлар эди. Ҳозирги кунда жисмоний тарбия ва спорт ишини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо спорт анжомлари ва кийимларининг танқислигидир. Баъзи район марказларида спорт магазинининг ўзи ҳам йўқ.

Зеро, жисмоний тарбия ва спорт ишини ривожлантириш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу ҳақда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини ошириш тўғрисида» деб чиқарган қарорда ҳам жисмоний тарбия ва спорт ишларини ҳар томонлама намунали ташкил этиш меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ҳамда жисмоний жиҳатдан чиниқтиришда, кенг жамоатчиликни ичкиликбозлик, безорилик каби ижтимоий иллатларга қарши изчил сафарбар этишда энг муҳим омил эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Абдураззоқ КАРИМОВ

Рабиндранат Тагор туғилган куннинг 125 йиллигига



УЛУҒ СЎЗ САНЪАТКОРИ

БУЮК ҳинд адиби ва шоири Рабиндранат Тагор 1861 йил 6 майда Калкутта шаҳрида бадавлат оилада дунёга келди. Унинг бобоси Дварикнанат Тагор ва отаси Девендранат Тагор ўз даврининг илғор, маърифатпарвар кишилари эдилар. Уларнинг ҳар бири бенгал адабиётининг йирик намояндаси бўлиб, умумҳинд маданиятида ҳам ўзларининг муносиб ўрни бор.

Рабиндранат ўзининг адабий фаолиятини шеъриятдан бошлайди ва тез орада етук шоир сифатида танилади. 1912 йилда у ўзининг машҳур «Гитанжали» шеърий тўпламини яратади ва ўша тўплами учун 1914 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлади. 1940 йилда Оксфорд университети унга «Филология фанлари доктори» фахрий унвонини беради.

Рабиндранат Тагор бенгал ва инглиз тилларида баравар ижод қилар эди. У ўз ҳаёти давомида еттита роман, саксонга яқин ҳикоя, ўндан ортиқ пьеса, жуда кўплаб адабий-танқидий китоблар яратди.

Р. Тагор буюк ҳинд халқининг мустамлакачилар истибдодидан озод бўлишида ўзининг жаҳоншумул асарлари билан катта хизмат кўрсатди. У Советлар мамлакатини севар, унинг яқин дўсти эди. 1939 йилда Москвада бўлиб, ватанига қайтгач, машҳур «Россия хотиралари» китобини ёзди. Иккинчи бор сафарга отланганда, беморлик унинг йўлини тўсди. Р. Тагор 1941 йил 7 августда оламдан ўтди.

Ўзбек китобхонлари бу буюк даҳонинг 8 томлик асарлар тўплами билан аллақачон таниш. Қуйида унинг ўзбек тилида илгари эълон қилинмаган ҳикояларидан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.



Рабиндранат ТАГОР

Сурбала билан иккаламиз болаликдан бирга ўсганмиз, ҳатто мактабга ҳам бир кунда борганмиз. Унинг онаси мени жонидан яхши кўрарди. Ҳар гал мен уларнинг уйига кирганимда, онаси Сурбала иккаламизни ёнма-ён ўтқазиб қўйиб, меҳр билан тикиларкан:

— Қаранглар, бир олманинг икки палласи-я, — дерди бошқаларга кўз-кўз қилиб.

Ўшанда ҳали кичкина бола бўлсам-да, бу билан аёлнинг нима демоқчи эканини фаҳмлаб турардим. Чунки эсимни танибманки, қизалоққа бошқалардан кўра кўпроқ мен ҳукмимни ўтказар эдим. Бундан мағрурланиб кетиб, гоҳо у бечорага қанчалик бедодликлар қилганимни айтмасам ҳам бўлади. Бироқ Сурбаланинг бир жиҳатига тан бермай иложим йўқ: мен унга нимаики буюрсам, у ўша заҳоти қулоқ қоқмай буйруғимни бажо келтирар, борди-ю, сўзимни икки қилса-ю, мен унга тегишлича жазо бергудек бўлсам, боёқиш чинакам айбдорлардай чурқ этмай тураверарди. Маҳалламизда энг хушрўй қиз иккита бўлса, биттаси шу Сурбала эди, битта бўлса, ўзи; лекин мендай бир такаббур, қўпол йигитча бундай соҳибжамолнинг қадрини қаёқдан ҳам билсин? Онаси уни менинг ҳар қандай амру фармонимга сўзсиз итоат этиш учун, бинойи умр менга чўрилик қилиб юриш учун туққан деб ҳисоблардим ўзимча.

Отам қишлоқдаги бойлар жамоасининг ноиби бўлиб ишлар эдилар. Улар, хат-саводим чиққач, заминдорлик ишларининг йўл-йўриқларини ўргатиб, бирон жойга гумашталик ишига жойлаб қўйиш орзусида юрардилар. Лекин отамнинг бу хоҳишлари менга асло ёқмасди. Менинг мақсадларим олий эди, ҳеч бўлмаганда, маҳалламиздаги Нилратандай бўлишни ният қилардим. Нилратан Калкуттага қочиб кетиб, ўша ерда ўқиган, сўнг музофот бош солиқчисининг нозири бўлиб олганди. Майли, жуда нозирлик насиб қилмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда, бирон-бир судда саркотиб бўларман-ку, ахир. «Шундай қиламан ҳам», деб ўзимга ўзим сўз бердим.

Отамнинг суд ходимлари олдида етти букилиб таъзим қилганларига кўп кўзим тушган. Турли сабаб ва баҳоналар билан ҳали балиқ, ҳали нақд пуллар инъом қилиб, уларнинг кўнглини овлаганлари ҳам менга сир эмасди. Шундай бўлгач, суддаги энг кичик амалдорнинг ҳокимдан қаери кам?

Нима бўлди-ю, «пирим» Нилратаннинг жасоратидан илҳомланиб, мен ҳам бир куни ҳайт дея

Калкуттага қочиб келдим. Аввал қишлоғимиздан келиб қолган бир танишникида турдим. Шундан кейин аста-секин отамдан ҳам ўқишимга деб оз-моздан ёрдам кела бошлади-ю, ишим жўнашиб кетди.

Ўқишдан бўш вақтларимда мен турли йиғилиш ва уюшмалар фаолиятида иштирок этдим. Натижада она юрт келажаги учун ҳар дақиқада жонимни фидо этишга шай туришимиз ниҳоятда зарур эканини чуқур англаб етдим. Бироқ бундай фидойиликка қандай эришилади — буни на мен билар эдим, на бир йўл кўрсатувчи йўлбошчимиз бор эди.

Лекин сира руҳимиз чўккани йўқ. Гуруҳимиздаги болаларнинг ҳаммаси қишлоқликлар бўлиб, шаҳарлик сатанг йигитлар сингари қувлик нималигини билмасдик; шунинг учун бўлса керак, эл-юрт муҳаббатидан аъло нарса дунёда йўқдай эди бизга. Биз аъзо бўлган уюшма раҳбарлари нутқлар сўзлар, бизлар эса қўлимизда қутича кўтариб, оч-наҳор уйма-уй, маҳаллама-маҳалла юриб, кун бўйи аҳолидан кори хайр йиғар эдик. Гоҳо кўчаларда соатлаб тик оёқда туриб эълонлар тарқатар, йиғилиш бўладиган жойни тартибга солар эдик, бирортанинг оғзидан раҳбаримиз шаънига қарата ножўя сўз чиққанини эшитиб қолгудек бўлсак борми, ўша одам билан шердай олишиб кетардик.

Улуғ мақсад йўлидаги бу ҳаракатларимизни кўриб, шаҳарлик бойваччалар бизни масхара қилар эдилар.

Шу тариқа нозир ё саркотиб бўлиш орзусида Калкуттага ташриф буюрган камина қулингиз энди ғирт ватанпарвар бўлиб қолганди.

Мен бу ерга қочиб келганимда нақ ўн беш яшарлик ўсмир эдим, ўшанда Сурбала эндигина саккизга тўлганди. Ҳозир эса, мен ўн саккиздаман. Отам: «Ёшинг ўтиб кетаяпти, қачон уйланасан?» — деб сира ҳол-жонимга қўймайдилар. Мен эса ўзимча: «Бир умр уйланмайман, ўзимни ватаним эрки йўлида қурбон этаман», деб онт ичиб қўйгандим. Сира иложи қолмагандан кейин отамга:

— То ўқишимни тугатмагунимча уйланишим тўғрисида гапсўз бўлиши мумкин эмас! — деб узил-кесил жавоб бердим.

Орадан икки ё уч ой ўтгач, менга: «Сурбалани судья Ромлўчан бобу деган кишига турмушга беришди», мазмунидаги хабар келди. Мазлум Ҳиндистон озодлиги учун деб мен ўшанда кори хайр йиғиш ишига бошим билан шўнғиб кетгандим. Бинобарин, бу хабар менга жуда эриш туюлиб кетди.

... Ўқишим ниҳоясига етиб, имтиҳонлар бошланди. Шу орада отам дунёдан ўтдилар. Уйда мендан бошқа яна онам ва икки сингил қолди. Рўзғорни тебратиш керак эди — иш қидиришга тушдим. Ниҳоят, узоқ уринишлардан кейин чекка бир қишлоқдаги мактабда ўқитувчи бўлиб ишга жойлашдим.

Кўнглимдагидай иш топилганидан жуда суюндим. Мана энди ҳинд болаларининг кўзини очаман, келажакда уларни она Ҳиндистон учун жонини ҳам аямайдиган фидойи қилиб тарбиялайман, деб енг шимариб ишга киришдим.

Бироқ бу қувончим узоққа чўзилмади. Маълум бўлишича, бу мактабда грамматика ва математикадан бошқа биронта дарс ўтилмас экан. Шу предметлардан ташқари ўқитувчи бирор нарсани тушунтириши директорнинг қулоғига бориб етгудек бўлса, иш пачава экан. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, тақдирга тан бериб юравердим.

Ҳаммаёқ тандирдай қизиб, ёнғин чиқиш хавфи кучайганидан ўқитувчилардан бирортасининг мактабда навбатчилик қилишига тўғри келиб қолди. Энг ёши, устига устак бўйдоқлигим важидан бу масъулият менинг зиммамга юклатилди. Мактабнинг шундоқ биқинида бир мўъжазгина ҳужра бўлиб, мен шу ҳужрада тура бошладим. Мактабдан сал нарида бир кўл бор эди. Чор атрофи қалин дарахтзор билан ўралган бўлиб, аксарият ўқитувчилар дарсларини мактаб саҳнидаги бир жуфт улкан ним дарахтининг тагида ўтар эдилар.

Айтгандек, бир гапни айтиш эсимдан чиқаёзибди. Қишлоқда бир Ромлўчан Рай деган судья бўлиб, ҳовлиси деярли мактаб билан ёнма-ён эди. Унинг уйлангани, хотини ўша мен билан болаликдан бирга ўсиб катта бўлган Сурбала эканини ҳам билар эдим. Ҳа-ҳа, Сурбала шу ерда, мен билан ён қўшни-жон қўшни эди.

Судья иккаламиз танишиб қолдик. Сурбала билан ёшликдан бирга ўсганимизни у биладими, йўқми — бу ёғи менга қоронғи эди. Бу ҳақда янги танишимга оғиз очишни эса ўзимча эп билмадим. Қолаверса, Сурбаланинг қачонлардир менинг ҳаётимга дахлдорлиги ҳақидаги фикрни илож борича кўнглимдан чиқариб ташлашга уринардим.

Бир куни нима ҳам бўлди-ю, Ромлўчан Райни кўргани унинг уйига бордим. Бизлар у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирардик. Шу топ ёндаги хонадан оёққа тақиладиган кумуш халқачаларнинг ёқимли шиқирлаши, қимматбаҳо либоснинг нафис шитири, нозиккина оёқ кафтларининг билинар-билинмас шипиллаши қулоғимга чалинди. Шунда мен дарича тирқишидан бир жуфт ўтли нигоҳ ўзимга қадалиб турганини ҳис этдим.

Алҳол кўз олдимга болалик чоғимдаги ўша бир жуфт маъсум нигоҳ келди. Қанчалар меҳрибон, қанчалар муҳаббатга лиммо-лим эди ўша бир жуфт шаҳло кўз! Кўз эмас, бир жуфт чақноқ юлдуз! Муҳаббат оташи порлаб турган қўш Чўлпон!

Тўсатдан юрагим бир тутам бўлди; гўё кимдир уни чангалига олиб, беаёв сиқаяпти-ю, оғриғидан жоним рамаққа келган...

Ҳужрамга қайтиб келдим ҳамки, дард қўйиб юбормас эди. Ўзимни чалғитиш ниятида китоб ўқидим, ёзиб-чиздим, яна нималардир қилдим — бўлмади, қайтанга юрагим қафасига сиғмай кўксим тарс ёрилгудек урар эди.

Тун чўккандагина андак ўзимга келдим ва дафъатан ўзимга ўзим: «Нега бундай бўлди?» дея савол бердим. Шунда юрагимнинг қаъридан: «Сенинг ўша Сурбаланг қани?» дея саволимга савол билан жавоб олдим. Мен унга: «Унинг ихтиёри ўзида, мени деб қачонгача пойлаб ўтиради?» дедим. Яна дилимнинг тубидан кимдир жавоб қилди: «Бир вақтлар истаган пайтингда ҳозиру нозир бўлиб турувчи дилбаринг чеҳрасини энди бир бора кўришга ҳаққинг йўқ. Кўраман деб овора бўлиб ҳам юрма! Ҳа, болаликдаги Сурбала сенга нақадар яқин, қадрдон эди. Энди-чи, унинг оёқларидаги кумуш ҳалқачаларнинг шиқирлашига, борлиғидан анқиб турган атиргулнинг ифор ҳидларига маҳталсан, чунки оралаpингда энди баланд тоғ бор». Мен дедим: «Қўйсанг-чи, Сурбала ўзи ким бўлибди менга?» Юрагим жавоб берди: «Тўғри, у сенга ҳеч ким эмас, аммо, у аслида сеники бўлиши керак эди-ку».

Дарвоқе, шундай эмасмиди? Сурбала меники бўлиши керак эди! Менинг энг яқин дилкашим, энг қалин сирдошим, қувончни ҳам, ғамни ҳам бирга-бирга баҳам кўрувчи садоқатли ёрим бўлиши лозим эди-ку. Бироқ энди у шу қадар йироқ, шу қадар бегонаки, ҳатто уни бир сари кўриш ҳам, у билан бир оғиз гаплашиш ҳам, у ҳақда хаёл суриш ҳам гуноҳи азим! Чунки у энди аллақандай Ромлўчан деган кимсанинг хасми ҳалоли, завжаи бокираси!... Лекин қани энди кўнгил бу аччиқ ҳақиқатга осонликча иқрор бўлса! «Йўқ! Йўқ! Сурбала Ромлўчаннинг эмас, сенинг ёринг, сенинг ёринг, сенинг!» — фарёд уриб нола қиларди мажруҳ юрагим.

Шундан бери қўлим сира ишга бормай қўйди. Ташқарида болалар қий-чув солиб соқоқни такрорлашар, саратон қуёши олов пуркар, ора-чора иссиқ гармсел ним дарахтининг хушбўй ҳидини димоғимга урарди. Ичимга эса чироқ ёқса ёримасди. Берган дарсларим, ўргатган сабоқларим худди тушда кўргандай ҳиссиз ва туссиз туюлар, туриб-туриб ҳаммасидан этак силкиб кетсаммикан деган хаёлга борар эдим. Ҳар гал дарс тугагач, ҳувиллаган ҳужрамга қадам босгани юрагим безиллайди, ҳол сўраб келганлар билан ҳам очилиб гаплашолмайман. Кеч кирди дегунча, кўл ёқасидаги дарахтлар тагига бориб, соатлаб ўй сураман, баргларнинг сирли шивирлашларига қулоқ соламан, одамнинг бу қадар мураккаб яратилганидан ҳайратга чўмаман. Шундай хаёл сура-сура ўзимдан ҳафсалам пир бўлиб кетади. Наҳотки, Сурбаланинг «пешонамга сиғмагани» рост бўлса?! Еки у мен билан кўнгилдагидай умргузаронлик қила олмас эдими? Е у менинг орзуларимнинг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилган бўлармиди? Хўш, шу билан ўйлаган орзуларимга ета олдимми? Ким бўлдим охирида? Оддий бир мактаб ўқитувчилигидан нарига ўта олмадим. Ромлўчан осмондан тушгандай пайдо бўлди-ю, шартта қизни илди-кетди. Ҳолбуки, Сурбала меники эди. Ромлўчанга эса, Сурбала бўлди нимаю Бҳавшанкарий бўлди нима — барибир эди. Бир ҳисобдан қандини урсин азамат, ўзи кимсан — судья, ҳамёни тўла жарақ-жарақ пул, бағрида гулдай Сур-



Т. Саъдуллаев чизган расмлар.

бала. У Сурбаланинг эри — керагида қаттиқ-қуруқ гапиради, керагида тилла зирак олиб беради. Хуллас, бу дунёда армони йўқ. У бир кун ҳам кўл бўйида ўтириб юлдуз санаш нималигини билмайди, тушини сувга айтмайди...

Бир куни Ромлўчан иш юзасидан олис бир жойга йўлланма билан кетди. Ҳужрамда мен танҳо қолганимдай, шу куни Сурбала ҳам ёлғиз қолган бўлиши керак.

Аниқ эсимда: ўша куни душанба эди. Эрталабдан ҳавонинг авзойи бузилди. Кўп ўтмай ёмғир томчилай бошлади. Директор дарсни тўхтатишни буюрди — афтидан у бир нимани сезган эди. Кечгача қоп-қора булутлар осмонинг у чеккасидан бу чеккасига кўчиб юрди. Эртасига эса, бирдан жала қуйиб, довул кўтарилди. Айниқса, кеч тушиб, тун чўккан сайин довул билан жала баттар қутурди.



Шундай пайтда кўзга уйқу келармиди. Бирдан Сурбала эсимга тушди — ахир у уйда ёлғиз қолган-ку! Бу даҳшатли тунда унинг ҳоли нима кечаётганийкин? «Уни ҳам шу ерга чақириб, тонг отгунча олиб ўтирсам, қалай бўларкин?» деган ўй қайта-қайта кўнглимга келарди-ю, негадир юрагим дов бермасди...

Тунги соат икки-учлар эди. Бирдан: «Тошқин!» деган ваҳимали хабар тарқалди. Мен ўқдай отилиб ташқарига чиқдим-да, Сурбаланинг уйи томон учдим. Кўл бўйидаги дўнгликка етгунча сув тиззамга урди. Базўр дўнгликка чиқиб, олдинга қарасам, нариги томондан ҳам қоронғуда кимдир шу ёққа чиқиб келарди. Зим-зиё тун бўлишига қарамай, ўша заҳоти бу шарпа кимлигини бутун вужудим, шуурим, юрагим билан танидим! Ҳа, бу ўша, ўша, шубҳасиз, ўша эди!

Ҳаммаёқ сув остида. Тошқиндан омон қолган кафтдеккина оролча узра икки нафар жон: у ва мен иккаламиз типпа-тик турар эдик. Тун шу қадар зимистон эдики, осмонда на бир милт этган шуъла кўзга ташланарди. Ҳа, бир-биримиз билан икки оғизгина гаплашиб олишга монеълик қилувчи ҳеч нарса йўқ эди шу тобда! Бироқ қани энди на унинг, на менинг тилим калимага келса. Ҳатто бир-биримиздан ҳол-аҳвол ҳам сўролмасдик.

Шундоқ оёғимиз остидан телбаларча чопиб ўтаётган сим-сиёҳ ажал ҳар томонга бош уриб ҳайқирар, бир кафт замин узра киприкдаги ёшдай турган икки жонни комига тортмоқчи бўлар эди. Биз эса, бир-биримизга юзма-юз турганча, ажалнинг кўзидан кўзимизни узмасдик.

Мана, дунёдаги ҳамма нарсадан воз кечиб, менинг Сурбалам олдимга келиб тик турибди! Ушбу дақиқада унинг учун дунёда мендан ўзга ҳеч ким ва ҳеч нарса йўқ эди. Менга етишгунча, у не-не ғуссали кунларни, не-не изтиробли тунларни бошидан кечирмаган!

Бир вақтлар ҳаёт тошқини икки ғунчани бир-бирига бақамти қилган бўлса, бу кун ажал тошқини икки гулни бир-бирига юзма-юз қилиб қўйди. Яна бир кучлироқ тўлқин келиб урса, бас, оёғимиз тагидаги бир сиқим тупроқни ювиб кетади-ю фироқ ўтида куякуя адо бўлган икки жисмни абадий бирлаштиради.

Йўқ, асло келмасин ўша машъум тўлқин! Менинг Сурбалам ўз ошиёнига қайтсин! Кўз очиб кўрган ёри билан қўша қарисин, туп қўйиб, палак ёзсин, бахту иқбол ҳамиша ёр бўлсин!

Во ажабо! Шундай зимистон тун қаърида, ажал комида туриб, мен чинакам ҳаёт лаззатини вужуд-вужудим билан ҳис этдим, унинг маъносини чуқур англадим!

Тун ярмидан оққанда довул тиниб, тошқин қайтди. Сурбала бир оғиз гапирмасдан жимгина орқасига бурилди-да, уйи томон юриб кетди, мен ҳам ҳужрамга қайтиб келдим.

Хаёлимда ўйлар чарх урарди: нозир ҳам, гумашта ҳам, юрт фидойиси ҳам бўлмадим — бор-йўғи оддийгина мактаб ўқитувчисиман, холос. Еруғ дунёга келиб топганим шу биргина тун бўлди, мана шу бир тун менинг нурсиз ҳаётимни қуёшдай ёритиб турарди.

Ҳинд тилидан
Амир ФАЙЗУЛЛАЕВ
таржимаси

Бир шеър тарихи

«ҚЎҚҚА ЕТАР САВТУ САДО»

Ижодкор ва унинг асарлари кишилар хотирасида ягона ҳодисага, ягона оламга айланади. Биз Ҳамза деганимизда аввало «Яша, Шўро!», Ғафур Ғулом номини ёдга олганимизда эса, «Сен етим эмассан», ёки «Вақт»нинг ўлмас сатрлари жаранглагандек бўлади. Зеро, ижодкор ўзининг асарларида яшайди, унинг овози, унинг нафаси, унинг инсоний фазилатлари шу асарларда абадул-абад қолади.

Ҳассос ўзбек совет шоирларидан бири Миртемир турли тарихий даврларнинг шоҳиди бўлди. Шунинг учун ҳам унинг ижодида гоҳ сочма, гоҳ лирик замзама, гоҳ янгроқ патетик оҳанг устун бўлган фасллар мавжуд. Аммо, барибир, унинг ижодидаги барча услуб фасллари шеъриятимиз хазинасидан мустаҳкам жой олган сархил мевалар берди. Ана шундай мевалардан бири, урушгача бўлган шоир ижодининг гултожи «Яли-яли» қўшиғидир.

Бу қўшиқ узоқ йиллар давомида шодиёна кунларнинг безаги, меҳнат ва кураш нашидаси билан яшаган халқнинг руҳий ҳамдами ва ҳамроҳи бўлиб келди. У ҳозир ҳам қўшиқнавис шоир ижодининг нурли чўққиларидан бири сифатида балқиб туради.

Ушбу қўшиқ илк бор қанот қоққан кезларда Катта Фарғона каналининг қурилиши авж пардасида эди. Сув учун, қақроқ ерларда пахтазор майдонлар ва боғ-роғларни барпо этиш учун кураш ўзбек халқи тарихининг энг нурафшон саҳифаларидан бирига айланган эди. Каналнинг 265 километрлик масофасида афсонавий ғайрат ва матонат намуналарини намойиш этаётган азаматларга зиёлиларнинг қирқ минг кишилик армияси, журналистлар, санъаткорлар, бахшилар, муаллимлар, агитаторлар, кутубхоначилар маданий хизмат кўрсатдилар. Ана шу маданият ходимларидан иборат армия сафларидан ўзбек шоирлари ҳам фахрли ўринни эгаллаган эдилар.

Миртемирнинг камина билан бўлиб ўтган суҳбатларидан маълум бўлишича, шоирлар олдига канал ҳақида, қурилиш зарбдорлари ҳақида асарлар ёзиш, бадиий сўз ёрдами билан қурувчиларнинг кучига куч, завқига завқ қўшиш вазифаси қўйилган эди.

«Кунларнинг бирида, — дея ҳикоя қилган эди шоир, — Усмон Юсупов бизларни йиғиб, канал ҳақида қўшиқлар ёзишни буюрди: «Халқнинг ўзи канал ҳақида қўшиқ ва термалар тўқимоқда. Сизлар ҳам халқнинг жон-дили билан куйлайдиган, унинг қалбига етиб борадиган, унинг қулфи-дилини очиб юборадиган ўлмас қўшиқлар яратинг. Ахир бу азаматлар ҳақида ҳам жонон қўшиқлар яратиш мумкин-ку! Бундай қўшиқлар уларга бошқача таъсир кўрсатмайдими?!» Биз жумҳурият саркотибининг ана шу наказидан сўнг канал ҳақида қўшиқ ёзишга бел боғладик. Биринчи бўлиб Ҳабибий домла «Канал» деган қўшиқ ёзди. Кейин бу хайрли ишга Собир Абдулла, Мақсуд Шайхзода, Амин Умарий ва Ҳасан Пўлат ҳам бош қўшдилар. Мен ҳам канал мавзуида қўшиқ ёзиш учун шакл ахтаришга киришдим...»

Шакл кўпинча бизга иккинчи даражали масала бўлиб туюлади. Лекин ғоявий ниятга бирдан-бир мос шаклни, оҳангни, ритмни топиш нафақат қўшиқ учун, балки санъатнинг барча турлари ва навлари учун ҳам бағоят муҳимдир. Миртемир шакл ахтаришда икки нарсани кўзда тутди. Биринчидан, унинг ижодий режасига кўра, қўшиқ яккахон учун эмас, балки кўпчилик учун, канал қурилишида жонбозлик кўрсатаётган халқ учун ёзилиши, иккинчидан эса, шу халқнинг асрлар давомида куйлаб келган қўшиқларига ўз шакли, оҳанги ва йўли билан яқин бўлиши зарур эди. Шу ниятда у ёшлик чоғларида севиб тинглаган халқ қўшиқларини бирма-бир назардан ўтказди. Иттифоқо, унинг хотирасига ҳар бир банди яли-яли радифлари билан якунланган халқ қўшиқлари келди. Ана шундай шўх ва қувноқ яллалар классик шоирлар бисотида ҳам бор эди.

Мана, Миртемирга илҳом ва мадад берган ўша сатрлар:

> Бир неча гул барги қабо яли-яли,
> Айлағали бизни адо яли-яли,
> Тузмоқ учун савти наво яли-яли,
> Жамъ бўлинг, моҳлиқо, яли-яли,
> Бўлди қизиқ базм саро яли-яли...

Халқ орасида машҳур бўлган бу мисраларни Навоий ва Сарёмий қаламларига нисбат бериб келадилар. Лекин ушбу мухаммаснинг сўнгги мисралари «Хамса Навоийни тўкуб қонини, Қўлларига қўйди хино яли-яли», байти билан тугалланган ва бу байтда муаллифлардан бирининг имзоси аниқ айтилган бўлишига қарамай, Алишер Навоийнинг бизга маълум девонлари орасида бундай ғазал ҳанузга қадар топилмаган. Шунинг учун ҳам мутахассислар бу мухаммасни Юсуф Сарёмий истеъдо-



динининг меваси сифатида китобхонларга тақдим этиб келмоқдалар.

«Биз қўлга қалам олган пайтда на Навоий асарларининг нашрлари бор эди, на бошқа классикларимизнинг девонлари! Булар кимларнингдир токчаларида ётарди», деб ёзган эди Миртемир бир мақоласида. Шоирнинг бу эътирофига таянган ҳамда мазкур қўшиқнинг бевосита қурилиш жабҳаларида ёзилганига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, у Юсуф Сарёмий асарини ёддан билган, унинг жўшқин ва дилрабо оҳангларидан мутаассир бўлган. Шунинг учун ҳам у ўз қўшиғини шу асарнинг мусиқий қурилмасидан айнан истифода этган ҳолда яратган.

«Бу шеърдаги гўзал шакл, ўйноқи оҳанг мавжи мени мафтун этган эди, — деган эди шоир. — Бу шўх вазн замона руҳига, гўзал Фарғона водийсида рўй бераётган улкан воқеага, канал қазувчиларнинг азму шижоатига, кўтаринки ҳолатига жуда мос эди. Бундан ташқари, унда шарқираб оқаётган сойнинг ҳам таронаси жаранглаб турарди. Шунинг учун ҳам мен ана шу вазн имкониятларидан фойдаланишни лозим деб билдим. Арузнинг бизнинг давримиз учун ҳам керакли эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Навоий ғазалларини ўқиб, улардаги маҳорат сирларини билишга уриндим.

Мана, қаранг, устоз шоир бир ғазалида ёзади:

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим сенга,
Не балолиқ кун эдиким, ошно бўлдим сенга.

Қаранг, иккинчи сатр биринчи мисрадаги фикрни, мундоқ қараганда, рад этаяпти. Аммо моҳият эътибори билан аввалги тезисни яна ҳам баланд пардада ифодалаяпти. Бу ғазалнинг қайси бир байтини олманг, унда янги бир картина чирой очиб туради.

Юсуф Сарёмий Навоий ғазалига бежиз мухаммас боғламаган. Бу ғазалдаги вазн ва оҳанггина эмас, рангба-ранг картиналар ҳам унинг илҳомини қитиқлаган кўринади».

Хуллас, Миртемир Катта Фарғона канали ва унинг азамат қурувчиларига бағишланган қўшиғи учун ана шу вазн ва оҳангни танлади. 1939 йил августининг ўрталарида қўшиқ сўзлари шоир қалбидан шалола ўлароқ бир нафасда отилиб, қоғозга тушди. Шеър 21 август куни қурилишнинг кўп тиражли газетасида эълон қилинди. Бастакор Имомжон Икромов қўшиқ сўзларига куй басталаб улгурмай, у оғиздан-оғизга кўчиб, канал бўйлаб оққуш сингари парвоз қилди. Халқнинг мислсиз ҳаракати ўзининг жўшқин ва сарбаланд гимнига эга бўлган эди:

Дарёси кўп дардга даво яли-яли,
Лим-лим оқар, бўлмас адо яли-яли,
Ховлиқиши телбанамо яли-яли,
Боқмай ўтар асти қиё яли-яли,
Шовқинидан тўлди ҳаво яли-яли.
Қирғоғида қирғоғи йўқ дашт ётар,
Телба оқим қанча теран, шўх ўтар,
Ташнасига қатра сув берса нетар?
Қатра тугул заррасига зор этар,
Мағрур ўтар шому саҳар яли-яли...

Миртемир, бир қарашда, Сарёмий мухаммасидан айнан фойдалангандек кўринади. Агар шундай назар билан қарасак, Ҳамзанинг «Ўзбек хотин-қизларига» шеъри ҳам Фазлий ғазалининг айни ўзи бўлиши керак. Лекин ҳар иккала шоир Шарқ классик шеъриятида мавжуд бўлган татаббу санъатидан ижодий фойдаланиб, мавжуд шаклни янги ва бой ижтимоий мундарижа билан тўйинтирганлар. Миртемир беш банддан иборат мухаммас-қўшиғида Катта Фарғона канали, аниқроғи, Норин дарёсининг кечаги, бугунги ва эртанги тақдирини шундай сарафроз ифодалар ва садолар орқали гавдалантирдики, у ўз навбатида советлар даври туфайли, совет кишиларининг қудрати ва иродаси билан яшнаётган ҳаётнинг образи даражасига кўтарилди.

Миртемир «Қўшиқ тўғрисида» деган мақоласида: «...яхши қўшиқнинг туғилиши ўнғай эмас, у сўз (шеър) ва музиканинг чинакам бирлиги топилган жойда, бир-бирига чирмашиб, сингиб кетган жойда дунёга келади» деган эди. Мазкур қўшиқнинг узоқ йиллар давомида халқнинг севимли яллаларидан бири бўлиб қолишининг сабаби ҳам худди шунда, унинг сўз ва музиканинг чинакам бирлиги топилган жойда дунёга келганидадир.

Миртемир қўшиқни «шеърнинг шеъри» деб атаган эди. Унинг эътиқодига кўра, «қўшиқ ўта сертимсол, ўта содда, равон, ўта рангин, биринчи сатридан юракка олов солишга қодир шеър» бўлиши керак. У «Яли-яли»ни ижод этишда ҳам, «биринчи сатридан юракка олов солишга қодир» бошқа қўшиқларни яратишда ҳам шу ижодий маслакка амал қилди. Шунинг учун ҳам унинг қўшиқлари халқ қалбига йўл топди.

«Яли-яли» қарийб сўнгги даврларга қадар Миртемир шеъриятининг байроғи бўлиб келди. Шунинг учун ҳам қаламкаш дўстлар ва шогирдлар севимли шоирнинг эллик ёшга тўлган кунида уни «Яли-яли» услубида ёзилган қуйидаги мисралар билан муборакбод этган эдилар.

Ғайратингиз бўлмас адо ҳали-ҳали,
Ёш эллигу кўзга зиё ҳали-ҳали,
Гоҳи қизлар боқса қиё ҳали-ҳали,
Дилда жўшар шеъри зебо ҳали-ҳали,
Шўхлигингиз мисли дарё ҳали-ҳали.
Гул каби соф туйғуларни дасталаб,
Шеърият олтин созида басталаб,
Марди майдон қалбига оташ қалаб,
Ҳар қадамга қўйдингиз юксак талаб,
Сиз мураббий ёшлар аро ҳали-ҳали...

Бу шўх сатрларда халқнинг баҳор шалолаларидай жўшқин оҳангларини, рангин сўзларини, сертимсол ифодаларини асрлар қаъридан ахтариб топган ва уларни яна халқига сайқаллаб қайтариб берган улкан шоирга бўлган самимий ҳурмат қайнаб ва тошиб туради.

Бу йил Миртемир ҳаёт бўлганида, етмиш беш ёшга тўлган бўлар эди. Хассос шоирнинг бахти ва боқийлиги шундаки, унинг энг яхши тароналари узоқ даврлар мобайнида кўкни савти садоларга тўлдириб, у азиз билган ва иззат қилган халққа роҳат ва фароғат бағишлайди.

Наим КАРИМОВ



Қаршн саноат уй-жой қурилиши трестига қарашли 4-кўчма механизмлашган колонна қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи, КПСС XXVII съезди делегати Мели Ҳакимов (ўнгдан иккинчи) ҳамкасблари — Абдулла Назимов, Қурбон Мустафоқулов, Ориф Жўраевлар билан ўзаро суҳбатда.

Ш. Шаропов фотоси (ЎзТАГ)

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА НАВОИЙ ВА ҲАМЗА СИЙМОСИ

XIV—XVI асрлар Шарқ фани, адабиёти ва санъати тарихида буюк бурилиш — Уйғониш даври бўлди. Бу даврда Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Али Қушчи, Яздий, Мирхонд, Хондамир каби атоқли олимлар; Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Атоий, Саккокий, Бобур сингари донгдор шоирлар; Камолиддин Беҳзод, Қосим Али, Маҳмуд Музаҳҳиб, Шоҳ Музаффар ва шуларга ўхшаш кўпгина моҳир рассомлар етишиб чиқдилар.

Ўрта аср феодал зулмати ва ислом дини ақидалари тўсқинлик қилишига қарамай, Беҳзод, Қосим Али, Музаҳҳиб каби ҳиротлик рассомлар Шарафиддин Али Яздий, Навоий, Жомий, Хотифий, Бобур каби шоир ва олимларнинг расмларини рангли бўёқлар билан ишлаганлар, асар қаҳрамонлари сиймоларини маҳорат билан гавдалантирганлар, девонларга одам тасвири солинган манзарали безак-суратлар чизганлар. Бу санъат асарлари ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотган эмас.

Алишер Навоий образи адиб ҳаётлик вақтларидаёқ ўша давр мўйқалам усталарининг диққатини тортган эди. Шулардан шоирнинг бундан беш юз йилча муқаддам яратилган тўртта сурати бизгача етиб келган. Ана шу суратларнинг иккитаси Туркиядаги «Гулистон» музейида сақланмоқда. Ўша асарларнинг бири рассом Қосим Али мўйқаламига мансуб. Унда буюк санъаткор Алишер Навоийнинг жўшиб келаётган илҳом дурларини шогирдига айтиб туриб ёздираётган пайти акс эттирилган.

Иккинчи суратни эса, машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб яратган. Мазкур тасвирда Алишер Навоийнинг кексайиб қолган чоғлари: ҳассага суяниб тик ҳолда тургани тасвирланган. Расмда мутафаккир шоирга хос салобат, улуғворлик, миллийлик барқ уриб турибди.

Алишер Навоийнинг номаълум рассом ишлаган миниатюра-портретида буюк шоир қиёфаси жозибадор қилиб чизилган: бошида дид билан ўралган ихчам салла, юзлари тўла-тўкис, қарашлари ўткир, гўё вужудидан куч ва ҳарорат ёғилиб турибди.


Машҳур «Хамса»даги «Садди Искандарий» достони хотимасига Камолиддин Беҳзод ишлаган яна бир расмда Алишер Навоийнинг Шарқ классик шеъриятининг буюк намояндаларидан Фирдавсий, Саъдий, Низомий, Хисрав Деҳлавий, Жомий, Ҳоқоний ва бошқалар даврасида суҳбатлашиб ўтирган ҳолати тасвирланган. Расмнинг қиммати шундаки, унда Алишер Навоийнинг жаҳонга таниқли забардаст шоирлар, ёзувчилар, олимлар қаторидан муносиб ўрин олгани, ҳар бир санъаткорнинг ўзига хос қиёфаси миллий белгилар, кийимлар, ранг ва ҳолат уйғунлигида ифодаланган.

Зайниддин Восифийнинг «Бадое-ул-вақое» асарида Беҳзод ўзининг янги ишлаган бир расмини Навоий ҳузурига олиб келгани, унда улуғ шоирнинг булбуллар сайраб турган боғда илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари бошидан олтин сочмоқчи бўлиб тургани тасвирлангани айтилади. Лекин бу асар ҳозиргача топилган эмас.

Албатта, Навоийга замондош мусаввирлар алломанинг расмини кўп ва хилма-хил ҳолатларда чизганликларига шубҳа йўқ. Бироқ ана шу санъат асарларининг кўпчилиги бизгача бўлган беш юз йиллик масофадан ўтишда йўқолиб кетган.

Кейинги асрларда ҳам Навоий образини тасвирий санъатда акс эттиришга уринишлар давом этган. Булардан XIX асрда Бухорода яшаган мисгар-рассом Пачоевнинг «Навоий мухандиси билан канал қурилишида» мавзуидаги рангдор иши диққатга сазовордир. Ушбу асарда Алишер Навоийнинг канал ва ҳовуз лойиҳасини бир қўлида тутган ҳолда муҳандис (инженер) билан бажарилган ишларни кўздан кечириб, деҳқонлар олдига бораётгани жуда ҳаётий ишланган. Ҳозир Бухоро ўлкани ўрганиш музейида сақланаётган бу расм энг қимматли асарлардан бири ҳисобланади.

Мутафаккир адиб Алишер Навоий сиймосини ранг-тасвирда яратиш анъанаси совет даврида янада юксак босқичга кўтарилди. Катта истеъдод соҳибига бағишлаб 1941—1948, 1968 йилларда ўтказилган тантанали юбилейлар муносабати билан бир қанча мазмундор санъат асарлари юзага келди. Бу масъулиятли ишни илк бор республикамизнинг таниқли рассомларидан В. Кайдалов, Л. Абдуллаев, Д. Синицкий, С. Мальт бошлаб бердилар. Улар Навоий образини яратишда Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али қолдириб кетган портретлардан ижодий равишда фойдаландилар.



В. Кайдалов. **Алишер Навоий.**

В. Кайдалов 1941 йилда «Алишер Навоий ижод оғушида» номли портрет яратди. Унда улуғ шоир ва олим Навоий ижодхонасида ишлаб ўтирган пайти Ҳирот шаҳри фонида тасвир этилган. Рангдор ишланган мазкур асарда буюк шоирнинг бой маънавий дунёси, теран фикр эгаси эканлиги, улуғворлиги яққол тасвирлаб берилган.

Лутфулла Абдуллаевнинг «Алишер Навоийнинг йигитлик чоғлари» портретида (1948) ўрта аср феодал зулматида машъал бўлиб порлаган Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаронинг бош вазири бўлган пайтлари халқ ва мамлакат манфаатларини кўзлаб катта режалар билан Ҳирот шаҳрига қараб тургани ҳаётий чизилган. Рассомнинг «Алишер Навоий мадраса қурилишида» (1967) полотносини эса юқорида таърифланган асарнинг давоми дейиш мумкин. Унда она шаҳрида ўз режаларини амалга ошира бориб, «Ихлосия», «Халосия», «Низомия», «Хусравия» каби мадраса ва хонақоҳлар қурилишини бошлаб юборган инсонпарвар шоирнинг муҳандис билан қурилиш лойиҳасини кузатаётгани, нариоқда ишчилар, усталарнинг астойдил ишлаётганликлари жонли акс эттирилган. И. Кириакидининг ҳам шу мавзуда яратган расмида Алишер Навоийнинг қурилиш ишини кузатиб юрганини кўрамиз.

Бу иккала асар бир-бирини мазмунан тўлдиради.

Рассом А. Ганнинг «Алишер Навоий исёнчилар олдида» полотносида (1967) мамлакатда тинчлик-осойишталик, халқ бахт-саодати учун курашган Алишер Навоийнинг 1470 йили Ҳиротда бўлиб ўтган халқ ғалаёнини одиллик билан бартараф этаётгани, пораҳўр, золим амалдорларни қаттиқ жазога тортаётгани таъсирли бўёқларда акс эттирилади. Мўйқалам эгасининг маҳорати шундаки, у XV асрдаги сиёсий аҳамиятга молик тарихий воқеани тўғри идрок этган ва уни ўз асарида ғоявий жиҳатдан ҳақконий ифодалаб берган.

(охири 27-бетда)

МАНГУЛИК

(ДРАМАТИК БАЛЛАДА)

Номаълум солдатга қўйилган ёдгорлик, шуълаланиб ёнаётган мангу олов ортида жонланиб вазмин овозда шундай деб турибди:

Ширин тушман саҳарларда омон-омон тўлғонган,
Орзудирман, орзунгизда келажакка йўл олган.
Йўқ, йўқ! Олиб кетгани йўқ қора ажал — бешафқат,
Мен ҳаётман, номаълуммас, маълумдирман — шан солдат!

Сиз ташвишга жилов урган жабҳаларда мен борман,
Ўй сурсангиз ўйларингиз парвозига мен ёрман.
Мен бордирман, адади йўқ далаларнинг қўйнида,
Дастгоҳларнинг шовқинида, дарёларнинг бўйида...

Мен ўшаман, сафарларда мудом сизга чин ҳамроҳ,
Гўдакларнинг кулгисига мингта жоним садқа, оҳ.
Келин-куёв бўсасиман, қўш лабларда чатнаган
Давраларнинг ўз сасиман — нигоҳ бўлиб чақнаган...

Олам кўрки бағримга жо — шабнамман-ку аслида,
Ҳаётдирман, ҳар бахтлининг кулиб боққан касбида.
Кўкламда-ку кулган ялпиз, қишингизда қордирман,
Чирт узилган ҳар япроқнинг ноласида бордирман.

Аслида-ку номаълуммас — маълумдирман Зуҳрода,
Маълумдирман яшнаётган боғ-роғларда, саҳрода.
Музликларда, тоғликларда, ўрмонларда маълумман,
«Уруш!» деган қонқусгурга сабоқдурман, таълимман...

Сабоқдирман, фидодир ул қайси миллат фарзанди,
Жаҳонига улашгали «Тинчлик!» деган қудратни.
Улашаман, ҳаётдурман, ундан ўзга қудрат йўқ,
Уша борки, ҳар юракдан, ҳар элатдан кўнгил тўқ!

Эли минг-у тили минг-у дили битта яловман,
Шу қудратни эъзозланг, деб ёниб ётган оловман...
Эъзозланг, деб ҳайқираман, оламдаги одамлар,
Шу сўз бўлса — яйрайверар, яшнайверар оламлар!

БИРИНЧИ САҲНА

Пойида титраб ёнаётган мангу олов кўриниб, гулу гулдасталарга кўмилиб, қадди букилиб мотамсаро она ҳайкали жонланади:

МОТАМСАРО ОНА

Болажоним, айланайин овозингдан, тилингдан,
Тупроғим деб, элатим деб мангу ёнган дилингдан.
Кута-кута мана мен ҳам мангуликка ботибман,
Мотамсаро она бўлиб ёнгинангда ётибман.

Мотамсаро бўлмадим, йўқ, номинг сира ўчган йўқ,
Сени ўлди деган хабар — юрагимни тешган ўқ!
Ишонмадим, ишонмасман — тириклардан тириксан,
Тирикларнинг юрагида, тилагида юрибсан.

Мотамсаро бўлдим у кун ўша ўқдан — шум ўқдан,
Ўша ўқдан ҳамон беҳуш, ҳамон ўзда мен йўқман.
Кута-кута оқарди-я сочларим ҳам оқдан-оқ,
Лек тақдирим бахтли аёл тақдиридан бахтлироқ.

Чунки ўша бахтлиларнинг бахтини сен яратдинг,
Онанг юзин: Ватан юзин мангуликка қаратдинг.
Болажоним, куйганимдан гапни гапга улайман...

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Эна...

МОТАМСАРО ОНА

Болам, қўй, ўксинма, мен мангуга ўлмайман.

Сен оналар боқийлигин, олийлигин бор этдинг,
Ваҳшийликнинг оч кўзига бу дунёни тор этдинг.



ОТАЕР







НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Эна, отам...

МОТАМСАРО ОНА

Шўрлик... у ҳам йўлинг пойлаб букилди...

Дардлашиб турган Номаълум солдат ва Мотамсаро она сиймолари тош қотади. Хиёбондаги гулзор чайқалиб нуроний чол чиқиб келади. Қўлида гулқайчи, гулларга унсиз сўйлаб, Мотамсаро она ёдгорлиги ёнига етиб, унинг пойидаги гулдасталарни оҳиста тузатади.

ЧОЛ

(Она ҳайкалига ўйчан термулади)

Онаси-я... етолмадинг ўғлинг берган бу кунга,
Шунқоримнинг фироқига фироқ қўшиб кетдинг-а,
Ҳар тонг шундай шу гулзорда пешвоз чиқгум ҳар кунга.

Пойларингга гулдасталар қўйиб қайтгум оҳиста.
Ғойибона дийдорлашиб, тўйиб қайтгум оҳиста...
Ғалабанинг сурурини кўролсайдинг лоақал...

(Номаълум солдат ёдгорлигига қараб)

Сен-чи, ўғлим, ҳеч бўлмаса хокинг қайда, айта қол!

Жанггоҳларда минг бор ўлиб, минг бор келдим ўзимга,
Лекин енгдим; мана энди Олтин Юлдуз кўксимда.
Сен ўлгунча, мен ўлсайдим кўксим оқу қораси,
Умрим ўтар бу дунёдан битмайин дил яраси —

Армоним кўп, ёлғизгинам, дориламон шу кунда,
Сен эмас, мен эркалайман неварангни кун-тунда.
Невараанг, бу — чеварам-да, тили бийрон хўб ширин,
Данагидан мағизи кўп ширин экан, кўп ширин.

(Соқолига ёш думалаб, овози титрайди)

Кетсанг ҳамки ном-нишонсиз йигирма беш ёшингда,
Эй ўғлоним, бобо бўлмоқ насиб этди бошингга.
Бободирсан, бир интилиб неварангни суйгин-а,
Бобо бўлмай мен ўлайин кўкайимни қийдинг-а!..

Кўз ўнгингда қотиб қолган чиқар балки, ёлғизинг —
Ёшига ҳам етмасидан қолган эди ул қизинг.
Гул юзингни ўкситмайин оқ ювди-да, оқ тараб
Ҳам она бўп, ҳам ота бўп улғайтирди рафиқанг...

ИККИНЧИ САҲНА

Ногаҳон ўз-ўзича куйиб-ёнаётган чол елкасига нозик бармоқлар тегинади. Унинг мунг ва соғинч тўла нигоҳи невараси — номаълум солдат қизига тушади.

НЕВАРА

Бобожон, бас, етар ҳар кун бўзламоқлик, ёзғирмоқ,
Ё тирилиб келармиди отажоним ҳозироқ?!

(Ўғилчасининг қўлидан тутиб)

Катта бувам, дейди сўраб, жон-ҳолимга қўймайди,
Бу уйда ҳам, боғчада ҳам сизни сўраб тўймайди.
Сизнинг билан тура турсин чеварангиз — эртангиз,
Бобожоним, узр, сизга овунчоғим — эркангиз!

(Кетади. Болакай бувасини ачомлаб)

ЧЕВАРА

Буважоним!..

ЧОЛ

Жоним садқа бува деган тилингдан,

(Эркалайди)

Болажоним, ўргилайин тилгинангдан, тилингдан!

ЧЕВАРА

(Номаълум солдат ҳайкалини кўрсатиб)

Бува, бу ким?

ЧОЛ

Бобожонинг, болам, бобоинг бўлади!

ЧЕВАРА

Боғчада-чи, Адҳам нуқул: «Бобонг йўқ», деб кулади.

ЧОЛ

Хафа бўлма, болам, улғай, тушунарсан турмушда,

(Кўз ёшини яшириб)

Адҳамнинг ҳам дадаси деб ўлган бобонг урушда!
Боғчангни деб, ойингни деб, болалар деб кетган у,

(Хиёбондан олислаб кета-кета)

Болаларнинг дадалари бўлсин дея ўтган у.
Дадалардан каттарокдир катта даданг, болажон,
Бобонг ўлган озод бўлсин, обод бўлсин деб жаҳон!

УЧИНЧИ САҲНА

Номаълум солдатга қўйилган ёдгорлик яна мангу олов оша титраб жонланади.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

Раҳмат, эна! Менга ўзинг шундай шараф бахш этдинг,
Ёмонликка, ёмонларга юрагимни тош этдинг.
Оқ булутдай сочларингдан минг садаға бу жаҳон,
Бу жаҳонга мангуликни бахш этдинг сен, онажон!

МОТАМСАРО ОНА

(Сукутда)

ШОИР

Ҳей, ботирлар!

(Хаёлида, қаҳрамон шаҳарларда, турли шаҳару қишлоқларда номаълум солдатга ўрнатилган турли шаклу шамойилдаги ёдгорликлар ўта бошлайди)

Пойингизга гул ўрнига жон садқа,
Балки ота, балки ўғил, қайдам, балки жон-тоға,
Ранги-рўйи, элу тили бошқа-бошқа, дил-битта,
Бир мушт бўлиб сақладингиз инсон сўзин эркликда.

Асрадингиз Ватан сўзин омонликда, омонда,
Тинчлик сўзи жаранглади тўрт томонда, жаҳонда.
Демак, таъзим сизга эллар, элатлардан, осмондан,
Келажакдан, далалардан, қўшиқлардан, достондан.

Таъзим бўлсин туғилажак болалардан, жонлардан,
Бор бўлажак тўйларимдан, куйларимдан, тонглардан.
Қирқ йил нима?! Боқийликнинг ибтидоси бу холос,
Интиҳосиз умрингизни Қуёшга мос десам оз!

Оздир ҳали ойу Марсда сизга ҳайкал қўйилса,

(Кўз ўнгида отилаётган мушаклар осмони, сайёралар аро из қолдириб учаётган ракеталар, номаълум солдат пойига гул қўяётган турли рангдаги қўллар жонланади)

Ҳар хонадон қаршисида сизга ҳайкал қўйилса.
Наздингизда ногоҳ боққан ёмон кўзлар ўйилса,
Қани энди орзунгиздек жаҳон ёруғ туйилса!..

(Сукут сақлаб)

Ва тўйинса бу жаҳонда эзгуликка ҳар башар,
Қуёшига тўйингандай тонгги шаффоф шабнамлар...

АДАБИЙ ТАҲЛИЛ СИРЛАРИ

Мунаққид Ортиқбой Абдуллаев «Қалбга очилган йўл»[1] адабий-танқидий мақолалар тўпламида адабиётимизнинг икки улкан қаноти — ўтмиши ва ҳозири ҳақида ҳикоя қилади. Мажмуанинг ҳар икки фаслига кирган мақолаларни муаллиф бадиият, хусусан, шеъриятга хос гўзал туйғулар фонида таҳлил қилишга интилган. Мунаққид ўзининг адабиёт ҳақидаги эзгу ўй ва хаёлларини ўқувчилар билан ўртоқлашади. Унинг проза, поэзия ҳақидаги нозик кузатишлари, тарихимизни сохталаштиришга қарши билдирган илмий фикрлари, ўзига хос жўшқин, кўтаринки руҳи, майин ҳиссий образли услуби китобхон қалбини ҳаяжонга солади.

Мунаққиднинг «Заминдан узилиб бўлмайди» деб номланган мақоласи шу жиҳати билан қимматлидир. Мақола «қадимги юнон афсоналаридан бирида енгилмас баҳодир Гераклнинг Ер ўғли — ливиялик Антей билан яккама-якка олишуви...», ҳаётмамот жанги ҳақида ҳикоя қилувчи мисол билан бошланади. Муаллиф бу ибратли афсона орқали адабиётимиз ҳамиша буюк, мўътабар асосга, яъни Ҳаёт деб аталган бош, улкан ғояга таянган, у билан мустаҳкам алоқада бўлган тақдирдагина одамлар қалби, шуурига таъсир қилади, аксинча, Она Заминдан узилган, ундан куч-қувват, илҳом ололмаган асарлар Гераклнинг забардаст қўлида жон берган Антей ҳолига тушади, деган фикрни билдиради. У ёш носирлар қисса ва ҳикояларининг таҳлили жараёнида бу асарларда тасвирланган воқеаларнинг «тарихий замини ҳамда бадиий талқини»га эътиборни қаратади.

Маълумки, Қўлдош Мирзонинг «Мубтало бўлдим сенга» қиссаси улуғ Инсон, буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг йигитлик йилларига бағишланган асар бўлишига қарамай, адабий жамоатчиликда қаноат ҳосил қилмади. Нима учун? Танқидчи бу ҳодисанинг сабаблари ўша бош омил — тарихий-адабий заминга бориб тақалишини айтиб, Қўлдош Мирзо асаридаги камчиликлар муаллифнинг тасвирламоқчи бўлган давр материалини пухта ўрганмаганлиги, тарихий мавзунинг ўзига хос томонини ҳисобга олмаганлиги, шунинг натижасида Алишерни «... бўронлардан, курашлар гирдобидан бир чеккада юрган пассив қаҳрамонга...» айлантириб қўйилганлиги туфайли юзага келганлигини тўғри таъкидлайди.

Тўпламнинг М. Шайхзода ижодига бағишланган қисми таниқли шоир истеъдодининг қирраларини очишга қаратилган. Маълумки, М. Шайхзода забардаст шоир, улкан драматурггина эмас, балки у ўзбек совет адабиёти, рус ва жаҳон бадияти, айниқса классик адабиётимиз бойлигини ўзида жамлаган йирик олим ҳам эди. Шу сиймо туфайли О. Абдуллаев ўзбек совет адабиётининг бешигини тебратган, уни опичлаб катта қилган Ҳамза, Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Сўфизода, Ойбек, Ғафур Ғулом каби жуда кўп санъаткорларимиз, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат каби классик адабиёт намояндаларининг ижтимоий дардга тўла шеърлари ҳақида бир қадар кенг, яхлит фикр юритиш имкониятига эга бўлган.

Танқидчи М. Шайхзода эстетик қарашларини кўнгилдагидек ёритган. Китобнинг бу қисми умуман адабиётимиз, қолаверса тарихимиз билан адабиётимизнинг қон-қардошлиги ҳақида, хусусан М. Шайхзоданинг олимлиги, доно, сеҳрли қаламининг сирлари тўғрисида.

Умуман олганда, иқтидорли мунаққиднинг мақолалари кучли ҳаяжон, илмий мантиқ билан ёзилгани учун китобхонда яхши таассурот қолдиради. Лекин мазкур тўпламнинг маълум нуқсонлари ҳам бор. Бу нарса муаллифнинг «Шеъриятнинг тиниқ осмони» номли биринчи тўплами билан ҳозирги китоби ўртасида йўл қўйган баъзи қайтариқ фикрларида кўринади.

Маълумки, Ортиқбой Абдуллаев «Шеъриятнинг тиниқ осмони» китобининг 21-бетида шеъриятнинг асосий ва «ёрдамчи образлар»и ҳақида ўз фикрларини билдирган эди. Уша парча «Қалбга очилган йўл» тўпламининг 116-бетида айнан такрорланади. Биринчи ва иккинчи китобдан жой олган «Шайхзода сабоқлари», «Қалам ва бурч» мақолаларида ҳам шунга ўхшаш нуқта бор.

Муаллифнинг «Инсон қалбига йўл» мақоласи ҳам обзор характерига эга бўлиб қолган. Мақолада бир неча автор ҳикояларининг таҳлилига кенг ўрин берилади. Лекин бошқа ижодкорларнинг ҳикоялари шунчаки санаб ўтилади.

Лекин бу камчиликларга қарамай, О. Абдуллаевнинг мазкур тўплами муайян оригинал фикр, гўзал туйғулари билан ўқувчини мамнун қилади.

Тўлабой РЎЗИБОЕВ

1. О. АБДУЛЛАЕВ. **Қалбга очилган йўл.** Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985 йил.

Тадқиқот, кашфиёт, ахборот

САВР ИНҚИЛОБИ ҚЎШИҚЛАРИ

Табиийки, тобора мустаҳкамланиб бораётган Совет — Афғон дўстлик муносабатлари ҳақида сўз кетар экан, энг аввало, кўз ўнгимизга улуғ доҳиймиз Владимир Ильич Ленин сиймоси келади. Зеро, Совет — Афғон дўстлиги пойдеворини шу улуғ тинчлик меъмори қурган эди.

«Россия Совет ҳукумати ва Буюк Афғон давлатининг Шарқдаги манфаатлари муштаракдир, ҳар икки давлат ўз мустақилликларини севадилар ва бир-бирларини ҳамда Шарқдаги барча халқларни мустақил ва эркин ҳолда кўришни истайдилар, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин. — ... Эски империалистик Россия абадий барҳам топиб кетди, Буюк Афғон давлатининг Шимолий қўшниси, Шарқнинг барча халқларига ва биринчи навбатда афғон халқига дўстлик ва биродарлик қўлини чўзган янги Совет Россиясидир» (ТАТ, 52-том, 355-бет).

1921 йил баҳорида В. И. Ленин билан бўлган учрашувини орадан 36 йил ўтгач — 1957 йили эслаб, Афғонистоннинг Совет Россиясидаги биринчи фавқулодда элчиси Мирза Муҳаммад Яфтали жумладан қуйидагиларни ёзган эди:

«Мен жуда яхши эслайманки, ўшанда Ленин Шарқ халқларининг аҳволини яхшилаш кераклиги ҳақида гапирган эди. У Шарқнинг эзилган халқларига ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш керак, деган эди. Жаноб Ленининг фикр-мулоҳазалари унинг: Шарқ халқлари мустамлака зулмидан озод бўлиб, мустақилликка эришсин, деган нияти мавжудлигидан равшан шоҳидлик берар эди».

Эндиликда АДР Савр инқилобининг эзгу мақсадларини муваффақиятли амалга оширмоқда, бетарафлик принципларига асосланган — миллий мустақил тинчликсевар ташқи сиёсати билан, империализмга, мустамлакачиликка, адолатсизликка ва зулмга қарши, тинчликни таъминлаш, халқаро кескинликни юмшатиш, қўшни мамлакатлар билан дўстлик муносабатларини тараққий эттириш ва мустаҳкамлаш йўлидаги қизғин фаолияти билан халқаро обрў-эътибор қозонмоқда.

«Биз қўшнимиз дўст Афғонистон мустақил қўшилмаган давлат бўлиши, Афғонистон ишларига аралашмаслик гарантияланган режим ўрнатилиши тарафдоримиз. Шу тариқа совет қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилади. Совет Иттифоқи ва Афғонистон ҳукумати батамом мана шунинг тарафдоридирлар, — деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев. — Модомики, масаланинг тезроқ ҳал этилишига кимдир халақит қилаётган экан, у аввал аксилинқилобчи тўдаларни пул билан таъминлаётган, қўллаб-қувватлаётган, қуроллантираётган, бу ердаги вазиятни нормаллаштириш йўлидаги куч-ғайратларни барбод этаётган АҚШнинг ўзидир» («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1985 йил 28 ноябрь).

Савр инқилоби шарофати билан барча Афғонистон халқлари, жумладан, бу мамлакатда яшайдиган ўзбек миллати маданияти, адабиёти ва фольклори ҳам гуллаб-яшнамоқда. Шу жиҳатдан 1980 йили Кобулда нашр қилинган ва «Гулистон» журнали саҳифаларида аввал ҳам зикр этилган «Халқ дурдоналари» тўплами эътиборга моликдир.

Бу журналист ва тадқиқотчи Файзулла Аймоқ ёзиб олган мажмуадан Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати қўшиқлари, тарихий қўшиқлари, болалар фольклори, шунингдек, маросим фольклори намуналари, эртаклари, достон қўшиқлари, мақоллари, топишмоқлари ўрин олган.

... Жўш уриб турган денгиз бўйида хаёл суриб турган одам беихтиёр тўлқинларнинг ҳосил бўлиш йўллари ҳақида ўйлайди. Бунинг биринчи сабаби, денгизнинг мавжудлиги. Кейинги сабаби, об-ҳаво таъсири. Фольклор халқ қалбидаги денгиздир. У «ижтимоий буюртма»га қараб, мавжланиши ёки тўлқинланиши, пўртаналар ҳосил қилиши ёки ёллари тўзғиган арслондек кўкка сапчиб, ҳамла қилиши мумкин. Аммо у кўрсатадиган мўъжизаларнинг ягона манбаи — сув. Айни шу имкониятдан туғиладиган табиий ҳодисаларнинг ранг-баранглиги ақлни лол қолдиради. Бир қарасангиз, фольклор намуналари асрлар бўйи бир йўлда, бир текис оқиб келаётганга ўхшайди: мазмун ва шакл — ўша, вазн, кайфият, оҳанг — ўша...

Алишер Навоий «Мезонул-авзон» рисоласида мисолга келтирган халқ қўшиғи намунасига эътибор берайлик:


Қайси чамандин эсиб келди сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушти ўт жоним аро, ёр-ёр...

Шу байтга қуйидаги:

Андижонда ўт ёқсам, Ўшда тутун, ёр-ёр,
Бу дунёда бормикан бағри бутун, ёр-ёр,
Бу дунёда бор бўлса, бағри бутун, ёр-ёр.
Қоғоздан қозон қилай, гулдан ўтун, ёр-ёр —

қўшиғи оҳанги, шеърий тузилиши ва вазни мос келади.

Фарғона областининг ҳозирги Киров районидаги Ғалча қишлоғида Иззатхон Иброҳимовадан фольклоршунос олим Мансур Афзалов 1935 йили ёзиб олган «Одилхон қиссаси» йиғи-айтимида, Афғонистонда Файзулла Аймоқ ёзиб олган савзувон қўшиғи — «Ези билан Зебо»да, муаллифи Худойберди Қорабоев деб тақдим этилган ва фольклор-



Афғонистон меҳнаткашлари Савр инқилоби байрамини зўр қувонч билан нишонладилар. Кобул шаҳри.
Л. Миронов фотоси

шуносларимиз томонидан бу фикрнинг асоссизлиги кўрсатилган «Қарғалар» қўшиғида эса муайян мисралар, бандлар қарийб айнан такрорланади. Айрим ҳолда олиб қаралганда, бир-бирининг такрорига ўхшаб кўринадиган бу мисралар, бандлар ҳар ҳолатда муайян мақсадни очишга хизмат қилади, асарнинг умумий мазмунига мос равишда янгиланади, яшаради, бетакрор уруғу касб этади... Такрордаги бетакрорлик фольклор қонуниятларидан биридир.

Аммо, халқ ижодига хос анъана доирасидаги бадиҳа жилваларидан кўзимиз қамашиб, фольклордаги бошқа бир қонуниятни — денгиздаги пўртана каби ҳосил бўлувчи новаторликни унутиб қўйишимиз асло мумкин эмас. Дарвоқе, Файзулла Аймоқ томонидан ёзиб олинган ва нашрга тайёрланган бу тўплам — Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати фольклорининг ўзига хос қомус ул-аълоси халқ оғзаки бадиий ижодининг ҳар икки қонуниятини — қўш қанотини бевосита амалда кўрсата олиши билан ҳам қимматлидир.

Худда совет даври фольклорида бўлгани каби, Савр инқилоби даври Афғонистон халқлари, хусусан ўзбеклар бадиий оғзаки ижодида новаторлик ҳодисаси рўй берди. Айни новаторлик қайси хислатлари билан кўзга ташланиб туради? Аввало, шуни таъкидлаш керакки, фольклорга янги қаҳрамон — Савр инқилобини ҳаракатга келтирган, унинг ғалабаларини бузғунчилар тажовузидан сақлаб қолган ва миллий демократик революцияни ички, ташқи реакциядан мудофаа қилган ҳолда ривожлантираётган — актив ҳаётий позициядаги меҳнаткаш, аскар образи кириб келди. Бу меҳнаткаш «Уроқчи» қўшиғи лирик қаҳрамонидан, бу аскар «Жувозёви» — «(жувозга қўшиладиган байтал)» тарихий қўшиғи лирик қаҳрамонидан онги, дунёқараши жиҳатидан ниҳоятда юқори туради; зеро, улар ижтимоий адолатсизликни ўз таналарида синаб кўрганларига қарамай, норозиликларини ошкор қилиш, шикоят этиш билан чекланган эдилар, мавжуд мустабид тузумни қуролли кўзғолон воситасида ағдариб ташлаш мумкинлигини англаб улгурмаган эдилар. Уз мамлакати тақдирини Савр инқилоби иккинчи босқичи мурод-мақсадлари асосида қайта қураётган лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари ижтимоий зулмни аниқ кўриб тургани ҳолда унга қарши қандай курашишни билмайдиган салафининг ҳис-туйғуларига нисбатан ижтимоий-эстетик нуқтаи назардан теранроқ, қамровлироқ бўлиши табиийдир, албатта. Аммо ўтмиш ҳаётий тажрибаси, стихияли тарзда шаклланган тасаввурлар, рамзлар ва руҳиятнинг шу каби ҳодисалари янги лирик қаҳрамоннинг қалби орқали ўтган ҳаёт ҳисобига қайтадан қувватга киради, янгиланади, яшаради, замонавий оҳор касб этади, халқнинг ижтимоий хотирасини оёғи ерга теккан Антей каби қудратлантириб юборади. Шу тариқа тажриба истиқболни ҳозирлаётган амалиётга, анъана инсоният маънавий эҳтиёжларига кўпроқ мувофиқ тушадиган бадиий оламни яратаётган новаторликка кўчади. Савр инқилоби шарофати билан Афғонистон халқлари, жумладан, ўзбеклар фольклорида худди шундай ҳаётбахш жараён давом этмоқда.

Савр инқилобини, жумладан унинг иккинчи босқичини мазкур миллий демократик революцияга ҳамкор, ҳамнафас кўп миллатли Афғонистон адабиёти ҳам, халқ бадиий оғзаки ижоди ҳам сидқидилдан, тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқда, унинг жарчиси, куйчиси сифатида ички ва ташқи реакцияга қарши изчил мафкуравий кураш олиб бормоқда.

Савр инқилоби даври Афғонистон фольклорида, жумладан ўзбекларнинг қўшиқларида ўлкада рўй берган миллий демократик революция билвосита ва бевосита тарзда бадиий тасдиқланмоқда. Масалан, бугунги ной-ной (ёр-ёр) намуналаридан бири Савр инқилобининг зўр ижтимоий аҳамиятини — Афғонистондаги барча халқларга озодлик келтирганини бадиий уқтирувчи «Завлонадан эшилдик» — «кишанлардан қутулдик» мисраси билан бошланади. Бу ҳаётий ҳақиқатни изҳор қилгач:

Чин юракдан хуш бўлдик, —

деб, афғонистонлик ўзбек қизлари ўз бепоён шодликларини ифодалайдилар:

Савр ойидан бери
Қаторларга қўшилдик, —

деб фахрланадилар, инқилоб халқ учун айни муддао бўлганлигини таъкидлайдилар:

Шундай кунни кўрмоққа
Интизор эдик бизлар.

Озодлик шундай бир қудрат бахш этадики, бир донишманд айтганидек, инсон жасорати ва кучи икки баравар ошади; бинобарин, шахс истеъдоди, миллат, халқ даҳоси ғунчадан гулга, тўлқиндан пўртанага айланади; биз биргаликда ўқиётган ной-ной лирик қаҳрамони қалби ҳам озодлик жўш урдирган шиддатлар билан тўлуғдир:

Қафасдан чиққан қушдай,
Осмонга учишайлик.

Граждан, миллат, халқ ўз эркинлигини, озодлигини ҳис қилган лаҳза асрларга татигулик, қалбни қуёш қадар юксалтирган лаҳзадир. Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати Савр инқилоби даври фольклорида халқнинг худди мана шундай ноёб лаҳзадаги гўзал, баркамол туйғуларини ифодаловчи қўшиқлар кўплаб учрайди. Юрагимизни Савр инқилоби сурудларига тўлдириб, ёр-ёр куйлаётган афғонистонлик сингилларимиз ўз қўшиқларини қуйидагича давом эттириши ҳам юқоридаги фикрнинг тўғрилигини исботлайди:

Ной-нойни қатор қилдик,
Эркинлигимиз билдик.
Шукур қилинг, дугона,
Озодларга қўшилдик.

«Озодларга қўшилдик». Бу мисрада бутун Афғонистон халқларининг кўнглини равшан қилиб турган ҳаёт ҳақиқатини намоён этган бадиий ҳақиқат мужассам. Шу ўринда уқтириш мумкинки, умуман, бугунги Афғонистон халқлари фольклори, хусусан, ўзбеклар фольклори Савр инқилоби ҳақиқатини унинг раҳнамоси, йўлбошчиси АХДП олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни тасдиқлашга, қўллаб-қувватлашга бадиий хизмат қилмоқда. Ер-ёрлари қулоғимиз остида жаранглаб турган қизлар ҳезб — партияни олқишлаб шундай дейдилар:

Қўлларига ош олсин,
Буғдойлари бош олсин.
Бизларни озод қилди
Жон ҳезбимиз яшасин.

Савр инқилоби даври Афғонистон, жумладан ўзбеклар фольклори намуналари масалага синфий муносабатининг ошкора ва яққоллиги билан ажралиб туради. Синфийлик принципининг тўла куч билан амалга кириши фольклор поэтикасини янгилаб юбораётгани табиийдир. Буни қофиялаш усулларининг ранг-баранглашиб бораётгани ҳам кўрсатади. Халқ ижоди, — феъл-қофияларни кенг истифода этиш билан биргаликда, — янгича қофиялар ҳисобига бойимоқда. Фольклор асарлари инқилобий воқеликка хос сафарбарлик руҳи, минбар шеъриятига хос энг кучли — асосий ғояни ўзида мужассамлаштирган сўзни қофия қилиш анъанаси кўмагида ўз бадиий тиғини чархлаб, ўткирлаштириб бормоқда. Юқорида мисолга келтирилган банддаги Афғонистон халқларининг янги воқеликка битмас-туганмас ҳусни таважжуҳини намоён қилувчи маъно ошиёнлари — «ош олсин», «бош олсин (бошоқ тортсин)», «яшасин» қофиялари шу нуқтаи назардан ҳам эътиборга моликдир. Биз таҳлил этаётган бу инқилобий ной-нойнинг кейинги — якунловчи банди қофияланишида мазкур адабий ҳодиса қабариқ кўзгуда акс этган каби янада яққол бир тарзда кўринади. Синфий позициянинг аниқлиги бир воқеанинг қарама-қарши қутбларга — меҳнаткашлар ва эзувчиларга икки хил таъсирини содда, ишонарли ифодалаш учун имконият берган. Бир-бирига зид маъно қутбларини ўзида ташувчи «Савр келди», «жавр келди», «давр келди» радиф-қофиялари мазмунни ёркинлаштириб юборган. Халқ, аввало, Афғонистонда революция савр ойининг еттинчи кунида ғалаба қозонганлигига ишора қилган ҳолда, мамлакатда катта инқилобий ўзгариш рўй берганлигини тасвирлайди:

Еттинчи савр келди.

Сўнгра, миллий демократик инқилоб золимларга қарши қаратилганини сиқиқ, содда, гўзал, бадиий бетакрор тарзда ифодалайди:

Золимга жавр келди.

Савр инқилоби ижтимоий онгга қудратли, ҳаётбахш таъсир ўтказади, Афғонистондаги барча халқлар миллий демократик йўлдан ривожланиб бораётган мамлакатлари гуллаб-яшнаши учун ўз масъулиятларини тушуниб олишларига омил бўлди. Ной-нойни, — унга ғоявий-бадиий мукаммаллик бағишлаган ҳолда, — хотималовчи қуйидаги мисралар мағзини шу фазилат — ижтимоий бурчни англаш масъулияти ташкил этади, десак, янглишмаймиз:

Ўйнаб-кулишинг, қизлар,
Бизларга давр келди.

Бу ной-ной қўшиғининг бутун руҳидан халқнинг маънавий соғломлиги, некбинлиги, инқилобий жасорати барқ уриб туради. Айни пайтда бизни унинг ғоявий-бадиий тўқимасига сингиб кетган новаторлик хусусиятлари ҳам мафтун этади.

Афғонистонда бундан беш юз йиллар аввал Навоий ариқлар қаздирган, боғлар барпо этган, иморатлар, кўприклар, йўллар қурдирганки, улар бугунги кунда ҳам эл корига яраб турибди. Бинобарин, ўзбек адабиётининг бобокалони ва абадий навқирон, замондош яратувчиси бўлмиш бу улуғ шоир ва мутафаккирнинг, давлат ва жамоат арбобининг жонли адабий-маънавий мероси, барҳаёт сиймоси ҳам Совет — Афғон дўстлигини тобора мустаҳкамлашга хизмат қилувчи эзгулик сарчашмасидир.

Бутун афғон халқи, жумладан, Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийни сидқидилдан севишларини, унинг асарларини ҳаёт китоби деб билишларини кўрсатувчи мисоллар кўплаб учрайди. Чунончи, маросим фольклорига мансуб намуна — келинсаломда қуйидаги мисраларни учратамиз:

«Чор китоб»и ёнида,
Ангишвона қўлида,
Тўрт ўғилнинг онаси,
Катта боғнинг эгаси...

Халқ шу тариқа — содда, самимий, нишонга урувчи сўзлар ёрдамида маънан баркамол, нуроний она портретини моҳирона чизади, Алишер Навоий асарлари халқ китоблари бўлиб қолганлигини жонли тасвир этади.

«Анхойнинг қолинлари» қўшиғида эса:

Қўлида Навоий, Бедил
Майда-майда ўқийди, оғажон,

деб куйланади. Зеро, навоийхонлик Афғонистон ўзбеклари орасида ҳам асрлар давомида анъанага айланган одат — маданий мезон ҳисобланади.

Бутун Афғонистон 1981 йил 10 августда Алишер Навоий таваллудининг 540 йиллигини тантанали равишда нишонлади. Шу қутлуғ санага бағишланган анжуман Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Бабрак Кармал табрикномасини ўқиб эшиттириш билан очилди.

Совет — Афғон дўстлиги шу тарзда ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Афғонистоннинг миллий мустақиллиги, озодлиги йўлида ички ва ташқи душманларга қарши жанг қилаётган

(охири 28-бетда)

(Боши 22-бетда)

Ўзбекистон ССР халқ рассоми А. Абдуллаевнинг 1967 йилда яратган «40 ёшли Навоий» портрети кўпчилик тасвирий санъат мухлисларининг диққатини жалб этди. Чунки унда Алишер Навоийнинг айни етуклик чоғи Маҳмуд Музаҳҳибнинг «Алишер Навоийнинг қарилик чоғлари» портрети асосида ишланган. А. Циглинцевнинг «Алишер мактабда» (1967), «Алишер Навоий Астрободга фармон олмоқда», «Алишер Навоийнинг Астрободда кутиб олиниши», «Ижод оғушида» (1964), Ж. Умарбековнинг «Алишер Ҳусайн билан мадрасада», Ч. Аҳмаровнинг «Алишернинг йигитлик чоғлари», А. Жўраевнинг «Навоий устози Абулайсий билан», «Навоий шогирдлари орасида», В. Пестинскийнинг «Навоийнинг болалиги», И. Кириакидининг «Алишер Навоий» (1967, туркум), Н. Қўзибоевнинг «Навоий ва Ҳусайн Бойқаро», «Навоий ва Жомий», М. Рейхнинг «Навоийнинг дафн этилиши» (1982) асарлари ва бошқа бир қанча тасвирий санъат асарлари Алишер Навоий сиймосини совет тасвирий санъатида яратишнинг ёрқин ифодаси ва кўп йиллик ижодий изланишларнинг самарасидир, десак бўлади. Бироқ, бу айтилганлар улуғ шоир сиймосини гавдалантириш борасида кўп иш қилинди, деган гап эмас. Алишер Навоийнинг ибратли ҳаёти, кўп қиррали фаолияти тўғрисида мўйқалам соҳиблари янгидан-янги тасвирий санъат асарлари яратиш йўлида изланишларини давом эттираверадилар.

Мўйқалам усталари томонидан ўзбек совет адабиёти асосчиси, инқилоб шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий расмлари ҳам кўплаб яратилган. Мана, шоир сиймоси акс этган портретлардан ташкил топган гўзал альбомни хаёлан варақлаймиз. Илк саҳифаларда Қўқон педагогика институтининг кекса ўқитувчиси В. Ситник асарларига кўзимиз тушади.

1928 йилда рассом Ҳамза Шоҳимардонда катта тарғибот ишлари олиб бораётган дамларда унинг ҳузурига боради. Шоирнинг куч-ғайрат ёғилиб турган бутун қиёфаси, чақноқ нигоҳи рассомга илҳом бағишлайди. «Ҳамза» асари ана шу таассурот замирида дунёга келади. Рассомнинг бу асардан кейин ишлаган «Ҳамза қизил чойхонада», «Ҳамза ва Охунбобоев» деб номланган асарларида шоирнинг бастакор ва фаол ташвиқотчи, инқилоб учун курашчи эканлиги унинг ташқи қиёфасида, чеҳрасида, қарашларида шундоқ акс этиб турибди.

Шоир туғилган куннинг 50 йиллиги арафасида ўнлаб мўйқалам усталари Ҳамза Ҳакимзода образи устида ишлай бошладилар. Я. Страздин ва Н. Кримскаянинг «Ҳамза Ҳакимзоданинг ўлими», В. Рождественскийнинг «Ҳамзанинг душманлар томонидан таъқиб этилиши», А. Подковировнинг «Ҳамза Шоҳимардонда», В. Кайдаловнинг «Ҳамза», Г. Массоннинг «Ҳамза», Ўрол Тансиқбоевнинг «Ҳамза Шоҳимардонда Ленин ҳайкалини очмоқда» каби сермазмун, ёрқин асарлари ўша йиллари биринкетин дунёга келди ва тематик жиҳатдан бир-бирини тўлдирди.

Масалан, томошабинлар В. Рождественскийнинг туркум асарларида (1939 йил) Ҳамзани меҳнаткашларнинг туб манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган педагог, жамоат арбоби, текинхўр шайхларга, дин ҳомийларига, жаҳолатга қарши ўт очаётган инқилоб байроқдори сифатида кўрсалар, Ўрол Тансиқбоевнинг «Ҳамза Шоҳимардонда Ленин ҳайкалини очмоқда» (1949) полотноси орқали меҳнаткаш омма иштирокида ўтаётган митингда шоирнинг доҳий ҳайкалини очаётганини Шоҳимардон қишлоғи ва тоғлари фонида томоша қиладилар ва беихтиёр ўзларини ўша суронли воқеаларнинг иштирокчисидай ҳис этадилар. В. Кайдаловнинг «Ҳамза» полотноси эса бизни шоирнинг ижод лабораторияси билан таништиради. Мана, шоир ўз ижодхонасида берилиб ишламоқда: бошида фарғонача дўппи, эгнида гимнастёрка, қўлида қалам, қомати столдаги қоғозга хиёл эгилган. Шкафда китоблар, деворда доҳий Ленин портрети. Предметлар бизга инқилоб куйчисининг доҳий Ленин ғояларига нақадар содиқ бўлганлигини, ўз ҳаётини бу ғоялар курашига бахш этганини таъкидлайди.

О. Татевосяннинг «Ҳамза — агитатор» (1952) сюжетли полотноси бу ҳақдаги ўй-фикрларимизни янада тўлдиради. Ҳамза очиқ чойхона сўрисида колхозчиларга газетадан янги хабарларни ўқиб бераяпти. Меҳнаткашлар унинг сўзларини ҳаяжон билан тингламоқдалар. Нариоқда ношуд руҳонийлар, текинхўр, бузғунчи бойлар бир-бирларининг қулоқларига оғизларини тутиб, чиркин, ёвуз ниятларини шивирлаб гапиришаётир. Расмни кўрган томошабин қалбида безовталик, оламга ҳушёр боқиш туйғуси туғён уради.


Рассомнинг «Ҳамза нутқ сўзламоқда» асари бундан ҳам таъсирчан драматизм билан тўла. 8 Март куни. Шоир хотин-қизлар ўртасида нутқ сўзлаётир. Аёллар эса, бирин-кетин паранжиларини гулханга қаҳр билан улоқтирмоқдалар. Гулхан эса борган сайин кучли ёлқинланаяпти.

В. Уфимцев ва В. Размаховлар томонидан яратилган (1955 йил) «Ҳамзанинг ўлдирилиши» картинаси ҳам драматизмга тўла. Халқ озодлиги учун жонини фидо қилган Ҳамзанинг разил ва қонхўр бойлар, ғаламис, қора ниятли руҳонийлар томонидан тошбўрон қилинаётган, атрофга шоирнинг иссиқ қони, дил ноласи сачраган дақиқалар полотнода мангу муҳрланиб қолгандай. Бу мудҳиш воқеа ҳали-замонгина бўлиб ўтгандай вужуд-вужудингизни ларзага солади.

М. Саидовнинг «Яшасин Советлар!», «Мактаб ишлайди», В. Ульконинг «Ҳамза Фрунзе ва Куйбишев ҳузурида», Н. Қўзибоевнинг «Ҳамза педагог», В. Фадеевнинг «Революция шоирлари», С. Абдуллаевнинг «Ҳамза композитор» (1961), В. Уфимцевнинг «Ҳой ишчилар», В. Ничаевнинг «Ҳамза гражданлар урушида» (1968), М. Набиевнинг «Учрашиб қолдик», Ю. Елизаровнинг «Кураш абадий», Ч. Аҳмаровнинг «Ҳамза», В. Уфимцев ва Р. Размаховнинг «Қонли ўч» асарларида оташин ватанпарвар шоир, драматург, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолиятининг янгиянги қирралари кашф этилган.

Ҳамзанома ҳали ниҳоясига етган эмас. Тасвирий санъат соҳиблари бу борадаги изланишларни ҳам давом эттирмоқдалар.

Мирсотти МИРФАЗОВ,
педагогика фанлари кандидати



С. МАЛЬТ. Ҳамза.

ЯНГИ КОМЕТА

Испаниянинг жанубий астрономия обсерваторияси (расадхонаси)да Галлей — Думли юлдузни кузатиш чоғида яқинда яна бир янги комета кашф этилди. Бу комета «Тиле. 1985 М» номи билан рўйхатга киритилди — комета уни топган Макс Планк номидаги (ФРГ) институт олими Ульрих Тиле номи билан аталди.

Янги комета осмоннинг экватор қисмидаги Орион туркумига оид юлдузли фазо суратидан пайкаб қолинган эди. Бу нисбатан хира нур тарқатадиган фазовий объект ҳисобланади. У ҳозирча комета (думли юлдуз) характерига хос думга эга эмас. Ғарбий Германияда чиқадиган «Натурвиссеншафтлихе рундшау» журнали энди олдинда фазовий саҳифанинг тарихий йўлини аниқлаш вазифаси турибди, деб хабар қилади.

САҒАНА ТОПИЛДИ

Археологлар Қоҳирадан унча узоқ бўлмаган Саккар деган жойдан қадимий Миср фиръавни Тутанхамон даврига оид сағанани топишди. Рейтер агентлигининг хабарига кўра, бу қабрга қадимий Миср ҳокими хазинасининг хазинабони кўмилган, дейишга барча асослар мавжуд. Сағананинг деворлари деворий суратлар ҳамда тасвирли белгилар (иероглиф) билан сайқалланган, уларнинг аксарияти ҳанузгача яхши сақланиб келган.

(Боши 25—26 бетларда)

АДР армияси ва чегараланган Совет ҳарбий контингенти елкадошлиги чинакам дўстлик, интернационализм, халқпарварлик, адолатпарварликнинг амалдаги тасдиғи бўлмоқда.

Албатта, Афғонистон халқлари ҳаёти, Совет — Афғон дўстлиги тобора гуллаб яшнаётган ўзбек совет адабиёти эътиборидан четда қолмаётганлигини, Асқад Мухтор «Аму» романини, Мирмуҳсин «Чодрали аёл» киссасини, бир қанча истеъдодли шоирларимиз ўз шеърларини шу долзарб мавзуда ёзганларини эслатиб ўтишимиз керак бўлади. Айни пайтда кўпгина афғон адиблари ва шоирлари ҳам Совет — Афғон дўстлигини бадиий тараннум этувчи асарлар яратаётганлари қувончлидир.

Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллатининг адабиёти Савр инқилобини сидқидилдан тасдиқлаб, халқ ҳаётини бадиий ҳаққоний тасвирлаб, ўз новаторона ижодий йўлидан бормоқда; айни пайтда, айтиш керакки, даҳо гуманист шоир Алишер Навоий, шунингдек, Октябрь революциясининг улуғ куйчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сиймосидан нур ва ижодидан баҳра ҳам олмоқда.

Маданий соҳадаги муносабатларнинг тобора тараққий топиши икки қўшни мамлакат халқлари бир-бирларининг қалбларини янада теранроқ билиб олишлари учун восита бўлади. Шу маънода Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати бадиий даҳосининг ўзига хос кўзгуси — «Халқ дурдоналари» тўплами ҳам муайян аҳамият касб этади. Унда — юқорида кўрганимиздек, — Савр инқилоби нашидалари ҳам, Афғонистон халқларининг революциягача бўлган даврдаги машаққатли тақдири ҳам бадиий ҳаққоний тажассум топган. Савр инқилоби ўз ғалабасини ички ва ташқи реакцияга қарши аёвсиз ва қонли курашда ҳимоя қилмоқда, ривожлантирмоқда. Революция солдатларию уларнинг куйчилари эъзозга муносиб кишилардир. Душманлар инқилобий қўшиқларни тўқиганлардан ҳам, куйлаганлардан ҳам шафқатсиз равишда ўч олмоқда. «Ботир акам — аскаржон» қўшиғининг ижрочиси андхойлик Исматулло Роҳёбни босмачилар ўлдирди. Демак, бу халқ қўшиқчисининг бир қошиқ қони Савр инқилоби, Ватан бахт-саодати йўлида тўкилди. У куйлаган қўшиқлар эса Афғонистон бўйлаб кундан-кунга кенгроқ қанот ёймоқда.

Ишқу вафога, нурга, некбинликка йўғрилганлик, халқнинг маънавий қудрати ва соғломлигини ўзида мужассам этиш, яъни зулмни, ҳақсизликни, эрксизликни инкор қилиш — руҳий соғломлик Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати фольклорининг турли жанрларга мансуб намуналарида, чунончи, эрксизлик, қашшоқлик, ижтимоий адолатсизликка қарши йўналтирилган «Жувозёви» тарихий қўшиғида, исёнкорона мазмунли «Эшикка келди бир гадой» ёки «Уроқчи» қўшиқларида, эртаклар, маҳаллар, мақолларда яққол намоён бўлиб туради.

Фольклорга хос қувноқ кулки ҳам донишманд, некбин, келажагини ўзининг гўзал ва юксак мурод-мақсадлари асосида қуришга қодир халққа жуда ярашади. Шундай: халқ баҳри-дили очилиб кулади ҳам, янги насл қулоғига эзгулик ўгитларини қуя олади ҳам.

Халқнинг сиёсий, ижтимоий, эстетик қарашлари, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳақгўйлик, эрксеварлик, тинчликсеварлик, меҳнаткашлик, некбинлик каби туғма хусусиятлари у тўқиган мақолларда ўзига хос тарзда мужассамлашган. Халқнинг бир қарашда содда туюладиган сўзлари мазмуни денгиздек бепоён, тубсиз: «Биродарлик — баробарлик», «Ерни алдаган — ўзини алдаган...» Мақолда, фольклорнинг бошқа барча намуналарида бўлгани каби, аввало халқнинг актив ҳаётий позицияси кўзга ташланади. Халқ ҳеч қачон эрмак учун — «санъат санъат учун» деган ақидага кўра қўшиқ, достон ёки мақол яратмаган, у ҳамиша адолат, озодлик, меҳнат номидан ўз сиёсий, ижтимоий, маънавий, мафкуравий мухолифи — эзувчилар синфига, унинг идеологиясига қарши ўт очган, бадиий сўз воситасида кураш майдонига чиққан. Шунинг учун фольклор асарлари, жумладан мақоллар ўз жанговарлиги билан ажралиб туради. Мақол, — драмада персонаж нутқи каби, — меҳнаткаш халқ типик вакилининг ички дунёсини бевосита бадиий намоён қилади, халқнинг маънавий антиподи — эзувчилар синфи разолатини билвосита фош этади. Фольклор намуналарига, хусусан мақолга хос бундай халққиллик, тенденциозлик принципларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, албатта. Бинобарин, халқ бадиий оғзаки ижодининг мазкур туғма принциплари тақозоси ўлароқ кўпинча мақолларда моҳиятан бир-бирига зид образлар бадиий тўқнашади. Масалан: «камбағалнинг бахти бойнинг тахтини йиқитар» (эътибор беринг: «камбағалнинг бахти» ва унга зид образ — «бойнинг тахти»). «Бойнинг келини бўлгунча, камбағалнинг қизи бўл». «Меҳнатдан қўрқма, миннатдан қўрқ». Умуман, ғоявий-бадиий қарама-қарши қутбларни «тўқнаштириш» мақол яратиш йўлларидан ҳисобланади. Хуллас, ҳажман ғоят қисқа — одатда бир неча сўздан иборат бўладиган мақоллар халқнинг эътиқоди, ҳис-туйғулари тўла-тўкис намоён бўладиган кенг адабий майдонга, таъбир жоиз бўлса, микродрамага айланади.

Дарвоқе: мақоллар ва топишмоқлар ҳам халқ бадиий тафаккурининг бойлигини ўхшаши йўқ жилваларида намоён қилади. Ундаги ҳар бир образ ҳар ҳолатда янгича мазмун, рангинлик, фалсафий теранлик касб этади. «Тева» образи умумлаштириб турадиган мақолларни эслang: «Тева чўкса, жой олади» — тадбиркорлик, ақл билан иш юритиш тўғрисида. Туядек улкан жониворнинг ўзига жой олиш учун чўкиши ҳам юморга, ҳам ҳаётда ҳамиша муайян мақсад йўлида ҳаракат қилиш лозимлигини — ҳеч нарса осмондан тайёр бўлиб тушмаслигини уқтириши билан эътиборга моликдир. Доҳиймиз В. И. Ленин халқ бадиий оғзаки ижоди, жумладан, мақоллар, ҳикматлар, учириқлар ҳақида сўзлаб: «Шу хил учириқ сўзлар ҳам бўладики, бундай учириқ сўзлар ғоят мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини жуда яхши ифодалаб беради», деган эди. Дарҳақиқат, юқоридаги мисоллар ҳам бу сўзларнинг исботи бўла олади. Халқ ўз ҳаётидаги баланд-пастликларни, ақлга мувофиқ тушмайдиган хатти-ҳаракатлар, майлларни шундай моҳирлик билан жонлантириб берадики, таъбир жоиз бўлса, у бундай ҳолатларда мақолда характер кулгиси яратади, деб айтсак, нотўғри бўлмас: «Тевага миниб, товушқон қувларсан». Тева билан товушқон (қуён)ни, тева миниб қуён қувлаётган киши хатти-ҳаракатларини кўз ўнгига келтирган киши беихтиёр кулади, бу кулгига мақол персонажи характери сабаб бўлади. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш мумкинки, халқ мақол яратганда ҳам муболағавийликдан самарали фойдаланади, кўп ҳолларда муболағавийлик мақол бадииятининг жони, асосини ташкил этади. «Тева» образи атрофида марказлашган мақоллар орасида меҳнаткаш, ҳақгўй, олп кишилар сиймосини мажозий тарзда тасаввурга келтирадиганлари ҳам учрайди: «Теванинг яғири ҳар қанча кўп бўлса, азоби ўшанча бўлади». Турмуш қийинчиликлари, уринишларидан кўрқмасликка, камтарлик, меҳнатсеварликка даъват этувчи асрий ҳикматлар ҳаётнинг жонли манзараси билан биргаликда руҳингизга сингади: «Тевага янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади» — мазмун чеҳрасини ёриштириб турган нимкулгига эътибор беринг... Хуллас, халқ даҳоси поёнсиз эпосда ҳам, ҳажман жимит мақолда ҳам баб-баравар, бирдек — тўла-тўкис намоён бўлади: жонни эркаловчи нимтатир табассумдан тортиб фожиагача, киноядан тортиб тамоми эл-юрт, мамлакатни оёққа қалқтирувчи наърагача ифодалай билади. Файзулла Аймоқ ёзиб олган бу мажмуа — Афғонистонда яшайдиган ўзбек миллати фольклори намуналари бунинг яна бир тасдиғидир.

М. ҚУШМОҚОВ



УМРИ БОҚИЙ АСАР

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си жаҳон классик адабиёти дурдоналаридандир. Унда элга муҳаббат, тинчлик, халқпарварлик, соф севги ғоялари тараннум этилади. Лекин асардаги энг асосий мавзу — бу Ватан ҳимояси, чет эл босқинчиларига қарши кураш ғоясидир. Фирдавсий икки қўшни халқ ўтмишини — эронликлар ҳамда туронликлар ўртасидаги курашни тасвирлайди. Тинчлик тарафдори сифатида майдонга чиқади. У бу икки давлат ўртасида низоларни бартараф этиш йўллари мавжудлигини бир неча бор таъкидлайди:

Зи Тўрону Эрон жудой набуд,
Ки бо кину жанг ошной набуд...
Чи бояд ҳаме хира хун рехтан,
Чунин дил ба кин андар овехтан.

Турон ва Эрон ҳеч жудо
бўлмаган,
Ранж-адоват нималигин билмаган.
Не фойда бекор қон тўкилишидан,
Дилларда хусумат ниш уришидан.

Аммо ёвуз кучлар, Ахриманнинг кирдикорлари туфайли кишилар орасида низолар, халқлар ўртасида урушлар аланга олади, кўплаб қон тўкилиб, минглаб қалблар изтироб чекади. Қонли жанглар, оҳ-фарёдларга тўла парчаларни ўқир экан, китобхоннинг уруш ва унинг оқибатларига бўлган нафрати ошиб боради. Бу эса, моҳир ижодкор санъатининг нақадар беқиёс ва олий даражадалигидан далолат беради, албатта. Чунки шоир урушга бўлган муносабатини тўғридан-тўғри уч-тўрт мисра орқали баён этиш билан чекланиб қолмай, балки ўз фикрини янада чуқурроқ ёритишга ҳаракат қилади. Айниқса, асардаги Суҳроб, Сиёвуш каби паҳлавонлар тақдири китобхоннинг зўравонлик, шафқатсизликка бўлган ғазабини кучайтиради. Душманидан ҳатто номини ҳам яширган ғурури баланд Рустам навбатдаги олишувлардан бирида ўз ўғли Суҳробни нобуд қилгани уруш балосининг меваси эмасми!! Шердай олишган тенгсиз паҳлавоннинг ночор аҳволга тушиб қолиши қалбини титратиб юборади:

Ҳамегуфт, ки эй кушта бар
дасти ман
Далеру сутуда ба ҳар анжуман.

Ҳамерехт хуну ҳамеканд мўй,
Сараш пур зи хоку пур аз об рўй.

Оҳ урар: «Наҳотки, қотилинг
бўлдим,
Ҳар ерда машҳур ва мард бўлган
ўғлим».
Юлар сочларин ва юмдалар юзин,
Боши ҳам, йиғидан очолмас
кўзин.

Сулҳпарвар Сиёвуш Эрон ва Турон ўртасидаги кўп йиллик жангу жадалларга чек қўйиш ниятида не азобларга йўлиқмайди. Тинчликка эришиш йўлида ҳатто у ўз она юртини тарк этишгача боради. У бу йўл билан қисман мақсадига эришади ҳам. Эрон ва Турон ўртасида маълум вақт осойишталик ҳукм суради. Лекин баъзи бирларнинг мансабпарастлиги, шон-шуҳратга интилувчанлиги натижасида нафақат бу осойишталик бузилади, балки Сиёвушнинг ўзи ҳам ҳалок бўлади. Табиатан тинчликсевар Сиёвуш ҳаёти хавф остида қолганида ҳам қуролини ишга солишга ботина олмайди, чунки у охирги дақиқаларгача эзгулик қарор топишидан умидини узмайди.

Ёвуз кучлар таъсирида ва баъзи шоҳларнинг калтафаҳм, шон-шуҳрат, бойлик кетидан қувиши натижасида Эрон ва Турон ўртасидаги тўқнашувлар аянчли тус олади. Ҳар икки томондан кўплаб қурбонлар берилади. Лекин эронликлар ҳам, туронликлар ҳам, жангдаги вазиятга қараб, мардонавор ўз она тупроқларини ҳимоя қиладилар. Эрон лашкари Рустам, Тус, Гударз, Бижан каби паҳлавонлар билан фахрланса, Пиран, Пилсом каби баҳодирлар туронликлар таянчи ҳисобланарди. Шуниси характерлики, Фирдавсийнинг ўзи эронлик, лекин унинг Ватанга муҳаббат ҳисси қанчалик чексиз, душманга нисбатан нафрати қанчалик кучли бўлмасин, ғанимни камситиш, уни қўрқоқ, разил қилиб тасвирлаш шоирга ёт. Зеро, туронликлар ҳам ўз она юртларини ғоят севувчи, уни ардоқловчи халқдир. Мамлакатга паҳлавон Рустамнинг бостириб киргинини эшитиб, улар охирги томчи қонлари қолгунча жанг қилишга тайёр эканликларини билдирадилар:

Она халқ, она-юрт тинчлиги
учун,
Тарож бўлган мол-мулк,
фарзандлар учун
Ўкириб кирамиз жангга шер
мисол,
Ғанимлар юртини қиламиз
поймол.
Енгилган бўлсак ҳам аввалги
сафар
Дадил бўлмоқ даркор, тушкунлик — зарар.

Донолик ва мардлик борасида Турон лашкарида ҳам муносиб шахслар бор. Шулардан бири паҳлавон Пиран образидир. Пиран — асардаги мураккаб образлардан. У — ақлли, жасур ва тадбиркор жангчи. Пиран ўз она-юртини беҳад севади, халқ осойишталиги тўғрисида қайғуради. Фирдавсий ватанпарварлик ғоясини мазкур образ орқали талқин этади. Пиран Сиёвушнинг ўғли Кайхусрав ҳаётини сақлаб қолади, унга ғамхўрлик кўрсатади, севиб ардоқлайди. Лекин улғайган Кайхусравнинг Эронга қайтишга аҳд қилиши Пиранни оғир аҳволга солиб қўяди. Чунки кароматларга кўра, Эронга қайтиб боргач, Кайхусрав отаси ва ўзининг қувғин қилинганлиги учун туронликлардан ўч олиши керак эди. Бунга Пиран йўл қўя олмасди, шу билан бирга унинг Кайхусравнинг онаси Фарангисга муҳаббати зўр эди. Аммо ватан олдидаги бурч туйғуси устун келиб, китобхон кўз ўнгида шафқатсиз ва қатъий жангчи намоён бўлади. Ҳатто Кайхусрав унга кўплаб бойлик, шон-шавкат ваъда қилиб, Эронга таклиф этади. Лекин туронлик паҳлавон бундай қила олмасди. У аввалига имкон борича душманни кучсизлантиришга ҳаракат қилади, Кайхусравнинг таклифидан усталик билан фойдаланади ва ўз бурчига содиқ қолиб, Гударз билан жангда ҳалок бўлади.

Ватанпарвар шоир ўз халқининг тинч ҳаёт кечиришини ва мамлакатда ҳар қандай босқинчи йўлини тўса оладиган қудратли давлат қарор топишини орзу қилади. Унинг бу орзуси «Шоҳнома»нинг асосий қаҳрамонида мужассам: Рустам — ватан посбони, халқнинг ишонган тоғи. Лекин, шоирнинг фикрича, фақат паҳлавонларгина эмас, балки ҳар қандай ғанимга қарши ёшу кекса, эркагу аёл баравар тўғон бўлиб туришлари керак. Бу ўринда эронлик жангчи аёл Гурдофарид образини эслаш жоиздир:

Гум бўлди сочлари кийганда
совут,
Кийганда дубулға бўлдилар унут.
Қалъадан чиқиб келди мисоли
шер
Белда камар, тулпори учаман
дер.

Шоирнинг талқин этишича, ватанпарварлик туйғуси шахсий ҳиссиётлардан кучлироқдир. Умуман, «Шоҳнома» — ғояларга сероб ва сермазмун асар. Унга мурожаат қилган киши ўзига тегишли, ўзи қизиққан ё эъзозлаган нарсасини топа олади. Шунинг учун ҳам «Шоҳнома» асрлар оша қўлдан-қўлга ўтиб, бизнинг даврimizгача етиб келди. Шоир ўз умр баҳорини, ёзи ва кузини бағишлаган мазкур асар умри ҳам боқийдир.

Азамат ЗИЯЕВ




Республикада ўғит ишлаб чиқарадиган тўнғич корхоналардан бири — Қўқон суперфосфат заводи коллективи ҳамиша илғорлар сафида. Суратларда: аппаратчи Ислом Саримсоқов; Валижон Тоҳиров сменаси.

А. Жумаев фотолари

ШАХ МАТ

Ўзбекистонлик гроссмейстер-турнир ғолиби

Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳрида Максим Горький номидаги майдон бор. Шу майдонда Совет маданият уйи жойлашган. Улуғ рус шахматчиси Александр Алёхин номи билан аталувчи шахмат клуби ҳам шу ерда. Яқинда бу ерда Ҳиндистоннинг собиқ бош



министри Индира Ганди хотирасига ва халқаро тинчлик йилига бағишланган катта шахмат турнири ўтказилди. Ушбу халқаро турнирда жами 14 киши, жумладан, бизнинг мамлакатимиздан уч халқаро гроссмейстер — Георгий Аъзамов, Юрий Разуваев, Виталий Цешковский, шунингдек, Ҳиндистоннинг барча кучли шахматчилари иштирок этдилар. Биринчи ўринни ҳамюртимиз Г. Аъзамов эгаллади, у 13 имкониятдан 10 очкони қўлга киритди, бирор марта ҳам ўйинни бой бермади. Етти партияда ғалабага эришди, олти партияни дуранг натижа билан якунлади. Иккинчи ўринни 9,5 очко тўплаган бангладешлик халқаро мастер Муршед, учинчи-тўртинчи ўринларни 9 очко йиғган ҳиндистонлик халқаро мастер Анад билан халқаро гроссмейстер В. Цешковский бўлишиб олдилар.


— 1986 йилда шахмат турнирларида яхши натижаларга эришаман, деб аҳд қилган эдим. Ҳиндистонда эришган муваффақиятимда менга тренерлик қилаётган дадам — мастерликка номзод, ЎзССРда хизмат кўрсатган врач Тожихон Аъзамов ҳамда акаларим — СССР спорт мастерлари Вячеслав ва Валерий Аъзамовларнинг катта хизматлари бор. Улардан сидқидилдан миннатдорман, — деди биз билан суҳбатда Г. Аъзамов. — Биринчи ўринни олиш ўзи бўлмади, албатта. Чунки бу катта турнирда америкалик халқаро гроссмейстер Энрею Солцес, болгариялик халқаро гроссмейстер Винчеслав Инкев ҳам қатнашди.

— Георгий Тожихонович, турнирда ўйнаган партияларингизнидан биттасини журналхонларимизга таҳлил қилиб беролмайсизми?

— Жоним билан. Ҳиндистонлик халқаро мастер Равикумар билан ўйнаган партиямни «Гулистон» журналининг шахмат ишқибозларига тақдим этаман.

Г. АЪЗАМОВ — РАВИКУМАР
(СССР) — (Ҳиндистон)

1. d4 d5 2. c4 dc 3. Kf3 Kf6 4. Kc3 c6 5. a4 Cf5. 6. e3 e6 7. C:c4 Ce7. 8. o-o o-o 9. Фe2 a5. Славянча ҳимоя дебюти қўлланди. Ҳозирча оқларнинг ҳолати тузукроқ. 10. e4 Cq4 11. Лd1 Kbd7. 12. Cf4. Kb6. 13. Cb3 Ch5. 14. h3 Лe8 15. q4! Оқларнинг бу юришдан мақсади қораларнинг сипоҳларини сиқиб қўйишдан ва астасекин ҳужумга ўтишдан иборат. 15. ... Cq6 16. Ke5 Kfd7. 17. Kd3 Kph8. 18. Фe3 Kc8 19. Лd2 Фb6 Қоралар дебютдан яхши чиқолмагани сезилиб турибди, уларнинг сипоҳлари жуда ҳам пассив. 20. Ca2 Cd6. 21. Ke2 Фa7. 22. Лc1 Kcb6. 23. Cb3 e5. Қоралар бир амаллаб ҳимоядан ҳужумга ўтишмоқчи. 24. de C:e5. 25. K:-e5 K:e5. 26. C:e5 Л:e5. 27. Kq3 f6 28. f4 Лe7. 29. Лcd1 h6 30. Лd8+ Л:d8. 31. Л:d8+ Лe8 32. Л:e8+ C:e8 33. Kf5! Шунча сипоҳлар жангидан сўнг ҳам барибир қоралар ёмон аҳволда. 33. ...Cd7 34. Kd6 h5. 35. qh Фa6 36. f5 c5 37. h6 Бу ҳал қилувчи



юришлардан бири бўлди. 37... c4 38. Фq3 q5 39. Фq6 Ce6 40. Kdf7+ Қоралар таслим бўлди.

— Георгий Тожихонович, сизга «Гулистон» журналхонлари номидан янада катта муваффақиятлар тилаб қоламиз.

— Раҳмат!

Суҳбатни шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзод **Анвар ИНОҚОВ** олиб борди.



Муз устида якка учиш бўйича Ўзбекистон ССР чемпиони Саодат Нуъмонова ўз шогирди билан.

А. Ванштейн фотолари



Буви неварага тилакдош.



СЎНГГИ ПУШАЙМОН

ҲАЖВИЯ

Шомирза терговчи хонасида икки қўлини тиззасига қўйиб, ерга тикилганча миқ этмай ўтирибди. Терговчи қоғозга нималарнидир қитир-қитир ёзаяпти. У ҳар замонда эшитилар-эшитилмас йўталиб жойида қимирлаб қўяди, гоҳо шифтга қараб «уҳ» тортади. Бу ерга нега чақиришди экан, деган фикр дам-бадам унинг кўнглига ғулғула солар эди. «Гапирадиган гапини тезроқ айта қолса, бирор ери камайиб қоладими буларнинг, нуқул қитир-қитир ёзгани-ёзган. Яна ишларим чаппасига кетган бўлса-я...»

Терговчи ручкани қоғоз устига қўйди-да, бошини кўтариб, синчковлик билан унга тикилди. Унинг бу тикилиши Шомирзанинг юрак-бағрини тешиб юборди.

—Сизни бу ерга чақиртиришимиздан мақсад, бир масалага аниқлик киритиб олсак. Саволларимга тўғри жавоб беришингиз лозим. Акс ҳолда жавобгарликка тортиласиз.

Шомирза қилт этиб ютиниб, тасдиқ маъносида бош иргади.

— Қаерда, ким бўлиб ишлайсиз? Оилада неча жонсизлар? У довдирагандек дўпписини қўлига олиб бир муддат ўйланиб турди-да, ўрта бармоғи билан бошини қашлаб, чайналиб гап бошлади:

— Базада қоровулман. Болаларимнинг онаси мактабда фаррош, икки ўғил, икки қизим бор. Катта ўғлим 10-синфни тугатаяпти, қолганлари ҳали ёш.

— Ёшингиз нечада?

— Қирққа бориб қолдим.

— Неча йилдан буён базада қоровулсиз?

— Ўн йилдан ошиб қолди.

— Нега, тоғни урса талқон қиладиган йигит бўла туриб, бу касбни танладингиз?

— Туз-насиб шу ерда экан, териб еб юрибмиз.

— «Жигули» енгил машинасини, бир эмас, икки ҳовлини қайси жамғармангизга олгансиз?

Шомирза эсанкираб қолди. Терговчи унга кулимсираб қараб турарди, унинг бу кулишида, тезроқ ийдинг-ку, деган маъно бордек эди.

— Ярим-ёртисини ўзим жамғарганман, қолганига қариндошлар қарашворди.

— Эшвой Бозоров кимингиз бўлади?

Уч-тўрт кундан буён даракси кетган база директорининг номини эшитиб юраги музлади:

— Ҳеч кимим...

— У билан қандай олди-бердиларинг бор?

— Ҳеч қандай...

— Тўғрисини айтаверинг. Сиз қоровулмас, база директорининг тунги ўринбосари бўлгансиз. Ёғоч, тахталарни кечаси ўғирлаб сотишга бошчилик қилгансиз. Шундайми?

Шомирзани совуқ тер босиб, бир пас хаёллари алғов-далғов бўлиб жим ўтирди. Кейин зўрға сўради:

— Мени гувоҳликка чақирганмидингиз ёки...

— Албатта гувоҳликка-да...

— Ундай бўлса, бир илтимосим бор.

— Қулоғим сизда.

— Менга ҳозир жавоб берсангиз, уйга бориб яхшилаб ўйлаб, ҳамма гапни қоғозга кўчириб келсам, ҳозир фикрларим чувалашиб кетаяпти, сизга аниқ бир нарса деёлмайман.

Терговчи бармоғини иягига тираб туриб, бир оз сукутдан сўнг:

— Майли, сиз айтганча бўла қолсин. Келишдик, эртага соат 9 да учрашамиз, шу ерда, — деди.

Шомирза терговчи хонасидан чиқиб, оёқ-қўли бўшашиб, ҳовлидаги ўриндиққа ўтириб қолди.

«Демак, Бозоров қўлга тушган. Номард барча гуноҳларини менга юклаган шекилли. Унинг ўзиқу ахир, мени дурадгорликдан қоровулликка қўймай олиб келган. Балки бироннта ғаламис изимизга тушиб уни ҳам, мени ҳам ёзиб бергандир...»

У шу алфозда қанча вақт ўтирганини ўзи билмайди, ўғли қидириб келиб, уни уйга олиб кетди, дадасини район милицияси бўлими ҳовлисида паришонхотир ўтирганини қўшниси Ваҳоб айтибди. Шу кеча Шомирза ҳар хил ўй-хаёллар гирдобида туни билан мижжа қоқмади.

«Шу ишим яхшилик билан тугаса, қоровулликни йиғиштириб, қурилишда дурадгорлигимни давом эттирганим бўлсин. Ҳовли ҳам менинг номимда бўлгани билан Бозоровники. Ундан менга нима наф. Шу пайтгача, қўли гул уста бўла туриб бироннта ҳам шогирд етиштирмабман. Коллективдан ажраб қолдим, шуни айтадилар-да: «Елғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас» деб, ёлғиз қолган эканман, энди катта коллективга қайтаман. База директорининг барча кирдикорларини фош этаман. Нега кўзим шу пайтгача очилмади. Эсиз, умрим. Мени лақиллатган Эшвой Бозоров бойваччанинг чувини чиқараман...»

У эрта билан терговчи ҳузурига ошиқди. Унинг кеч очилган кўзларида пушаймонлик совуқ йилтиради. Шомирзани, кабинети олдида кўрган терговчи унга синчков тикилди-да, хонага таклиф этди.

Анвар САИДУМАРОВ

АТАЛАДАН СУЯК ЧИҚДИ

ИНТЕРМЕДИЯ

Қиз йигитни хонадан кузатиб чиқади. Йигитнинг кайфи чоғ: сигарета тутатиб, гугурт чўпи билан тишини кавлайди.

Қиз. Қалай, уйимиз сизга ёқдими?

Йигит. Жуда ёқди, уйинглар худди ресторанниng ўзи экан.

Қиз. Дадам-чи?

Йигит. Дадангиз шефповарга ўхшаб кетар экан.

Қиз. Оймлар-чи?

Йигит. Ойингизга кўзим тушиши билан юрагим кабобдай жизиллаб кетди.

Қиз. Уйимизда яна нималар ёқди сизга?

Йигит. Ойингиз мохорани боплар эканлар.

Қиз. Яна?

Йигит. Умримда бунақа лаззатли ҳасип емаганман.

Қиз. Қалбингизда қандай ўзгаришлар бўлди?

Йигит. Паловга бўлган ҳурматим янада ошди.

Қиз. Муҳаббат-севги?

Йигит. Ҳа, энди жўжакабоб — табакани ўн чандон севиб қолдим.

Қиз. Мен ҳақимда нима дейсиз?

Йигит. Агар «Шикоят ва таклифлар» дафтарингиз бўлганда, сизга ташаккурнома эълон қилар эдим.

Қиз. Менга айтадиган бирор эзгу гапингиз йўқми?

Йигит. Бор, ёғлиқ гапим бор: ранг-баранг лаззатли овқатларингиз учун сизга ҳам раҳмат.

Қиз. Бор гапингиз шуми?

Йигит. Бир порс сабр қилинг, жоним (ўйлаб). Ҳа, дарвоқе, норинга беш кетдим!

Қиз. Хайр, Қоринбой ака. (Энсаси қотиб кета бошлайди).

Йигит. Тўхтанг, ҳали менинг саволимга жавоб бермадингиз-ку?

Қиз. Жавобим аниқ: сизнинг муҳаббатингиз юрагингизда эмас, ошқозонингизда экан. Аталадай ялпаймай жўнанг бу ердан!

Йигит. Вой аттанг, ошдан курмак чиқиб қолди-у! Майли, вақтни ўтказмай Карим ошпазнинг қизига муҳаббат изҳор қилай. (Югуриб кетади.)

А. ИСОМИДДИНОВ

АНТИҚАЛИК

Бир бошлиқ ўпкалаб тўғри ойнадан,
«Савлатим қани», деб майдалаб туйди.
Эгри ойна топиб «Кулгухона»дан,
Столи қаршисига ўрнатиб қўйди.

Эгри ойна унга бахш этди «савлат»,
«Савлатдор» аксига боқди у такрор.
Антиқа хушомад, антиқа суврат
Фақат одамдамас, ойнада ҳам бор...

ҲАВАСКОР ШОИР ДАЪВОСИ

Шеърим чиқди — шоирман, бас,
Бошқа шоир пуф сассиқ...
Классиклар керак эмас,
Менинг ўзим классик.

Эргаш МУҲАММАД

ИКИР-ФИКРЛАР

«Қовун-тарвуз сотаётган чолдан: Бобой, сизда импортний тарвуз топиладими?» деб сўрасам, у кўзларини ола-кула қилиб: «Ўзимизнинг шапалоқ бор, ейсанми?» деб қўполлик қилди».

(Хорижий буюмларга сажда қиладиган олифтанинг бозор маъмуриятига шикояти).

* * *

«Ҳушёрхонага тушган куним ўғил кўрдим, яхши ният билан унга Ҳушёрбек деб исм қўйдим. Ана шундан кейин ичкилик ичишни бутунлай ташлаб юбордим. Отангга раҳмат, ўғлим Ҳушёрбек!»

(Инсофга келган отанинг гапи).

* * *

«Бошлиғимизга камоли ҳурмат билан эгилаб салом бераётган эдим, ёнимдан ўтиб кетаётган биология ўқитувчиси Бўриев мени ўғлига кўрсатиб: «Ана шу кимса ҳам умуртқасизлар оиласига киради», деди.

(Шикоятдан).

* * *

«Бугун клубимизда муқом кечаси бўлади».

(Қишлоқ клубига ёпиштирилган эълон).

* * *

«Илтижо билан тикилган бир жуфт қуралай кўзлардан томчилаган ёш баҳорги шудринг донасидек бурни устида ялтираб кўринди».


(Ҳаваскор қаламкашнинг ижодидан).

* * *

«Тузилган дастурхон айрим камчиликлардан холи эмас эди».

(Танқидчининг тўй тугагандан кейинги гапидан).

ЧАЙНКРОССВОРД



1. Қаҳрамон пойтахт шаҳар. 2. Ватанимиз жанубидаги денгиз. 3. Чўлда обод қилинган ер. 4. Лена дарёси ирмоғи. 5. Ўзбекистондаги тизма тоғ. 6. Краснодар ўлкасидаги автоном область. 7. Ёқутистон пойтахти. 8. Қардош демократик республика пойтахти. 9. Украинанинг Волинь области маркази. 10. Иттифоқдош республика пойтахти, қаҳрамон шаҳар. 11. Болтиқ денгизига қуйилувчи дарёлардан бири. 12. Бутуниттифоқ пионерлар лагери. 13. Қашқадарё областидаги район. 14. Республикамиздаги металлурглар шаҳри. 15. Ўзбекистон жанубидаги шаҳар. 16. СССРдаги машҳур дарё. 17. Кавказдаги автоном республика. 18. Қримдаги шаҳар. 19. Хакасия автоном области маркази. 20. Наманган областидаги район. 21. Ватанимиз шимолида яшовчи халқлардан бири. 22. Қозоғистон шимолидаги область. 23. Украинадаги йирик кўмир ҳавзаси. 24. Ставрополь ўлкасидаги курорт шаҳар. 25. Волга дарёси ирмоғи. 26. Арманистондаги тоғ. 27. Урмон зонаси. 28. Байкал кўлидан оқиб чиқувчи дарё. 29. Тошкент областидаги кончилар шаҳри. 30. Озарбойжон таркибидаги АССР. 31. Вахш дарёсига қурилган ГЭС. 32. Грузиядаги шаҳар. 33. Қирғизистондаги шифобахш тоғ кўли. 34. Иттифоқдош республика. 35. Хоразм областидаги район. 36. Андижон областидаги район. 37. Фарғона водийсидаги чўл. 38. Кабарда-Балкария АССР пойтахти. 39. Тожикистоннинг Ленинобод областидаги шаҳар.

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

4-сонда босилган чайнкроссворднинг жавоби

1. Лабиҳовуз. 2. Зина. 3. Арк. 4. Кандакорлик. 5. Калтаминор. 6. Рассом. 7. Меъмор. 8. Равоқ. 9. Қалам. 10. Мискар. 11. Ровон. 12. Наргис. 13. Саодат. 14. Тожмаҳал. 15. Лира. 16. Афросиёб. 17. Бўёқ. 18. Қубба. 19. Арра. 20 Андаза. 21. Аҳмаров. 22. Варахша. 23. Атлас. 24. «Сайқал». 25. Лок. 26. Каштадўз. 27. Зирак. 28. Қўшк. 29. Кўкалдош. 30. Шердор. 31. Регистон. 32. Нақш. 33. Шийпон. 34. «Наво». 35. Обида. 36. Арқоқ. 37. Қум. 38. Миниатюра. 39. Атиргул.

МУҚОВАДА

Биринчи бет: В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи пўлат эритувчиси, КПСС XXVII съезди делегати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Исроил Манданов.

Иккинчи бет: 1-суратда бир гуруҳ Уруғ Ватан уруши ветеранлари, Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган парад иштирокчилари — истеъфодаги капитан Мадамин Ражабов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Ватан уруши ветеранлари Тошкент секциясининг раиси, полковник Боис Эргашев, истеъфодаги сержант Абдулла Отажонов, истеъфодаги капитан Чори Назаров, I, II, III даражали «Шуҳрат» орденлари нишондори, истеъфодаги старшина Мўмин Саломов, уруш йиллари болалар уйи директори бўлиб ишлаган Антонина Хлебушкина, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги старший сержант Сотим Нурматов, I, II, III даражали «Шуҳрат» орденлари нишондори Гали Валиев, истеъфодаги сержант Василий Черапкин, истеъфодаги старший сержант Юнус Одилов, I, II, III даражали «Шуҳрат» орденлари нишондори Абдуҳамид Жамолов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўхтасин Аҳмедов, марҳум Совет Иттифоқи Қаҳрамони Михаил Шибаев Номаълум солдат қабрини зиёрат қилаётган пайт акс этган.

В. Мосин фотоси

2-сурат; Сув бўйида сўлим оромгоҳ...

М. Пенсон фотоси

Тўртинчи бет: Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи Бадиий фонди қошидаги «Уста» бирлашмаси миниатюрачи рассомлари — Ниёзали Холматов, Ғайрат Камолов ва Мирҳамид Собиров Москвадаги «Ўзбекистон» ресторани кичик зали интерьерини безаш учун ҳамкорликда яратган деворий композициялардан намуналар.

Н. КОРНИЛОВ. Саҳро.

ЗИРА

Зира шифобахш кўпйиллик ўсимлик. Диёримизда табиий ҳолда кенг тарқалган. Унинг ҳамма қисмидан истеъмолда фойдаланилади. Масалан, уруғи эфир мойларга бой бўлиб, палов, шавла, ҳасип, қази, манти, шўрва, норин, лағмон каби турли овқатларга ишлатилади. Зираланган овқат мазали, тўйимли бўлиб, киши организми учун фойдалидир. Негаки, иштаҳа очиб овқат ҳазм қилишда аҳамиятлидир. Шу туфайли доно халқимиз қадимдан табиатдан неъматларни танлаб олиб тановул қилиб келмоқда.

Ҳа, зира гиёҳида ҳикмат кўп, ундан олинган маҳсулот йил бўйи овқатга ишлатилади, гўштни зиралайди айнимасин деб. Мазали, хуштаъм гиёҳнинг бутун қисми киши организми учун фойдали. Халқ медицинасида зирани қайнатиб жигар, меъда, ошқозон каби органларни даволашда қўлланади. Зира ёввойи ҳолда тоғли районларда кўп ўсади, уруғидан кўпаяди.

Зира сергул бўлиб, танасидаги гуллари атрофга қараб ёйилиб туради. Уруғдан, ер ости туганагидан униб чиқиб ривожланади. Июнь ойида гуллаб, августда уруғи етилиб пишади. Шунда уни йиғиб-териб олиш мумкин.

Маннон ТЎЙЧИЕВ

Бош редактор МИРМУҲСИН

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ, М. МЎЙДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С.ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), О. ҲУСАНОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДДИНХЎЖАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секретарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмахонага туширилди 24.03.86 й. Босишга рухсат этилди 17.04.86 й. Р—10709. Қоғоз 70×108 1/4. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 203109. Буюртма 3280. Нашр А-113

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

Редакцияга келган бир босма тобоққача материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Журналнинг бу сонидаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталаридан фойдаланилди.



ҚАДИМИЙ ҚИРҒҚИЗ ҚАЛЪАСИ ЕНИДА ТУРГАН ҚОРАҚАЛПОҚ КЕЛИНИ.



ТАХТАКЎПИР АЕЛЛАРИ

РАССОМ Н. КОРНИЛОВ АСАРЛАРИДАН

ШОЛИКОР.





ISSN 0134—2207
Баҳоси 35 тийин
Индекс 75233.





